

Х.П. АБУЛҚОСИМОВ, Т.С. РАСУЛОВ

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ



ТОШКЕНТ

678

A20

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ҳ.П.АБУЛҚОСИМОВ, Т.С.РАСУЛОВ

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ
ЖИҲАТЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ**

(Монография)

7436

СБД

1-3

ТОШКЕНТ – 2017

УЎК: 641/642.001.25

КБК 65.304.25

A-20

A-20 **Ҳ.П.Абулқосимов, Т.С.Расулов. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва йўналишлари. Монография. –Т.: «Fan va texnologiya», 2017, 152 бет.**

ISBN 978-9943-11-580-4

Монографияда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари тадқиқ қилинган. Унда иқтисодий хавфсизлик ва озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаларининг моҳияти ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти очиб берилган. Ишда Ўзбекистон республикасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва тенденциялари таҳлил қилинган ва бу борадаги муаммолар аниқланган. Шунингдек, монографияда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монография Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш қўмитасининг А-2-42 «Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари» мавзусидаги гранти доирасида бажарилди.

Илмий муҳаррир:

А.П.Абулқосимов

Тақризчилар:

Т.Т.Жўраев – и.ф.д., проф;

П.З.Хошимов – и.ф.н., доц.

Монография Тошкент давлат иқтисодийёт университетининг 2017 йил 31 майдаги 10-сонли қарорига асосан чоп этилди.

ISBN 978-9943-11-580-4

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2017.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов 2014 йил 6 июнда «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзуида халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида «**Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятларининг чекланганлиги ўртасидаги тафовут озиқ-овқат дастурини ҳал этиш масаласини йилдан-йилга кескинлашиб бораётганининг асосий сабаби экани ҳақида бугун ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман**»¹ -деб таъкидлади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисида қилган нутқида «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади»², - деб таъкидлаган.

Ер юзида иқлим ўзгаришининг натижасида юз бераётган табиий офатлар, ерларни суғориш учун сув танқислиги, курғоқчилик каби вазиятлар озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни қийинлаштирмоқда. Оқибатда дунё озиқ-овқат бозорларида нарх-наво кўтарилиб бормоқда. Шунингдек, 2008 йилда бошланиб, ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мазкур муаммонинг кескин тус олишига сабаб бўлмоқда.

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзуида халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. //Халқ сўзи, 2014 йил 7 июнь.

²Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз: Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи. //Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь.

Жаҳоннинг 54 мамлакатида оилалар моддий аҳволи даражасининг пасайиши кузатилгани, 20дан зиёд давлат аҳолисининг асосий қисми очликдан қийналаётгани, 12 та мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриши қисқаргани, сўнгги йилларда дунё аҳолисининг 840 миллиондан ортиғи очликдан азият чекаётганлиги бунинг яққол далилидир³. Шунинг учун ҳам бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жуда катта аҳамият берилади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистоннинг мустақиллигини мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашнинг гарови ҳисобланади. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида марказий ўринлардан бирида туради. Эндиликда аҳоли турмуш фаровонлигини ва сифатини янада ошириш, аҳолини озиқ-овқат билан тўлақонли таъминлаш масалалари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боисдан, Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга ошириш асосида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асосларини ва устувор йўналишларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиёти ва жаҳон иқтисодий тизимида глобаллашув жараёнлари жадаллашган шароитда иқтисодий хавфсизлик, шу жумладан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини илмий тадқиқ этиш кучайди. МДХ мамлакатларида иқтисодий хавфсизлик, шу жумладан, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари А.Архипов, Н.Н.Вашекин, Е.Н.Ведута, М.И.Дзалиев, А.М.Жондаров, А.В.Калосов, Е.А.Олейников, В.К.Сенчагов, М.Спанов ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган⁴. Уларнинг асарларида асосан

³Жонихонов М., Раҳмонов С. Озиқ-овқат дастури: мамлакат тараққиёти, иқтисодий барқарорлиги ва фаровонликнинг мустахкам асоси. // Халқ сўзи, 2014 йил 7 июнь.

⁴ Қаранг: Архипов А., Гороодицкий А., Михайлов Б. Экономическая безопасность: оценка, проблемы, способы обеспечения // Вопросы экономики, №2, 1994; Вашенкин Н.П., Дзалиев М.И., Урсул А.Д. Экономическая безопасность: институциональный подход. –М., 2000; Ведута Е.Н. Стратегия экономической политика государства. –М.: Акад. Проект, 2004; Жондаров А.М., Петров А.А. Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. Под общ. Ред. А.В.Колосов. МИ.Я. изд. РАГС. 2001; Общая теория национальной безопасности. Учебник. М., изд. РАГС, 2003;

мамлакат иқтисодий хавфсизлигини, шу жумладан, қисман озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари ёритилган. Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизлик муаммолари Ҳ.П.Абулқосимов, А.А.Исажанов, Ш.Р.Қобилов, А.Х.Содиқов, Қ.З.Фармонов ва бошқаларнинг илмий ишлари ўрганилган. Ҳ.П.Абулқосимовнинг ишида бу масалалар мамлакат, корхона, шахс нуктаи назаридан, ички ва ташқи, хўжалик фаолиятининг пул молия соҳасидаги иқтисодий хавфсизликни ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари ёритилган⁵. А.А.Исажановнинг ишларида иқтисодий хавфсизликнинг ташқи жиҳатлари ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш масалалари ўрганилган⁶. Ш.Р.Қобиловнинг ишларида эса миллий хавфсизликнинг иқтисодий муаммолари глобаллашув ва коррупция билан боғлиқ хавфсизлик масалалари тадқиқ этилган⁷. Аммо республикамизда озик-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий ва амалий масалалари етарли даражада ўрганилмаган. Бу эса мазкур тадқиқот иши мавзусининг долзарблигидан яна бир бор даллат беради.

Мазкур тадқиқот ишида Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга ошириш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари ва жиҳатларини ҳамда устувор йўналишларини тадқиқ қилиш асосида илмий асосланган тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсади белгиланган.

Основы экономической безопасности / Под ред. Олейникова Е.А. – М.: ЗАО Бизнес школа «Интел-синтез», 1997; Сенчагов В.К. Экономическая безопасность: геополитика, глобализация, самосохранение и развитие / Книга четвертая. Ин-т Экономики РАН. –М.: ЗАО Финстатинформ, 2002 ва бошқалар.

⁵ Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодий хавфсизлик. –Т.: Akademiya, 2006; Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. –Т.: Akademiya, 2012.

⁶ Исажанов А.А. Конкурентоспособность национальной экономики: мировой опыт и современные тенденции развития // Экономический вестник Узбекистана, 1999. №6; Иқтисодий хавфсизликнинг ташқи жиҳатлари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 1999, 12-сон.

⁷ Қобилов Ш.Р. Миллий хавфсизликнинг иқтисодий муаммолари. –Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2006; Глобаллашув ва хавфсизлик. –Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2006; Коррупция ва хавфсизлик. Т.: – ЎзР ИИВ Академияси, 2006.

Ї БОБ.ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1.Иқтисодий хавфсизлик тушунчасининг моҳияти ва шакллари

Хавфсизлик муаммоси ҳар қандай мустақил давлатчиликнинг шаклланиши ва жамиятда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий манфаатларнинг қарор топиши билан бир пайтда вужудга келади. «Хавфсизлик» тушунчаси Робер маълумотномасига кўра 1190 йилда пайдо бўлди. Бу тушунча ўзини ҳар қандай хавф-хатардан ҳимояланган деб ҳисобловчи инсон руҳининг хотиржам ҳолатини ифодалаган⁸.

XX асрнинг охирларига келиб, «хавфсизлик» ва «миллий хавфсизлик» тушунчалари бизнинг лексиконимизда тез-тез қўллана бошлади. Бу инсоният ривожланишининг мураккаб-лашуви, ядро, атом ва бошқа оммавий киргин қуролларининг кенг тарқалиши, экологик вазиятнинг оғирлиги, янги хавфли касалликларнинг вужудга келиши, терроризм хавфининг кучайиши, тоталитар тузум емирилгандан кейин дунёнинг қарама-қарши қутбларга бўлиниши барҳам топгандан кейинги давлатлар ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, уларда бозор ислохотларининг амалга оширилиши билан изоҳланади.

«Хавфсизлик» тушунчаси кўп қиррали бўлиб, турли маъноларда талқин этилади. Шунга қарамасдан уларда умумий гоё ҳам мавжуд бўлиб, бунга кўра хавфсизлик инсоният ҳаётининг турли соҳаларида вужудга келадиган хавф-хатардан ҳимояланиш, кафолатланиш маъносини англатади. Хавф-хатар эса давлат ва жамият ривожланишига, нормал амал қилишига таҳдид солувчи потенциал ёки реал куч, омил ҳисобланади⁹.

⁸ Основы экономической безопасности. – М., 1996. С.3.

⁹ Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. -Т.:Akademiya, 2012. -6-7-бетлар.

Хавфсизлик тушунчаси кенг қиррали бўлиб, ўзининг объектлари ва субъектлари нуқтаи назаридан турли шаклларда намоён бўлади. Аммо ҳозирги даврда бу тушунчанинг умумлашган шакли миллий хавфсизлик деб аталади.

Миллий хавфсизлик фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари, шунингдек, миллий қадрият ва ҳаёт тарзининг кенг кўламдаги, турли-туман ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганликни ифодалайди. Миллий хавфсизлик фуқаролар, яъни шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлади.

Мамлакатнинг миллий хавфсизлиги унинг миллий манфаатини турли сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, экологик, ғоявий, инфор­мацион ва бошқа омиллар ҳамда таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлади. Шу боисдан миллий хавфсизлик таркиби мураккаб тузилишга эга бўлиб, сиёсий, ҳарбий-мудо­фаа, ғоявий, иқтисодий, экологик, инфор­мацион хавфсизликларни ўз ичига олади.

Миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми, уни таъминлашнинг энг муҳим шарти ёки омили, кўрсаткичи иқтисодий хавфсизликдир. «Иқтисодий хавфсизлик» тушун­часи энг умумий тарзда мамлакатнинг моддий ва номоддий, қайта тикланадиган ва тикланмайдиган иқтисодий салоҳиятини ифода­лайди.

«Иқтисодий хавфсизлик» тушунчасининг мазмуни илмий адабиётларда турлича талқин қилинади. Бир гуруҳ олимлар мазкур иқтисодий тушунча мазмунини мамлакатнинг етарли мудо­фаа салоҳияти, давлат сиёсатининг ижтимоий йўналтирил­ганлиги, миллий манфаатларни ҳимоя қилишни кафолатлашга қодир бўлган иқтисодиёт ва ҳокимият институтларининг ҳолати сифатида таъриф­лайдилар¹.

Иккинчи гуруҳ олимлар мазкур тушунчани халқнинг мустақил равишда ташқи кучларнинг аралашувисиз ва тазйи­кисиз ўзининг иқтисодий тараққиёт йўли ва шаклларини

¹ Экономическая безопасность. Производство, финансы, банки. - М.: ЗАО «Финстатинформ», 1998. - с.12.

белгилаб олишига имкон берадиган ҳолат сифатида тавсифлайдилар².

Учинчи гуруҳ олимлар «иқтисодий хавфсизлик» тушунчасини иқтисодиётнинг ижтимоий эҳтиёжларни самарали қондиришга қодирлиги деб таърифлайдилар¹⁰.

Тўртинчи гуруҳ олимлар эса мазкур тушунчани иқтисодиётнинг прогрессив ривожланиши ва нормал даражада амал қилишининг муҳим шарти, иқтисодиёт соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланиши деб тавсифлайдилар. Уларнинг фикрича, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳаётий муҳим манфаатлар, шахс, жамият ва давлат мавжудлиги ҳамда уларнинг прогрессив ривожланиш имкониятларини ишончли тарзда таъминлайдиган эҳтиёжларнинг қондирилиши демакдир¹¹.

Т.Е.Кочергина «иқтисодий хавфсизлик» тушунчасига иқтисодий тизимнинг ўзини-ўзи ўзгармас ҳажмларда, доимий миқдорий ва сифат тавсифларда такрор ишлаб чиқариш имкониятларига эга бўлган ҳолати деб таъриф беради¹².

Д.В.Гордиенконинг фикрича, иқтисодий хавфсизлик миллий хўжаликнинг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланиш ҳолати бўлиб, бу ҳолат жамиятнинг изчил ривожланишини, ички ва ташқи салбий омиллар таъсир кўрсатаётган шароитда ҳам иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлайди¹³.

Таниқли рус иқтисодчиси Л.И.Абалкин ушбу тушунча моҳиятини очиб берувчи уч элементни кўрсатиб берган:

- иқтисодий мустақиллик. Ҳозирги жаҳон хўжалиги шароитида иқтисодий мустақиллик абсолют характерга эга эмас, чунки халқаро меҳнат тақсимооти миллий иқтисодиётларни бир-бирига ўзаро боғлиқ қилиб қўяди. Бундай жараёнда иқтисодий мустақиллик давлатнинг иқтисодий ресурслар

² Жандаров А.М., Петров А.А. Экономическая безопасность России: определения гипотезы, расчеты // Безопасность. 1994, №3, с.8.

¹⁰ Архипов А., Городецкий А., Михайлов Б. Экономическая безопасность: оценки, проблемы, способы обеспечения // Вопросы экономики. №12, 1994. С.46.

¹¹ Прокожев А., Корнилов М. О проблеме критериев и оценок экономической безопасности // Общество и экономика, №4, 2003. С.87.


¹² Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность. – Ростов н/Д: Феникс, 2007. –С.6.

¹³ Гордиенко Д.В. Основы экономической безопасности государства. Курс лекций: учеб-метод пособие. –М.: Финансы и статистика; ИНФРА-М, 2009. –С.8.

устидан назорат ўрната олиш имкониятини, жаҳон савдоси, кооперация алоқалари, илмий-техника ютуқларини айирбош-лашда тенг иштирок этиш ва рақобатбардошликни таъмин-лайдиган ишлаб чиқариш, самарадорлик ва сифат даражасига эришишни англатади;

- миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги. Бу шаклидан қаты назар мулкчиликнинг ҳимоя қилиниши, тадбиркорлик фаол-лиги учун ишончли шароит ва кафолатларнинг яратилиши, мамлакатдаги ҳолатнинг ёмонлашувига, беқарорликка олиб келувчи омилларнинг жиловланишини (яъни иқтисодиётдаги криминал тузилмаларга қарши кураш, даромадлар тақсимлани-шида жиддий фарқлар, табақаланишнинг келиб чиқиши, ижти-мойий зиддиятларнинг кескинлашиб кетишига йўл қўймаслик) тақозо этади;

- ўз-ўзидан ривожланиш ва тараққий этишга қодирлик. Бу эса инвестициялар ва инновация учун қулай муҳитнинг яратилиши, ишлаб чиқаришнинг мунтазам модернизация-лашуви, янгиланиши ва такомиллашиб бориши ҳамда ходим-ларнинг билим, касб-малака, умумий маданий даражаларининг ўсиб бориши миллий иқтисодий барқарорлик мавжудлигининг зарурий шартига айланишини ифодалайди¹⁴ (1.1.1-чизма).



1.1.1-чизма. Иқтисодий хавфсизлик мазмуни

«Иқтисодий хавфсизлик» тушунчасининг моҳиятини ан-лаш учун, энг аввало, «ривожланиш», «барқарорлик» ва «хавфсизлик» тушунчаларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш лозим бўлади. Ушбу тушунчалар иқтисодий хавфсизликнинг

¹⁴ Спанов М. Экономическая безопасность: сущность, критерии, формы // Транзитная экономика, 1998. – с.3; Абулкосимов Х, П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. - Т.: Akademiya, 2012.-18-бетлар.

асосий атрибутлари, компонентлари ҳисобланади. Агар миллий иқтисодиёт ривожланмаса, у ҳолда унинг амал қилиш имкониятлари, ички ва ташқи таҳдидларга қаршилиги, турли ўзгаришларга мослашувчанлиги камаяди. Ушбу фикрларга асосланган ҳолда «иқтисодий хавфсизлик» тушунчасини миллий иқтисодиёт мустақиллиги, унинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги, доимо янгиланишга ва ўз-ўзидан такомиллашиб боришга қодирлигини таъминловчи шарт-шароитлар ва омиллар йиғиндисини¹ деб таърифлаш мумкин. Илмий иқтисодий адабиётларда ушбу таъриф энг тўғри таъриф сифатида эътироф этилмоқда². Иқтисодий хавфсизлик иқтисодиёт ва ҳокимият институтларининг шундай ҳолатидирки, бундай ҳолатда мамлакат миллий манфаатларининг кафолатли ҳимояланганлиги, мамлакат иқтисодий ривожланишининг ижтимоий йўналтирилганлиги, ички ва ташқи жараёнлар ривожланишининг энг ноқулай шароитларида ҳам мудофаа салоҳиятининг етарли даражада таъминланганлигини ифодалайди.

Иқтисодий хавфсизлик иқтисодиётнинг турли субъектларига тегишли бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: алоҳида фуқаролар; хусусий тадбиркорлик, бизнес; давлат корхоналари; миллий иқтисодиёт; давлат.

Ички иқтисодий соҳаларда хавфсизлик табиий, техникавий-иқтисодий, инфратузилмавий, ижтимоий, микро ва макроиқтисодий ривожланишнинг бошқа омиллари, шунингдек, бекарорлик, тангликни келтириб чиқарувчи ички ва ташқи таҳдидлар таъсиридан ҳимоя қилувчи ички иммунитетлар билан боғлиқдир.

Ташқи иқтисодий соҳадаги хавфсизлик мамлакатнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлилиги, миллий валютаси барқарорлиги, давлатнинг молиявий аҳволи билан тавсифланади¹⁵.

¹ Экономическая теория. Учебник для студентов вузов. // Колл. Авт: К.Х.Абдурахманов и др./ -Т.: Шарк. 1999. - с.560.

² Спанов М. Экономическая безопасность: сущность, критерии, формы. // Транзитная экономика, 1998. №4. - с.4.

¹⁵ Абулкосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. -Т.: Akademiya, 2012. - 20-бет.

Иқтисодий хавфсизликнинг намоён бўлиш шакллари унинг субъектлари ва объектлари нуқтаи назаридан туркумлаш мумкин. Иқтисодиёт субъектлари нуқтаи назаридан иқтисодий хавфсизлик куйидаги шаклларда намоён бўлади:

- шахснинг иқтисодий хавфсизлиги;
- корхона (фирма)нинг иқтисодий хавфсизлиги;
- давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги.

Шахнинг иқтисодий хавфсизлиги унинг ҳаётий манфаатларини, яъни яшаш ва шахсий дахлсизлик, эркин меҳнат қилиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, мулкдор бўлиш, ҳаётий истеъмол эҳтиёжларини қондириш, саломатлигини сақлаш, билим олиш ва касбга эга бўлиш, қариганда ва меҳнат лаёқатини йўқотганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқларининг ҳимояланганлигини ифодалайди. Корхона (фирма)нинг иқтисодий хавфсизлигини таҳлил қилганда уларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, молиявий, савдо-тижорат ҳамда нотижорат ва жамоатчилик ташкилотлари мавқеларида фаолият юритишлари нуқтаи назаридан туркумлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги унинг мамлакат ички муаммолари ва ташқи иқтисодий фаолияти ҳамда халқаро молиявий ташкилот ва уюшмаларда иштирок этиши билан боғлиқ хавф-хатарлар нуқтаи назаридан таҳлил этилади.

Иқтисодий адабиётларда хавфсизлик хўжалик фаолияти соҳаларида юзага келиши нуқтаи назаридан асосан уч йўналиш, яъни ишлаб чиқариш-хўжалик, хўжалик-истеъмол ва молиявий соҳалар бўйича туркумланади¹⁶. (1.1.2-расм). Бизнинг назаримизда ушбу уч йўналиш барча мамлакатлар учун умумий бўлгани билан, айримлари учун қўшимча йўналишлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Ўзбекистон учун халқаро бозорларга чиқишда янги транспорт йўллари, коммуникациялари ҳам муҳим ҳисобланади. Шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси, даромадлар бўйича табақаланиши билан боғлиқ ижтимоий хавфсизликни таъминлаш ҳам катта аҳамият касб этади. Шунга кўра, бизнинг фикримизча, иқтисодий

¹⁶Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М.: Изд-во РАГС, 2001. – с.39.

хавфсизликни ишлаб чиқариш-хўжалик, хўжалик-истеъмол, молиявий, транспорт коммуникациялари ва ижтимоий соҳалар бўйича туркумлаш мақсадга мувофиқдир.



1.1.2-чизма. Хўжалик фаолияти соҳаларида юзага келадиган иқтисодий хавфсизлик турлари¹⁷

Хўжалик фаолияти соҳаларида юзага келадиган иқтисодий хавфсизлик шакллари ичида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда таъминланишини, импортга боғлиқликни минимум даражасига эришишни ифодалайди. Ҳар бир мамлакат аграр сектори ислохотидан кўзланган бош мақсад, озиқ-овқат таъминоти мустақиллигига эришиш бўлиб, бу катта ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. Ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш зарурияти мамлакатда мустақиллик, иқтисодий

¹⁷ Қаранг: Экономическая безопасность хозяйственных систем, Учебник. –М.: Изд-во РАГС, 2001.-С39; Абулкасимов Х.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. –Т.: Akademiya, 2012.-29-бет.

хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни сақлаб қолиш шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда бу муаммонинг долзарблиги бизга собиқ тоталитар тузумдан мўрт, заиф, бир ёқлама ривожланган, асосан, хомашё ва оралиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодийёт мерос бўлиб қолганлиги билан ҳам изоҳланади. Пахтанинг 95 фоизи қайта ишланмасдан республикадан ташқарига олиб кетилар эди. Собиқ шўролар даврининг 50 йили мобайнида енгил саноатнинг умумий тармоқ ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 54 фоиздан 37 фоизгача, озиқ-овқат саноати улуши эса 30 фоиздан 14 фоизгача тушиб қолди¹⁸.

Бунинг натижасида сабзавот, мевали боғ, узумзор, ем-хашак, дон экинлари майдонлари кескин қисқартирилди, ун маҳсулотларининг асосий турлари, картошка, шакар, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа бир қатор озиқ-овқат маҳсулотлари бошқа республикалардан ташиб келтирилар эди. Мустақилликка эришиш остонасида, яъни 1990 йилда истеъмол учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут маҳсулотларининг қарийб 60 фоизи, картошканинг 50 фоизи, шакар, қуруқ сут ва болалар озуқаси 100 фоиз четдан келтирилган¹⁹. Республикага ун ва ун маҳсулотларини ўртача йиллик олиб кириш деярли 500 минг тонна, картошка – 450 минг тонна, шакар – 300 минг тонна, гўшт ва гўшт маҳсулотлари – 6,5 минг тонна, сут ва сут маҳсулотлари 3,7 минг тоннани ташкил этарди²⁰. Аммо республикага олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун етарли эмас эди. Уларнинг ассортименти бўйича тиббий меъёрларга рияя қилинмас эди.

¹⁸ Абулқосимов Х.П., Ваҳобов А.В., Раҳимова Д.Н., Нарбаев Б.И. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодийётни эркинлаштириш йўллари. -Т.: ТДТУ, 2001. -60-61-б.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. -Т.: Ўзбекистон, 2011. 87-бет.

²⁰ Қаримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.:Ўзбекистон, 2011.-23-бет,Ўзбекистон аграр иқтисодчи олимлари анжумани (форуми).-Т., 2001.-110-бет.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун икки йўналишда чоратадбирлар амалга оширилди:

- қишлоқ аҳолиси томорқа майдонларини кенгайтириш ва янгиларини ажратиб бериш;

- қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини қайта кўриб чиқиш.

Давлатнинг озиқ-овқатга оид сиёсати картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари билан ҳам ўз-ўзини таъминлашни кўзда тутди. Аҳолига етарли даражада чорвачилик маҳсулотлари ва ўсимлик ёғи етказиб бериш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш учун зарур бўлган базани барпо этиш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари асосий турларининг етарли захирасини шакллантириш, уларнинг чакана баҳолари барқарорлигини таъминлашга эришиш, четдан келтирилаётган маҳсулотлар ҳажмини қисқартириб бориш кабилар ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

1.2. Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчасининг моҳияти ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

Озиқ - овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи барча мамлакатларда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2014 йил 6 июнда «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзuida халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида «Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятларининг чекланганлиги ўртасидаги тафовут озиқ-овқат дастурини ҳал этиш масаласини йилдан-йилга кескинлашиб бораётганининг асосий сабаби экани ҳақида бугун ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман»,²¹-деб таъкидлади. Бунга жаҳоннинг 54 мамлақатида оилалар моддий аҳволи даражасининг пасайиши кузатилгани, 20дан зиёд давлат аҳолисининг асосий қисми очликдан қийналаётгани, 12 та мам-

²¹Каримов И.А. «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзuida халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи.//Халқ сўзи, 2014 йил 7 июнь.

лакатда аҳолининг ўртача умр кўриши қисқаргани, сўнги йилларда дунё аҳолисининг 840 миллиондан ортиғи очликдан азият чекаётганлиги бунинг яққол далилидир²². Шунинг учун ҳам бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жуда катта аҳамият берилади.

Бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жуда катта аҳамият берилади. Озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари 1996 йилда Рим шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон озиқ-овқат форумида муҳокама қилинган. Ушбу Форумда 130 мамлакат иштирок этди. Унда кам ривожланган мамлакатларга озиқ-овқат ёрдами беришга оид масалалар кўриб чиқилди. Форумда, диққат-марказида асосан, Ер шари аҳолисини қандай боқиш керак? деган савол қўйилган. Чунки маълумотларга кўра дунёда қашшоқлар шу қадар кўпки, улар кундалик егулик овқатга ҳам эга эмас, очликдан азоб чекмоқда. Кўпинча, саводсиз, тўрттадан ортиқ фарзанди бор, ишсиз, кам иш ҳақи оладиган, қисман иш билан банд ёки меҳнатга лаёқатсиз кишилар қашшоқ бўлиб қолмоқда. Жаҳонда ҳар 7 дақиқада бир бола очлик ёки у билан боғлиқ сабаблар туфайли нобуд бўлади. Беш ёшгача бўлган барча болаларнинг учдан бир қисми тўйиб овқатланмасликдан азоб чекади. Ҳар йили 5 ёшгача бўлган болаларнинг 6 миллиондан ортиғи тўйиб овқат емаслик туфайли дунёдан кўз юммоқда. 1,3 миллиард киши кунига 1 АҚШ долларидан кам маблағ ҳисобидан кун кўради. Қашшоқ кишиларнинг асосий қисми Жанубий Осиёда яшайди. Улардан 522 миллион киши кунига 1 доллардан кам маблағга ҳаёт кечирмоқда. Африканинг Саҳрои Кабирдан жанубида бутун минтақа аҳолисининг деярли ярми – 46,3 фоизи қашшоқликда яшайди. Асосий хизматлардан фойдаланиш ва қашшоқликни камайтириш учун атиги 80 миллиард доллар кифоя. Бу жаҳондаги умумий даромаднинг 0,5 фоизидан ҳам камроғини ташкил этади. Жаҳондаги энг бадавлат уч олигархнинг маблағи – энг қашшоқ 48 мамлакатнинг жами ялпи ички маҳсулотидан

²²Жонихонов М., Раҳмонов С. Озиқ-овқат дастури: мамлакат тараққиёти, иктисодиёт барқарорлиги ва фаровонликнинг мустаҳкам асоси.//Халқ сўзи, 2014йил 7июнь.

анча юқори²³. Шу боисдан ҳам 2000 йилда БМТнинг минг-йиллик саммитида қатнашган 189 та мамлакат раҳбарлари қабул қилган минг йиллик ривожланиш мақсадларидан биринчиси ўта қашшоқликка ва очликка барҳам беришдан иборат деб белгиланган²⁴. Унга кўра 2015 йилга қадар кунига 1 доллардан кам даромадга эга аҳоли ҳиссасини ҳамда очликдан азоб чекувчи аҳоли ҳиссасини икки баробарга қисқартириш каби иккита муҳим вазифа қўйилган. Ўзбекистонда биринчи мақсад кам таъминланганликни ва қониқарсиз овқатланишни қисқартириш деб белгиланган. Ушбу мақсадга кўра мамлакатимизда 2015 йилга бориб, кам таъминланганликни икки баробар қисқартириш белгиланган²⁵. Бу эса, жаҳонда, жумладан, Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи, мустақил таъминлашга қодирлигини ифодалайди. Шунингдек, озиқ-овқат импортига ўта боғлиқликдан халос бўлганлигини англатади. Таъкидлаш жоизки, озиқ-овқат хавфсизлиги фақат ички ўзини ўзи тўлиқ озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш билан чекланмайди. Бунинг учун озиқ-овқат импорти ҳам эътиборга олинади.

Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бора-сидаги сиёсатида, асосан, ўзининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ички сотиш бозорларини ривожлантиришга, қисман, чет эллардан озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш асосида аҳолини озиқ-овқатга бўлган мақбул даражадаги эҳтиёжини қондириш кўзда тутилади. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш сиёсати ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси ҳамда уларни импорт қилиш даражаларини оқилона уйғунлаштириш, мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг

²³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ саммити минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. –Т.: «Иқтисодиёт» нашриёти, 2010. 25-бет.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМИ саммити минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. –Т.: Иқтисодиёт нашриёти, 2010. 15-бет; Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. –Т.: Akademiya, 2012.-160-161-бет.

²⁵ Ўша манба.

кафолатланган имкониятларини яратиш, бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга қодирлиги муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу сиёсат даврий равишда янгилашиб турадиган озиқ-овқат захирасини яратишга ҳам қаратилган бўлади²⁶.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ўз ичига озиқ-овқат билан жисмоний ва иқтисодий жиҳатдан таъминганликни ҳамда овқатланиш хавфсизлигини олади(1.2.1.-жадвал).

Озиқ-овқат хавфсизлигининг таркибий қисмлари²⁷

1.2.1.-жадвал

Озиқ-овқат билан жисмоний таъминланиш	Озиқ-овқат билан иқтисодий таъминланиш	Хавфсиз овқатланиш
Қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноатининг самарали фаолият юритиши	Аҳоли даромадларининг барқарор даражасини қўллаб-қувватлаш	Маҳсулот ва хомашё сифатини назорат қилиш
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашё бозорларининг ривожланиши	Мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш	Сифатни бошқариш тизимини яратиш ва сертификациялаш
Савдо тармоқларининг ривожланиши	Нарх даражасини тартибга солиш	Аҳоли саломатлигини яхшилаш
Янги иш ўринларининг яратилиши	Ер участкаларини хавфсиз олиш учун шароит яратиш	Соғлом турмуш тарзини шакллантириш
Аҳолини иш билан бандлигини қўллаб-қувватлаш	Бюджет тўловларининг ўсиши	


7436

²⁶ Абулкосимов Х.П. Давлатнинг иқтисодий сиёсати. Ўқув қўлланма.-Т.: Ўзбекистон, 2012.-162-бет.

²⁷ Гуломов С.С. «Инновация ва озиқ-овқат хавфсизлиги» мавзусидаги.ИИВ академиясида 2014йил 24 апрелда қилган маърузаси.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, озиқ-овқат билан жисмонан таъминланганлик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини миқдоран кўпайтиришни ифодалайди. Озиқ-овқат билан иқтисодий жиҳатдан таъминланганлик аҳоли даромадларини ўстириш, инфляция даражасини мақбул даражада ушлаб туриш орқали аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш қобилиятини ўстиришни ифодалайди. Хавфсиз овқатланиш эса аҳолининг соғлом овқатланиш сифатини ошириш компонентларини ифодалайди.

Таъкидлаш керакки, ҳар бир одам учун озиқ-овқат хавфсизлиги инновациялар орқали чиқиндиларни камайтиришни, овқатлар ва овқатланиш сифатини оширишни, инсоннинг ҳаддан ортиқча овқатланишдан сақланишни. Овқатлардаги макро ва микроэлементларнинг етарли бўлишини, энергия ва калориянинг баланслигини ўз ичига олади (1.2.2-чизма).



1.2.2-чизма. Инсон учун озиқ-овқат хавфсизлиги элементлари²⁸.

Озиқ-овқат турлари ва овқатланиш хусусиятларига аҳолининг дини, урф-одатлари, шунингдек, реклама ва психологик ҳолати таъсир кўрсатади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ривожланган мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъ-

²⁸ Ғуломов С.С. «Инновация ва озиқ-овқат хавфсизлиги» мавзусидаги ИИВ академиясида 2014 йил 24 апрелда қилган маърузаси.

минлаш коэффициенти ҳисобланади. Бу коэффициент мамлакат ичида яратилган ва истеъмол қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қийматлари нисбатининг фоиздаги ифодаси сифатида ҳисобланади. Ушбу коэффициент ҳар бир қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун нархларнинг ўзгариши ҳисобга олинган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади. Барча ҳисоб-китоблар ўзгармас нархларда олиб борилади. Бу нархлар улгуржи нархларни қайта ҳисоблаш асосида аниқланади.

Дунё мамлакатлари аҳолисининг озик-овқат билан ўзини ўзи таъминлаш коэффициентининг пасайишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши;
- аҳоли сонининг ўсиши;
- аҳоли жон бошига истеъмолнинг ўсиши;
- турли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларнинг номуносивблиги. Бунинг натижасида ҳосилдорлик даражаси, баъзи маҳсулот турлари ҳажми камайиши юз беради;
- урбанизация жараёнларининг жадаллашуви туфайли ерларнинг бир қисми саноат объектлари, уй-жойлар, йўллар қурилишига банд этилади. Бунинг оқибатида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган экин майдонлари қисқариб боради. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми етарли даражада юқори суръатларда ўсмаслиги;
- ишланадиган ер майдонларидан фойдаланиш коэффициентининг пасайиб бориши;
- ишчи кучининг етишмаслиги;
- мамлакатга четдан арзон нархларда озик-овқат маҳсулотларининг киритилиши;
- айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлиги ўсиш суръатларининг пасайиши;
- қишлоқ хўжалигида кимёвий ўғит ва моддаларнинг ҳаддан ташқари кўп ишлатилиши ҳамда ирригация ва мелиорация ишларининг етарли даражада, ўз вақтида бажарилмаслиги, агротехника қоидаларига етарли даражада эътибор берилмаганлиги туфайли ерлар сифатининг ёмонлашиб, ер унумдорлигининг пасайиши.

Инсон озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли нормалари, хавфсизлик меъёрларини аниқлаш имкониятини озуқа маҳсулотларининг кимёвий таркиби ва инсон организмга зарур моддаларга бўлган нозластик талабини тўлиқ билган тақдирдагина тўғри танланиши мумкин. Маҳсулотлар таркибий жиҳатдан оксил, углевод, ёғ, озуқа кислоталари, витаминлар, ферментлардан ва яна бир группа минерал ашёлардан ташкил топган. Инсоннинг озуқа маҳсулотларига истеъмол талаби инсон жинси, ёши, меҳнат фаолияти турларига қараб ўзгариши мумкин. Ўрта ёшли инсон суткасига 800 грамм озиқ-овқат ва 2 литр сув истеъмол қилиши керак. Оғир меҳнат билан шуғулланувчиларга 4500 ккал, ўқувчи-талабаларга 3300 ккал, қолган меҳнат фаолияти туридаги инсонларга ўртача 2800—4000 ккал озуқа маҳсулотлари истеъмол талаби зарурияти мавжуд.

Шунинг учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- кишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан унумли, самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган қонунчиликни мустаҳкамлаш, тегишли тадбирларни амалга ошириш;
- кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари улушининг юқори бўлишини таъминлаш;
- кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлари мажмуини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлашнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш;
- уруғчилик ва наслчиликнинг сифатини ошириш;
- илмий ва ахборот таъминотини яхшилаш;
- кадрлар салоҳиятини ошириш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш механизминини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, хўжалик юриштишнинг илғор усулларида фойдаланиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларига ички ҳамда ташқи бозорларда талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлаш ва ҳ.к.

Мустақиллик оstonасида республикамизда озиқ-овқат хавфсизлигига кучли таҳдидлар мавжуд бўлганлигини, республика озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ўзи қодир бўлмай қолган эди. Шунинг учун ҳам мустақиллик кўлга киритилганидан сўнг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳаёт-мамот масаласига айланди.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР СИЁСАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

2.1. Ўзбекистон Республикасининг аграр сиёсати ва уни амалга ошириш йўналишлари

Давлат томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни тартибга солиш, кўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсат аграр сиёсат деб аталади. **Аграр сиёсат** – бу умумиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлиб, қишлоқ хўжалиги тармоғи олдига қўйилган вазифаларга эришишни таъминлашга қаратилган ер билан боғлиқ муносабатларни ислоҳ қилиш асосида иқтисодий дастаклар ёрдамида тартибга солинган аграр муносабатларни шакллантириш ҳамда шу муносабатларни ижросини таъминлашга қаратилган агротехнологик, ташкилий ва иқтисодий тамойил ва воситалар мажмуи ҳисобланади. Аграр сиёсатнинг мақсади – мамлакат аҳолисининг асосий туридаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни тўлароқ қондириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган саноат корхоналарини етарли хомашёга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш, шаклланган аграр ресурслар салоҳиятидан мақсадли ва мақбул фойдаланишга эришиш орқали давлатимизнинг иқтисодий қудрати ва аҳолиси яшаш фаровонлигини яхшилашдир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат аграр сиёсати биринчи навбатда мамлакатда мустаҳкам озиқ – овқат базасини, ер ва сувдан оқилона фойдаланиш шарт–шароитларини яратиш, мулкчиликда давлат монополиясини кескин чеклаш ва хусусий мулк эгаллиги ҳамда мулкчиликнинг бошқа шакллариغا кенг йўл очиш, турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалиги

корхоналарига тенг ривожланишига эришиш ва уларни ҳар томонлама кўллаб -- қувватлаш масалаларига қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсатининг асосий вази-фалари қуйидагилардан иборат:

– Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини, саноатни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш;

– Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш;

– Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириш эвазига чет эл валюталари тушумини кўпайтириш;

– Қишлоқ хўжалигига тушаётган тушумларни бошқа тармоқлар ўртасида тақсимлашни мўътадиллаштириш;

– Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;

– Қишлоқ хўжалигида рақобат муҳитини кучайтириш;

– Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

– Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш;

– Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлар синфини шакллантириш ва ривожлантириш;

– Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш ва тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини кўтариш.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш жуда мураккаб шароитларда амалга оширилмоқда. Бу шароитларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– молиявий маблағларнинг талаб даражасидан кам бўлиши, етишмаслиги;

– қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасининг эскириб қолганлиги;

– қишлоқда меҳнат мотивациясининг, манфаатдорлигининг нисбатан пастлиги;

– қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларига шаклланаётган нархлар паритетининг қишлоқ хўжалиги учун қулай ҳолда ривожланмаганлиги;

– қишлоқ хўжалигида бозор инфратузилмасининг етарли даражада яхши ривожланмаганлиги;

– кишлоқ аҳолисининг харид қилиш қобилиятининг нисбатан пастлиги;

– кишлоқ хўжалигига нисбатан арзон ва сифатли машина ва техникаларни олиб келиш имкониятларининг чекланганлиги;

– кишлоқ хўжалиги учун кимёвий воситалар, маъданли ўғитлар, ёқилги мойлаш материалларини етказиб бериш (айримларини ишлаб чиқаришнинг) камайиши;

– мустақилликнинг дастлабки йилларида инфляция даражасининг нисбатан юқори бўлиши;

– ер ва сув ресурсларининг сифатининг пасайиши.

Шу каби қийинчиликларга қарамасдан мамлакат Президенти ва ҳукумати томонидан иқтисодий ислохотлар пухта ўйланган ҳолда олиб борилди ва у ўзининг ижобий самарасини бера бошлади.

Ўзбекистонда кишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб – қувватлаш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

– кишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг меъёрий – ҳуқуқий негизини такомиллаштириш;

– қонунда кўрсатилган ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик;

– уларнинг ички фаолиятига аралашувнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик;

– кишлоқ хўжалигида мақбул баҳо сиёсатини юритиш, доимий равишда кишлоқ хўжалиги ва саноат товарлар орасидаги баҳолар паритетини сақлаб бориш;

– даромадлар пасайиб кетишига йўл қўймаслик;

– илғор технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

– фуқаролар тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланишлари ва ундан манфаатдорлигининг кафолатлари ва шароитларини таъминлаш, уларнинг ишбилармонлик фаоллигини ошириш ҳамда қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш;

– молия – кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда корхоналарнинг кредит манбалари ва сармояларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

– ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни кенгайтириш ва ривожлантириш;

– улгуржи ва майда улгуржи савдони ривожлантириш, корхоналарнинг хомашё, ахборотлар ва технологиялардан эркин ва ўрта бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш тизимини такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалиги ҳисоби ва таҳлили тизимини такомиллаштириш, улар учун давлат статистика, бухгалтерия ва солиқ ҳисоботининг соддалаштирилган тартибини жорий этиш;

– кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

– пул – кредит тизимининг барқарор фаолиятини таъминлаш учун суғурта тизими аҳамиятини ошириш;

– Ерга мулкчилик, ер ва сувдан самарали фойдаланиш механизмни шакллантириш.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва қўллаб – қувватлаш ишлари билан тегишли давлат бошқаруви органлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги, Фермерлар Кенгаши ҳамда бошқа тузилмалар шуғулланадилар. Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб – қувватлаш жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, тижорат банклари, «Мадад», «Биржасавдосуғурта», «Агросуғурта» суғурта агентликлари ва бошқа институционал тузилмалар корхоналарга бизнес-режа тузиш, имтиёзли кредитлар олиш ва уларни амалга оширишга кўмаклашадилар. Бунда тижорат банклари, турли жамғармалар имтиёзли кредит ажратиш билан ёрдам берса, суғурта агентликлари кредит хатари ва бошқа фавқулодда ҳолатлардан суғурталайди.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларнинг ҳуқуқий – меъёрий базасини яратиш корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний бизнес билан шуғулланишларига имкон берувчи ҳуқуқлари ва имтиёзларини қафолатлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги кархоналари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва мувофиқлаштириш борасида мустаҳкам ҳуқуқий–меъёрий асос яратилган. Ўзбекистон

Республикасининг Конституцияси, «Фуқоралик Кодекси», «Ер кодекси», «Солиқ Кодекси», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ширкат хўжалиги тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги (янги тахрирда), «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар республикамизда қишлоқ хўжалиги қархоналари фаолиятининг турли жиҳатларини тартибга солиб туради ва уларнинг хўжалик фаолиятига давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларнинг аралашувига йўл кўйилмайди. Давлат тадбиркорларнинг эркинлиги, ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклаб туради.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш мақсадида фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунининг 29- моддаси: «Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилиш билан шуғулланувчи фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди», - деб эътироф этилган.

Республикамизда фермер хўжаликларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш билан бир қаторда уларни иқтисодий дастаклар орқали ҳар томонлама рағбатлантириш чоралари ҳам амалга оширилмоқда. Давлатнинг иқтисодий рағбатлантириш чоралари қуйидаги механизмлардан ташкил топади :

- молия – кредит тизими орқали қўллаб- қувватлаш;
- табақаланган ва имтиёзли солиқ тизимидан фойдаланиш;
- баҳолар паритетини сақлаш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва бошқалар.

Давлатнинг фермер хўжаликларини фаолиятини иқтисодий дастаклар орқали қўллаб – қувватлаш чоралари фермер хўжаликларининг ривожланишига қулай шарт – шароитлар яратиш мақсадида давлат томонидан бериладиган иқтисодий рағбат-

лантириш чораларидан ташкил топади. Бундай чора-тадбирлар сарасига солиқлар тўлашда енгилликлар бериш, имтиёзли шартлар ва фоизларда кредитлар бериш, давлат буюртмаси бўйича харид қилинадиган маҳсулотларга кафилланган баҳолар белгилаш, экспорт-инпорт операцияларида қулай тарифлар ва тўловлар ўрнатиш каби иқтисодий дастаклар киради.

Давлатнинг фермер хўжаликлари ривожланишига кўмаклашувчи институционал ва инфратузилмаларни қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу вазифани амалга ошириш фермер хўжаликларига моддий – техник ресурсларини етказиб берувчи, маҳсулотларни сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва сотишга кўмаклашувчи хизмат кўрсатувчи корхоналар тармоғини яратиш, банк, молия ва қимматли қоғозлар бозори, фонд биржалари ва ярмаркалар, ахборот-маслаҳат марказлари ҳамда фермерлар манфаатларини ҳимоя қилувчи уюшмалар, фондларни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратишни назарда тутати. Давлат бу йўл билан фермерликни ривожини билвосита қўллаб-қувватлайди.

2.2. Қишлоқ хўжалиги ер майдонлари таркибининг ўзгариш тенденциялари

Ўзбекистонда аҳолини энг муҳим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш асосида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун саъйи-ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан мустақилликка эришишдан олдин бошланди. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали аҳолини энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик учун 1989 йил 17 августда И.А. Каримов бошчилигида республика ҳукуматининг йиғилишида «Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида» қарор қабул қилинади. Қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб

4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди. Ушбу қарорнинг ижро этилиши натижасида 1989-1990 йилларда 1,5 млн.дан кўпроқ оилага қўшимча ер ажратилди. 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди. Шу билан бирга пахта етиштириш плани 700 минг тоннага камайтирилди²⁹. Бу пахта яккахокимлигини баргараф этиш йўлидаги дастлабки, аммо ўта муҳим амалий қадам эди.

И.А.Каримов 1989йил 19 августда Ўзбекистон компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида сўзлаган нутқида ер улушини кенгайтириш орқали куйидаги масалаларни ҳал этиш кўзланганлигини айтган:

- озиқ-овқат программасини бажармоқчимиз;
- бу уй-жой программасини ҳал этишга ёрдам беради;
- ишсизлик муаммоси ҳал этилмоқда;
- аёлларнинг иш билан бандлиги ўсади;
- ижтимоий-иқтисодий барқарорлик масаласи ҳал этилади³⁰.

Республикаимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб, аграр ислохотларни амалга ошириш жараёнларида қишлоқ хўжалиги экинлари структурасини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш керак бўлди. Бу масала Президент И.А.Каримов ташаббуси билан кўриб чиқилди. Мамлакатимизда дон мустақиллигини қўлга киритишга қаратилган Дастурнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши катта ижтимоий- иқтисодий ва сиёсий аҳамият касб этди. «Дон мустақиллиги Дастури» нинг қабул қилиниши натижасида:

- сиёсий жиҳатдан мамлакатимизнинг дон сотиб олиш учун бошқа мамлакатга иқтисодий қарам бўлишига йўл қўйилмади, аҳолининг дон маҳсулотлари билан таъминоти масаласи ҳал бўлди, давлат томонидан ун ва ун маҳсулотларининг нархи ошиб кетишининг олди олинди;

- ижтимоий жиҳатдан биз бошқа мамлакатларнинг эмас, балки ўзимизнинг деҳқонлар иш жойлари билан таъминланди.

²⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.:Ўзбекистон, 2011.-12-13-бетлар.

³⁰Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.:Ўзбекистон, 2011.57- 60-бетлар.

Чорвачиликни ривожлантириш ва ғалладан бўшаган ерларда такрорий экин экиб, кўшимча даромад қилиш имконияти пайдо бўлди, халкнинг эртанги кунга ишончи таъминланди;

- иктисодий жиҳатдан мамлакат валюта захирасини сақлаб қолиш ва бу валютани бошқа зарур соҳаларга ишлатиш имконияти яратилди, донни қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга реал талаб пайдо бўлди.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерлардан аҳоли ва давлат эҳтиёжларини оқилона ва янада тўлароқ қондириш мақсадида улардан фойдаланиш таркибини ўзгартириш ишларига катта аҳамият берилди. Ҳар қандай жамиятда ва мамлакатда ишлаб чиқариш, меҳнат фаолияти бирон-бир тарзда ер билан боғлиқдир. Ернинг жамиятдаги аҳамияти беқиёсдир. Унда фуқаролар яшаши учун бинолар қурилади, турли маҳсулотлар етиштирилади. Демак, ернинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги аҳамияти улкан. Чунки у шу тармокнинг энг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Ерга уруғ, кўчат экиб, ишлов бериш натижасида турли хилдаги маҳсулотлар етиштирилади. Демак, тармоқда етиштириладиган барча турдаги маҳсулотлар, ердан фойдаланган ҳолда олинар экан. Инглиз иқтисодчиси Уильям Петтининг айтишича, «ер-бойликнинг онаси...». Ер ёки бевосита ишлаб чиқариш омили бўлиб чиқади, ёки ундан ишлаб чиқариш, маъмурий, турар жой ва бошқа биноларни, транспорт ва бошқа коммуникацияларни жойлаштириш учун фойдаланилади. Бироқ бошқа кўп ишлаб чиқариш воситаларидан фарқли ўлароқ, ер ишлаб чиқаришнинг эркин тақрор ҳосил қилинадиган омили эмас.

Ўрта Осиё минтақасида ер ресурсларининг энг қимматли муҳим қисми-суғориладиган ерлар бўлиб ҳисобланади. Тўғри фойдаланилганда бериладиган маҳсулоти бўйича 1 гектар суғориладиган ер 6-7 гектар лалмикор ерга, 50 гектар баланд тоғли ва 100 гектар чўл яйловига тенг. Ўрта Осиё минтақасида 6,8 млн. гектар атрофида суғориладиган ер бор. Жаҳон бўйича 271,432 млн. гектар ер суғориладиган ерлардир¹.

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 3-жилд. –Т.: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» Давлат илмий нашри, 2002- 434-бет.

Ер майдонларининг чегараланганлиги, тупроқнинг хилма-хиллиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг доимий ўсиб бориши сафат жиҳатидан мақбул ва мақбул бўлмаган ерлардан ҳам фойдаланишни талаб қилинади. Бу эса, ўз навбатида, капитал маблағлар ҳажмини ошириш, маълум потенциал унумдорликка эга бўлган ерларга кўшимча меҳнат сарфлаш йўли билан эришилади. Тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги сарфланган капитал маблағлар миқдорига, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражасига, маҳсулотларни қайта ишлаш ҳамда сотиш инфратузилмаларининг ривожланганлигига ва бошқаларга боғлиқдир. Айтиш жоизки, суғориладиган деҳқончилик шароитида ер билан бир қаторда, суғориш суви ҳам асосий ишлаб чиқариш воситасига айланади. Шунинг учун давлатнинг аграр сиёсати озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ер ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилди.

2015 йилга келиб Ўзбекистон ер фондининг 45,48% ни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, 0,49% ни аҳоли пунктларининг ерлари, 21,72% ни ўрмон фонди ерлари, 1,85%ни сув фонди ерлари, 2,02% ни саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар, 0,17 % ни табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, 0,02%ни тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар ва 28,25%ни захира ерлар ташкил этди³¹.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат бўлгандан сўнг, кўшни давлатлар билан собиқ СССР даврида шаклланган тартибни ўзгартириш мақсадида ер муносабатларини Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон ҳамда Қирғизистон давлатлари билан тартибга солиб олди. Шундан сўнг, амалга оширилаётган аграр сиёсат натижасида ерлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш мақсадида ерларнинг тақсимланиши бозор талабларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилмоқда (2.2.1–жадвал).

³¹ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

**Ўзбекистон Республикаси ер фондининг асосий ер турлари
бўйича тақсимланиш ва ўзгариш динамикаси
(1 январь ҳолатига, минг гектар).**

2.2.1-жадвал

Ер турлари	1990 й ҳолатига майдон	2000 й ҳолатига майдон	2015 й ҳолатига майдон	2015 йилда 1990 йилга фарқи
1. Қишлоқ хўжалик ер турлари жами	28080,4	26753,6	25621,6	-2458,8
шу жумладан: суғориладиган	3825,0	3743,9	3732,2	-92,8
Шундан:				
-экинзорлар	4176,5	4056,6	4043,6	-132,9
шу жумладан: суғориладигани	3407,3	3313,6	3288,2	-119,1
-кўп йиллик дарахтзорлар,	366,8	352,9	371,9	+5,1
шу жумладан: суғориладигани	354,5	339,7	354,1	-0,4
-бўз ерлар	62,1	80,7	80,3	+18,2
шу жумладан, суғориладигани	25,9	46,5	46,9	+21,0
-пичанзор ва яйловлар	23475,0	22263,4	21125,6	-2349,4
шу жумладан: суғориладигани	37,3	44,1	43,0	+5,7
2. Томорка ерлар	437,9	642,9	693,0	+255,1
Шу жумладан: суғориладигани	355,6	481,9	515,5	+159,9
3. Ўрмонзорлар ва бутазорлар	1410,0	1511,9	3543,3	+2133,3
Шу жумладан: суғориладигани	31,3	44,6	53,9	+22,6
4. Боғдорчилик- узумчилик ва сабзавотчилик уюшмалари ерлари	13,4	8,5	7,4	-6,0

2.2.1-жадвалнинг давоми

Шу жумладан: суғориладигани	9,9	7,2	6,5	-3,4
5.Мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар	103,7	79,3	72,7	-31,0
6.Бошқа ерлар	15539,6	15414,1	15027,3	-512,3
Жами ерлар:	45585,0	44410,3	44892,4	-692,6
Шу жумладан: суғориладигани	4221,8	4277,6	4308,1	+86,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси маълумотлари; Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот.- Т.,2014, 17-бет маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

2.2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги ер турлари - қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ичида алоҳида ўринни эгаллайди, шундан, экин ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари ва мевазорлар), бўз ерлар, пичанзор ва яйловларга бўлинади. Тахлил даврида уларнинг ер майдони - 2458,8 минг гектарга, яъни 9%га яқин камайди. Бунга сабаб мустақиллик йилларида ерлар аҳолига томорқа хўжалигини юритиш учун берилган ҳамда бўз ерлар майдонигина ошиб борган. 1991-2004 йиллар мобайнида аҳолига 236,4 минг гектар томорқа хўжалиklarини ривожлантириш учун берилган. Бу ижобий воқеадир. Шунинг натижасида аҳоли маълум миқдордаги ердан умрбод фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди ҳамда улар ўзлари учун зарур бўлган маҳсулотларни етиштириб, ўз эҳтиёжларини қондириш билан биргаликда, бошқаларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида бозорга олиб чиқиб сотишмоқда. Аҳолига берилаётган ерларнинг ўзгариши экин майдонларининг қисқариши ҳисобига ҳам амалга оширилган. Шу йиллар мобайнида умумий экин майдонлари 132,9 минг гектарга ёки 3 фоиздан зиёдга камайган. Шунинг билан биргаликда, яйлов ва пичанзорлар ҳам -2349,4 минг гектарга ёки 10 фоизга қисқарган.

Энг юкори унумдорликка сазовор қишлоқ хўжалик ер турларидан бири бу - суғориладиган ерлар бўлиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради. Суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим. Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларини корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун беришга алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан йўл қўйилади.

Экин ерларга қишлоқ хўжалиги экинлари экилиб, узлуксиз фойдаланиладиган барча ҳайдалма ерлар киради. Экин ерлари икки турга: суғориладиган ва лалми ерларга бўлинади. Суғориладиган экин ерларнинг майдони республика бўйича 2015 йил 1 январь ҳолатига 3288,2 минг гектар ёки суғориладиган ерларнинг 76,3 фоизини ташкил этади. Аммо мустақиллик йилларида уларнинг майдони 119,1 минг гектарга, яъни 2,8% га камайди.

Бугунги кунда суғориладиган экинзорлар майдонини келажакда қисқартирилишининг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Агарда, бу ерларнинг қисқариши шундай суръатларда борса, яқин 50 йил ичида 200 минг гектарга, 100 йил ичида эса 400 минг гектарга ёки жами суғориладиган майдон саккиздан бир қисмга камайиши мумкин. Бу эса, сўзсиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқарилишига анчагина салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Республика бўйича лалмикор ерлар майдони 2015 йил 1 январь ҳолатига 755,4 минг гектарни ташкил қилади. Лалмикор ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини ўстириш фақат ёгинлар ҳисобига тупроқ қатламларида йиғилган намлик туфайли етиштирилишини ҳисобга олиб, йиллик ёгин миқдори ўртача 200 мм дан ошадиган ерлардагина лалмикор экинлар жойлаштирилади.

Лалмикор ерлар ёгинлар билан таъминланган, кам таъминланган ва таъминланмаганга бўлинади. Бу бўлиниш тупроқ

минтақаларининг жойлашишига мос келади. Жигарранг ва қорамтир бўз тупроқли баланд минтақага ёгинлар билан таъминланган, типик бўз тупроқли ўрта минтақа ним таъминланган ва оч ранг бўз тупроқли, қуйи минтақага-таъминланмаган лалмикор ерлар тўғри келади. Лалмикор ҳайдаладиган ерлар майдони асосан Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларида жойлашган.

Ҳозирги кунда республика бўйича мевали дарахтзор, узумзор ва тутзорларнинг жами ер майдони 371,9 минг гектар, шу жумладан, суғориладигани 354,1 минг гектарни ташкил қилади. Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари таркибида кўп йиллик дарахтзорлар майдони 9,1 % ни ташкил қилади.

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари таркибида кўп йиллик дарахтзорларнинг энг юқори солиштирма ҳажми Самарқанд (18,2%), Наманган (15,7%), Фарғона (15,7%), Андижон (12,3%) ва Тошкент (9,8%) вилоятларига, энг ками Қорақалпоғистон Республикаси (1,8%) ва Сирдарё (2,6%) вилоятларига тўғри келади. Кўп йиллик дарахтзорлар таркибида боғлар энг катта майдонни, яъни 54,6% ни, узумзорлар 26,4% ни, тутзорлар 17,3% ни ва мевали кўчатзор ва бошқа дарахтзорлар 2,3% ни ташкил қилади.

Кўп йиллик лалмикор дарахтзорлар Тошкент, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган. Лалмикор ерларда ва махсус терассаларга жойлашган кўп йиллик дарахтзорлар майдони 15,3 минг гектар бўлиб, улардан боғлар 10,9 минг гектарни, узумзорлар 3,9 минг гектарни ва бошқа мевали дарахтзорлар 0,5 минг гектарни ташкил қилади.

Бўз ерлар таркибига самарасиз фойдаланиш натижасида суғориш қондаларининг бузилиши ва тупроқ-мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши, эрозия таъсири, кучли шўрланиши, гипсланиши ҳамда янги ўзлаштирилган ерлар ҳолатининг ёмонлашиши оқибатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши (оборот)дан чиқиб қолган суғориладиган ва лалми экин ерлар киради. 2015 йил 1 январь ҳолатига республика бўйича бўз ерлар майдони 80,3 минг гектарга тенг бўлиб, улардан суғориладиган бўз ерлар 46,9 минг гектар ва лалмикор ерлар 33,4 минг гектарни ташкил қилади.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ердан тўғри фойдаланишнинг бош стратегияси ер ресурслари ҳолатини ўрганиш, уларнинг миқдори ва сифатини белгилашдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги 539-сонли Қарори асосида республиканинг 8 та вилоятидаги 102 та туманида тупроқ изланиш ишлари бажарилди. 2001-2002 йилларда Андижон, 2002-2003 йилларда Сурхондарё, 2011 йилда Бухоро, 2012 йилда Хоразм, 2010-2011 йилларда Фарғона ва Наманган, 2012 йилда Қашқадарё вилоятларидаги хўжаликларида тупроқ изланиш ҳамда баҳолаш ишлари бажарилди. Бу ишлар тупроқ унумдорлигини ифодаловчи ерларнинг балл-бонитети кейинги йилларда пасайиб кетганлигини кўрсатмоқда (қаранг: 2.2.2-жадвал).

Ўзбекистон ҳудудларида суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари сифатини балл-бонитетларининг ўзгариши¹

2.2.2-жадвал

Худудлар	Ўртача балл-бонитет	
	1991 йил	2014 йил
Қорақалпоғистон Республикаси	44	41
Вилоятлар		
Андижон	60	57
Бухоро	58	53
Жиззах	53	50
Қашқадарё	54	51
Навоий	55	52
Наманган	66	59
Самарқанд	67	57
Сурхондарё	68	60
Сирдарё	53	49
Тошкент	66	59
Фарғона	66	56
Хоразм	54	54
Ўзбекистон Республикаси, жами	58	55

¹ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

Республика қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг сифати пасайиши оқибатида 1991-2014 йилларда ўртача балл-бонитети 58 дан 55 га, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида 10 пунктга, Сурхондарёда 8 пунктга, Наманган ва Тошкент вилоятларида 7 пунктга камайган. Фақат Хоразм вилоятида ер балл-бонитети ўзгаришсиз қолган.

Республикада суғориладиган экин майдонлари 1998-2015 йиллар мобайнида вилоятлар микёсида ўзгариб борган(қаранг: 2.2.3-жадвал).

Суғориладиган экин ерларининг Ўзбекистон минтақалари бўйича ўзгариши (1 январ ҳолатига, минг гектар ҳисобида)
2.2.3-жадвал

№ Т/р	Республика минтақаларининг номлари	1998 й.	2010 й.	2016 й.	2016 й.да 1998й.га нисбатан фарқи, (+,-)
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	420,4	423,7	417,0	-3,4
2.	Андижон вилояти	202,2	203,1	202,7	+0,5
3.	Бухоро вилояти	201,5	200,4	200,6	-0,9
4.	Жиззах вилояти	254,2	263,9	262,1	+6,9
5.	Қашқадарё вилояти	418,5	423,7	420,4	+1,9
6.	Навоний вилояти	91,6	89,3	90,7	-0,9
7.	Наманган вилояти	197,9	199,0	194,5	-3,4
8.	Самарқанд вилояти	263,3	253,8	252,8	-10,4
9.	Сурхондарё вилояти	248,7	241,5	241,0	-7,7
10.	Сирдарё вилояти	260,5	256,8	250,3	-10,2
11.	Тошкент вилояти	296,4	305,6	301,7	+5,3

2.2.3-жадвалнинг давоми

12.	Фарғона вилояти	256,6	249,3	247,8	-8,8
13.	Хоразм вилояти	217,8	205,3	206,0	-11,8
14.	Тошкент ш.		0,5	0,4	-0,1
	Жами	3329,6	3315,9	3288,2	-41,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот.-Т.,2007.-12-бет; Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот.-Т., 2014, 17-бет маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

Суғориладиган экин ерлари Хоразм (11,8 минг гектарга), Сирдарё (10,2 минг гектарга), Самарқанд (10,4 минг гектарга), Фарғона (8,8 минг гектарга) вилоятларида камайган бўлса, Андижон, Жиззах, Тошкент, Қашқадарё вилоятларида бирмунча кўпайган. Бу асосан янги бўз ерларни ўзлаштириш эвазига эришилган. 2016 йилга келиб жами суғориладиган экинзор майдонларининг 55,7 фоизи қуйи Амударё воҳасида жойлашган. Шу ҳудудда республика микёсида энг катта суғориладиган экин майдонига эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Қашқадарё вилояти жойлашган. Уларнинг ҳар бирида республика суғориладиган экинзорларининг 12,8 фоизи мавжуд. Республиканинг жами суғориладиган экинзорларининг 44,3 фоизи Сирдарё воҳасида жойлашган.

Таъкидлаш жоизки, республикамызда 2015 йилга келиб суғориладиган ерларнинг 374, 8 минг гектари , яъни қарийб 8,7 фоизининг мелиоратив ҳолати ёмонлашган (2.2.4-жадвал).

Мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерлар Қорақалпоғистон Республикасида энг юқори (26,1%), Жиззах (12,4%), Хоразм (9,5%) вилоятларида ҳам юқори эканлигини кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич Тошкент (3,4%), Сирдарё(3,5%) вилоятларида бошқа минтақаларга нисбатан анча паст даражададир. Бу аввало, тупроқнинг шўрланиш даражаси юқорилиги ва минераллашган ер ости сувларининг кўтарилиши билан боғлиқдир.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерлардан аҳоли ва давлат эҳтиёжларини оқилона ва янада тўлароқ қондириш мақсадида улардан фойдаланиш таркибини ўзгартириш ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасида

пахта экин майдонлари қисқартирилиб, ғалла, картошка, полиз, сабзавот экин майдонлари, тоқзорлар ва боғларнинг майдонлари анча кенгайтирилди.

2015 йилда суғориладиган мелиоратив ҳолати ёмонлашган ер майдонларининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича тақсимланиши (минг га ҳисобидан)³²

2.2.4-жадвал

№	Ҳудудлар	Жами суғориладиган ерлар	Шу жумладан, мелиоратив ҳолати қониқарсиз бўлган ерлар жами	Суғориладиган ерларга нисбатан фоиз ҳисобида
1	Қорақалпоғистон Республикаси	515,2	134,4	26,1
2	Андижон вилояти	273,6	13,3	4,9
3	Бухоро вилояти	275,1	15,4	5,6
4	Жиззах вилояти	300,8	37,3	12,4
5	Қашқадарё вилояти	515,7	38,5	7,5
6	Навоий вилояти	123,4	10,2	8,3
7	Наманган вилояти	282,6	15,1	5,3
8	Самарқанд вилояти	379,2	19,7	5,2
9	Сурхондарё вилояти	325,8	19,3	5,9
10	Сирдарё вилояти	286,9	10,1	3,5
11	Тошкент вилояти	396,9	13,6	3,4
12	Фарғона вилояти	366,2	22,5	6,1
13	Хоразм вилояти	266,2	25,4	9,5
14	Тошкент ш.	4,9		
	Жами	4312,3	374,8	8,7

³² Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш масалалари, ер ва сувдан фойдаланувчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари.-Т.,2014.-

**Ўзбекистонда экин майдонлари таркибининг ўзгариши
(1990–2015й., % да).**

2.2.5-жадвал

	1990г.	1995г.	2000г.	2010г	2015г
Жами экин майдонлари, минг га	4200,1	3628,1	3778,3	3708,4	3694,2
	100	100	100	100	100
Шу жумладан:					
Дон маҳсулотлари	24,0	44,8	42,0	45,2	45,2
Техник экинлар	55,3	37,9	41,3	38,2	37,0
Шундан пахта	53,3	36,1	38,2	36,2	35,1
Картошка	0,9	2,1	1,3	1,9	2,2
Сабзавот	3,2	5,0	3,3	4,6	5,3
Озуқабоп полиз экинлари	1,8	1,5	0,9	1,4	1,4
Озука экинлари	14,8	8,7	11,2	8,7	8,9

Манба: Статистический сборник. — Ташкент: «Ўзбекистан» 2011. — 45 с. Статистический ежегодник Республики Узбекистан. — Ташкент, 2013. — 226, 246–248 с; Ўзбекистон кишлок хўжалиги. Стат. тўплам. 2016й. –Т., 2016.-Б.23.

Пахта монополиясига барҳам бериш ва республика озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш сиёсатини амалга ошириш мақсадида экин майдонларининг структураси ўзгарди. 1992 йилда пахта етиштириш учун 1667,7 минг гектар ер ажратилган бўлса, 2015 йилда пахта майдони 1308,8 минг гектарни ёки 1992 йилдагига нисбатан 78,4 %ни ташкил этди. Дон экинлари майдони 1992 йилдаги 843,2 минг гектардан 2015 йилда 1643,9 минг гектарга, яъни 2 баробарга яқин ошди. Республикамизда жами кишлок хўжалиги экин майдонлари ҳажмида пахта экин майдонларининг улуши 1990 йилдаги 53,3% дан 2015 йилда 35,1% га камайгани ҳолда дон маҳсулотлари экин майдонларининг улуши таҳлил даврида 24% дан 45,2% га, картошка майдонлари улуши 0,9% дан 2,2% га, сабзавот экинлари улуши 3,2% дан 5,3% га ўсди. Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибининг ўзгариши кишлок хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг мустақиллик йилларида кескин ўси-

шини таъминлаб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун шарт-шароит яратди.

2.3. Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш тенденциялари

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг олиб борилган аграр сиёсат туфайли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш натижасида ўтган асрнинг 90-йилларининг охириларида бошлаб, унинг йиллик ўртача ўсиш суръатлари 6-7 фозни ташкил этмоқда (қаранг: 2.3.1-жадвал).

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

2.3.1-жадвал

	1991й.	1995й.	2000й.	2010й.	2015й.
Ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари (ўтган даврга нисбатан % да)	99,5	99,1	103,8	108,5	107,8
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўсиш суръати (ўтган даврга нисбатан % да).	98,5	102,2	103,1	106,9	106,6
ЯИМ да қишлоқ хўжалигининг улуши (%)	48,2	41,1	30,4	18,0	16,8
Қишлоқ ва ўрмон хўжалигида бандларнинг иш билан банд аҳоли умумий сонига улуши (%)	41,7	36,9	34,1	25,2	27,1

Манба: Статистический ежегодник республики Узбекистан. — Ташкент: «Узбекистан» 2011. — 14, 37, 42 с.; Статистический ежегодник Республики Узбекистан. — Ташкент, 2013. — С.28, 29, 35, 36, 38, 61, 62 с.; Государственный комитет статистики Узбекистана. Труд и занятость. — Т., 2015. — С.34, 35 с.; Ўзбекистон рақамларда. Стат.тўплам 2016 йил.- Т., 2016. —Б.24.

2.3.1-жадвал маълумотлари кўрсатмоқдаки, 1991-2015 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигининг мамлакат ялпи ички маҳсулотигади улуши 48,2% дан 16,8% га, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида банд бўлганларнинг миллий иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг умумий сонигади улуши эса 41,7% дан 27,1% га қисқарди. Умуман мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми икки баробардан зиёдга ўсди.

Мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар натижа-сида қишлоқ хўжалигида давлат секторининг улуши бугунги кунга келиб атига 1%ни ташкил этмоқда. Янги хўжалик юритиш шакли бўлган фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 1991 йилдаги 0,1% дан 2015 йилда 32,6% га ўсди. Шу даврда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмидаги улуши 69,7% дан 2,0% гача камайди (қаранг: 2.3.2-жадвал).

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг
хўжалик турлари бўйича таркибининг ўзгариши
(жамига нисбатан % да)**

2.3.2-жадвал

	1991й.	1995й.	2000й.	2010й.	2015й.
Жами					
Барча хўжалик турлари	100	100	100	100	100
Фермер хўжаликлари	0,1	2,7	5,5	33,9	32,6
Дехқон хўжаликлари	30,2	49,3	66,7	62,4	65,4
Қишлоқ хўжалиги корхоналари	69,7	48,1	27,8	2,0	2,0
Ўсимликшунослик					
Барча хўжалик турлари	100	100	100	100	100
Фермер хўжаликлари	0	3,8	9,7	56,5	52,0
Дехқон хўжаликлари	16,2	24,7	43,9	42,4	46,8
Қишлоқ хўжалиги корхоналар	83,8	71,5	46,4	1,1	1,2

2.3.2-жадвалнинг давоми


Чорвачилик					
Барча хўжалик турлари	100	100	100	100	100
Фермер хўжаликлари	0,3	1,1	1,3	4,5	4,3
Дехқон хўжаликлари	61,3	83,0	89,7	92,0	92,6
Кишлоқ хўжалиги корхоналар	38,7	15,8	9,0	3,5	3,1

Манба: Альманах Узбекистана 2013 год. –Т., 2013. –С.103; Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги 2016 йил. Стат.гўплами. –Т., 2016.-Б.19.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, ўсимликшуносликда фермер хўжаликлари нинг улуши таҳлил даврида 0% дан 52,0% га, дехқон хўжалиklarининг улушлари эса 16,2% дан 46,8% га ўсди. Шу даврдакишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши мос равишда 83,8%дан 1,2% га камайди. Дехқон хўжалиklarида чорва моллари сонининг жиддий тарзда ўсиши туфайли уларнинг чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 61,3%дан 92,6% га ўсди. Фермер хўжалиklarининг бу соҳадаги улуши 0,3% дан 4,3%га ошди.

Республикамизда фермер ва дехқон хўжалиklarини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсати олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳосилдорлиги ҳамда ернинг сифати, балл бонитети жиҳатидан нисбатан паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжалиklarига давлат бюджетидан берилаётган субсидиялар берилади. Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжалиklarига 2008 йилда 60 миллиард сўм субсидия берилган бўлса, 2014 йилда уларнинг миқдори 226 миллиард сўмни, 2015 йилда эса 253 миллиард сўмни ташкил этди, яъни таҳлил даврида 4,2 баробарга ошди (қаранг:2.3.1-чизма).

Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжалиқларига давлат бюджетидан берилётган субсидиялар тўғрисида маълумот



2.3.1-чизма. Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжалиқларига давлат бюджетидан берилётган субсидиялар тўғрисида маълумот³³.

Юқоридаги таҳлилларга асосланиб, айтиш мумкинки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилиши оқибатида пахта ер майдонлари камайтирилиб, бошқа озуқабоп маҳсулотлар экин майдонлари ҳамда ялпи ҳосил ҳажми кескин кўпайтирилмоқда. Мустақиллик йилларида картошка етиштириш 2015 йилда 1991 йилга нисбатан 705,0 % га, мевалар 528,6% га, узум 323,8%га, сабзавот маҳсулотлари 298,5 %га, полиз экинлари 199,8 %га кўпайди (2.3.3- жадвал).

2.3.3-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, таҳлил даврида пахта хомашёси етиштириш 27,9% га камайган. Натижада пахта хомашёсининг жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмидаги улуши 47,7% дан 11% га қисқарди. Бошқа озуқабоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг ўсиши улар ҳосилдорлиги ва маҳсулдорлигининг ошиши эвазига эришилди. Дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми-

³³ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

нинг 1990 йилдаги 2038,2 минг тоннадан 2015 йилда 7500,1 минг тоннага ўсиши бошқоқли дон экинлари майдонлари ва ҳосилдорлигининг ўсиши ҳисобига эришилди.

**Ўзбекистон Республикасида айрим қишлоқ хўжалиги
маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари
(минг тонна)³⁴**

2.3.3-жадвал

Маҳсулотлар тури	1991й	1995й	2000й	2010й	2015й	2015 йил 1991 йилга нисбатан %
Дон	1908	3215,3	3915	7391,0	7500,1	393,1
Пахта хомашёси ³⁴	4 645,8	3934,3	3002,4	3 404,0	3350,0	72,1
Мевалар	516,6	602,3	801,0	1710,3	2731,0	528,6
Узум	480,5	620,9	573,0	997,5	1556,0	323,8
Сабзавотлар	3324,1	2712,6	2643,1	6346,4	9923,0	298,5
Картошка	355,7	439,9	730,7	1692,9	2670,0	705,0
Полиз	925,8	471,9	359,1	1182,4	1850,0	199,8

2016-йилда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотларини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,6 фоизга ошириш имконини берди. Пахта майдонларини 30,5 минг гектарга қисқартириш ва бўшаган ерларга ички ҳамда ташқи бозорда талаб юқори бўлган мевасабзавотларни замонавий қишлоқ хўжалиги технологияларини жорий этган ҳолда экиш ҳисобидан экин майдонлари тузилмаси оптималлаштирилди. Натижада, қарийб 3 миллион тонна пахта, 8,3 миллион тонна буғдой, 21 миллион тоннадан зиёд мева-

³⁴ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами.-Т.,2013,227-бет; Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами.-Т.,2014. 87-88-бетлар; Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

сабзавотлар, жумладан қарийб 3 миллион тонна картошка, 11,3 миллион тонна мева, 2 миллион тонна полиз маҳсулотлари, 1,7 миллион тоннадан ортиқ узум, 3 миллион тонна мева ва резаворлар етиштирилди ва йиғиб олинди³⁵.

Қишлоқ хўжалигида суғориладиган экин майдонлари камайишига қарамасдан, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳосилдорлик ўсиб бориш тенденцияси юз бермоқда. Бу ҳол қишлоқ хўжалигида фермер хўжалиklarининг тобора кўпайиб, мавқеининг ошиб бораётганлиги, шунингдек, уларда ерга хўжайинлик ҳиссининг шаклланиб, ривожланиб бораётганлиги билан изоҳланади. Мамлакатимизда буғдойдан гектаридан ўртача 48,2 центнер ҳосил олинган, айрим туманларда бу кўрсаткич 60-77 центнерни ташкил этган (қаранг:2.3.4-жадвал).

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги (ц/га)

2.3.4-жадвал

Йиллар	1991й.	1995й.	2000й.	2010й.	2015й
Дон маҳсулотлари	17,3	19,4	27,0	43,6	45,3
Шу жумладан: буғдой	11,8	20,5	27,6	45,9	48,2
Картошка	87,0	92,0	129,3	194,9	219,1
Сабзавотлар	188,0	176,0	183,8	252,5	271,0
Полиз озуқабоп экинлари	106,0	99,0	132,4	192,6	203,6
Мева ва резаворлар	36,7	43,4	56,9	92,6	128,1
Узум	50,9	65,1	63,1	90,8	133,1
Пахта хомашёси	27,0	26,4	21,8	25,4	26,4

Манбалар: Составлена по: Альманах Узбекистана 2013год. – Т., 2013. – С.113; Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 2016 йил. Стат.тўплам. –Т.,2016. – Б. 27-28.

Дон маҳсулотларининг ҳосилдорлиги 2,8 баробарга, буғдой ҳосилдорлиги 4 марта, сабзавот ва полиз экинлари ҳосилдорлиги салкам 2 мартага, мева ва резаворлар ҳосилдорлиги 3 мар-

³⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари.

тадан ортиққа ошди. Пахта хомашёсининг ҳосилдорлиги 2000 йилгача бўлган даврда 21,8 центнерга камайиб, сўнгра ўсиш тенденциясига эга бўлди.

Пахта хомашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қўшма қарорга асосан Республика бўйича 2013 йилда 1211 нафар ҳамда 2014 йилда 1412 нафар, 2015 йилда 1226 нафар фермер хўжаликлари 40 центнер ва ундан ортиқ ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларига Низомда белгиланган 7 та имтиёзлардан фойдаланиш бўйича жойларда Кенгашлар томонидан мониторинг олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 августдаги «Давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарган фермер хўжаликларига контрактация шартномасидан ортиқча топширган пахта хомашёсини қайта ишлашдан олинган пахта шроти (кунжараси) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 218-сонли қарорини ижросини таъминлаш бўйича жойларда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, Республика бўйича 2015 йилда Давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарган 12,8 мингта фермер хўжаликларига контрактация шартномасидан ортиқча топширган пахта хомашёсини қайта ишлашдан олинган 17,6 минг тонна пахта шроти (кунжараси) ва 12,4 минг тонна пахта чигити шелухаси етказиб берилиши режалаштирилди³⁶.

Аммо, қишлоқ хўжалигида суғориладиган экин майдонларининг камайиб бораётганлиги қаровсиз, экилмаган ер майдонлари улушининг ўсиб бораётганлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини янада ошириш, хўжалик субъектлари фаолияти рентабеллигини ошириш зарурияти муҳим иқтисодий ресурс (омил) бўлган чекланган ер ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Айниқса, бу масалаларни тадқиқ этиш, ўрганиш табиий-иқлимий, экологик

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги маълумотлари.

шароити нисбатан оғир бўлган Қорақалпоғистон Республикаси учун долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон минтақаларида асосий деҳқончилик маҳсулотлари ҳосилдорлигидаги фарқлар уларда ерлардан фойдаланишдаги фарқларни, унумлилик даражаларини кўрсатади. Таҳлил маълумотларига кўра Қорақалпоғистон Республикасида дон экинларининг ҳосилдорлиги 25,6 центнерни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич Жиззах вилоятидан салгина ортиқдир. Аммо бошқа ҳудудлардагига қараганда анча пастдир. Дон экинлари ҳосилдорлиги Андижон (63,4 ц/га), Бухоро (60,7 ц/га) ва Фарғона (59,8 ц/га) вилоятларида энг юқоридир. Буғдой ҳосилдорлиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси (25,6 ц/га) мамлакатимизда (республикада ўртача 47,4 ц/га) энг паст кўрсаткичга эга. Картошка етиштириш ҳосилдорлиги бўйича ҳам мазкур минтақа (80,0 ц/га) энг паст кўрсаткичга эга. Бу кўрсаткич Самарқанд (276,5 ц/га), Навоий (274,1 ц/га), Бухоро (243,3 ц/га), Тошкент (232,4 ц/га) ва Фарғона (230,7 ц/га) вилоятларида энг юқоридир³⁷.

Мамлакатимизда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида янги боғ ва узумзорлар барпо этиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. 2010- 2014 йиллар давомида қарийб 50 минг гектар майдонда янги боғлар, жумладан, 14 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар, 23 минг гектарда узумзорлар яратилди. Интенсив боғлар ташкил этиш учун Польша, Сербия ва бошқа мамлакатлардан 6 миллиондан зиёд кўчат олиб келинди. 2011 йилда яратилган боғларнинг ҳар гектаридан 2014 йилнинг ўзида ўртача 300 центнер ҳосил олинди³⁸.

Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ошиши туфайли уларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори ҳам ўсиб борди. Аҳоли жон бошига мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум етиш-

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

³⁸ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир: Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. Т. «Ўзбекистон», 2015.-14-бет.

тиришнинг ўсиб бориши аҳолини қишлоқ хўжалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражасининг йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини кўрсатади (2.3.5-жадвал).

**Ўзбекистонда аҳоли жон бошига мева-сабзавот,полиз,
картошка ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш
динамикаси (килограмм ҳисобида)³⁹.**

2.3.5-жадвал

Маҳсулот турлари	2000 й.	2010 й.	2013 й.	Бир кишига йиллик меъёр, кг	2013 йилда меъёрга нисбатан фарқи, +,-	2013 йилда меъёрга нисбатан фарқи, %
Сабзавот	108,0	226,6	283,3	109,2	174,1	259,4
Полиз	18,4	42,2	50,8	24,8	26,0	204,8
Картошка	29,9	60,5	76,0	54,6	21,4	139,1
Мева	32,3	61,1	76,9	65,3	11,6	117,8
Узум	25,5	35,3	43,2	13,9	29,3	310,9

Таҳлил даврида, яъни 2013 йилда 2000йилга нисбатан аҳоли жон бошига сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,6 баробардан зиёдга, полиз маҳсулотлари 2,7 баробардан зиёдга, картошка 2,5 баробардан ортиққа, мева 2,4 баробарга, узум 1,7 баробарга яқин ўсган. Шу даврда бир кишига тўғри келадиган меъёрга нисбатан эса аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ишлаб чиқариш ҳажми узум маҳсулотлари 3,1 баробардан ортиқ бўлган. Бошқа маҳсулотлар бўйича ҳам меъёрдан ортиқ миқдорда ишлаб чиқарилган.

Чорвачилик соҳасида ҳам таркибий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Йирик шохли қорамоллар сони 1995 йилда 5,2 млн. бош бўлган бўлса, 2005 йилда уларнинг сони 6,5 млн. бошга, 2015 йилда эса 11641,3минг бошга етди. Қўй ва эчкилар сони

³⁹Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами.-Т.,2013. – 226, 229-232-бет; Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами.-Т.,2014. 87-88-бетлар; Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

1995 йилда 9,3 миллион бошни ташкил этган. Уларнинг сони 2005 йилда 11,3 млн. бошга, 2015 йилда эса 19118,8 минг бошга етди (2.3.6-жадвал).

Ўзбекистон Республикасида чорва моллари ва паррандалар сонининг ўсиш динамикаси¹ (йил бошида, минг бош).

2.3.6-жадвал

Чорва моллари тури	2005 й	2015й	2015 йилда 2005 йилга нисбатан %
Қорамоллар	6571	11641,3	177,1
Шу жумладан: сигирлар	2821,3	4120,6	146,0
Кўй ва эчкилар	11351,9	19118,8	168,4
Парранда	20540,4	61359,2	298,7

Қорамоллар сони 77,1% га, шу жумладан, сигирлар сони 46,0%га, паррандалар сони эса салкам 3 баробарга кўпайди. 2016-йилда чорвачилик сектори салоҳиятини янада ошириш мақсадида тижорат банкларининг қиймати 464 миллиард сўмдан зиёд кредитлари ҳисобидан қорамол боқиш, паррандачилик, асаларичилик хўжаликларини ривожлантириш ва балиқ етиштиришни кўпайтириш бўйича 5,2 мингга лойиҳа амалга оширилди. Натижада, 2017-йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, қорамоллар умумий сони қарийб 12,2 миллион бошга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,5 фоиз) етди⁴⁰.

Чорва моллари туёғи кўпайиши натижасида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда, 1991-2015 йилларда гўшт (тирик вазнда) ишлаб чиқариш 225,9%га ўсди. Сут етиштириш эса шу даврда 272,7%га ўсди (2.3.7-жадвал).

¹Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами.-Т.,2013.-238-бет; Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами.- Т.,2014.-92-93-бетлар; Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикасини 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

**Ўзбекистонда асосий чорвачилик маҳсулотлари ишлаб
чиқариш кўрсаткичлари (минг тонна)⁴¹**

2.3.7-жадвал

Маҳсулот турлари	1991й	1996й	2000й	2010й	2015й	2015 йилда 1991 йилга нисбатан %
Гўшт (тирик вазнда)	792	800,6	841	1461,4	2033,4	225,9
Сут	3331	3404	3636,2	6169,0	9027,8	272,7
Тухум (млн. дона)	2347	1057	1252,9	3058,8	5535,4	235,8

Таҳлил даврида тухум етиштириш 235,8 % га ўсди. 2016-йилда, тирик вазни 2,2 миллион тонна гўшт (106,8 фоиз), 9,7 миллион тонна сут (107,5 фоиз), 6,1 миллиард донадан ортик тухум (110,6 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар тайёрланди⁴².

Қишлоқ хўжалиги озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ошиши туфайли уларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори ҳам ўсиб борди. Аҳоли жон бошига мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум етиштиришнинг ўсиб бориши аҳолини қишлоқ хўжалик озик-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражасининг йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини кўрсатади (2.3.8-жадвал).

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами.-Т.,2013.-240-бет;Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами.-Т., 2014.-91-бет; Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

⁴² Ўзбекистон Республикасини 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

**Ўзбекистон Республикасида асосий истеъмол
маҳсулотларининг истеъмол қилиниши
(аҳоли жон бошига, кг ҳисобида)⁴³**

2.3.8-жадвал

Маҳсулот турлари	1990 йил	2000 йил	2010 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилда 1990 йилга %
Нон ва нон маҳсулотлари	170	167	160	173	170	100
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	31	34	38	42	42,5	138,7
Сут маҳсулотлари	183	162	239	248	266,4	145,6
Тухум (дона)	97	47	138	215	230,4	2,38 м
Сабзавот-полиз маҳсулотлари	107	128	238	281	285	2,66 м
Картошка	29	36	45	55	57	196,6
Ўсимлик ёғи ва бошқа ёғлар	12	12	13	22	22	183,3
Шакар	12	16	17	28	28	2,35м
Мева, узум	23	42	83	142	145	6,3м

Таҳлил даврида, яъни 2015 йилда 1990 йилга нисбатан аҳоли жон бошига сабзавот-полиз маҳсулотлари истеъмоли 2,66 баробарга, картошка 196,6 фоизга, мева ва узум 2,33 баробарга, ўсган. Шу даврда бир кишига тўғри келадиган меъёрга нисбатан эса аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ишлаб чиқариш ҳажми узум маҳсулотлари 3,1 баробардан ортиқ бўлган. Бошқа маҳсулотлар бўйича ҳам меъёрдан ортиқ миқдорда ишлаб чиқарилган. Бу эса мамлакатимизда мустақиллик йилларида кишлоқ хўжалигида олиб борилган ислохотлар ва таркибий ўзгартиришлар натижасида кишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигининг ошганлигидан, шу

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳосилдорлигининг ошганлигидан ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигининг барқарор таъминланганлигидан далолат беради. Шу боисдан 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкоти (ФАО) га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, сугориладиган ерлардан фойдаланиш бўйича эришилган катта ютуқларга қарамадан ердан фойдаланиш борасида ҳамон муаммолар мавжуд. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳосилдорлигининг республика ўртача даражасидан анча камлиги ушбу минтақа ерлари табиий тупроқ унумдорлиги даражасининг нисбатан пастлиги, оғир экологик вазиятнинг вужудга келганлиги ҳамда ердан фойдаланиш самарадорлигининг бошқа минтақаларга нисбатан бирмунча пастлиги билан изоҳланади.

Умуман, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигига ва қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қуйидаги омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда:

- минтақадаги сув танқислигининг кескинлиги. Сув ресурсларини бошқариш тизимидаги камчиликлар ва истеъмолчиларга ўз вақтида кафолатли сув етказиб бериш имкониятининг тўлиқ яратилмаганлиги, суғориш тармоқларининг техник ҳолатининг етарли даражада эмаслиги, суғориш тармоқларидаги техник ва фильтрацияга йўқолишларнинг кўплиги;

- минтақада экологик вазиятнинг йилдан-йилга ёмонлашиб бораётганлиги;

- мелиоратив ҳолати ёмон бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари ҳажмининг кўпайиб бораётганлиги. Бундай мелиоратив ҳолати ёмонлашган қишлоқ хўжалиги ерлари 2013 йилда суғориладиган экин майдонларининг 26,1% ни ташкил этди;

- ерлар сифатини, унумдорлигини ифодаловчи ер бонитет балларининг пасайиб бораётганлиги;

- кишлоқ хўжалик экинларини илмий асосланган ҳолда худудларнинг тупроқ-иклим шароитидан келиб чиқиб жойлаштириш масаласининг етарли даражада ҳал этилмаганлиги;

- ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ерга оид муносабатларни тартибга солиш, ер ажратишда, кишлоқ хўжалиги экинларини тўғри жойлаштириш ҳамда ҳақиқий ҳолати бўйича мониторингини юритиш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этишда камчиликларнинг рўй бераётганлиги, ердан самарали ва интенсив фойдаланиш учун техник воситаларнинг камайганлиги ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда;

- ерга ишлов бериш, кишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг агротехник қоидаларига тўлиқ риоя этилмаслиги. Қишлоқ хўжалиги экинларини ўз муддатларида сифатли еклиши, парваришланиши, агротехник тадбирларни бажарилиши, ёзги ва кузги шудгорлаш тадбирларини белгиланган муддатларида амалга оширилишини таъминлашда ҳамон катта камчиликлар мавжуддир.

Шу боисдан сув танқислиги кучаяётган шароитда, кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммоларини ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ ВА РОЛИ

3.1. Озиқ-овқат саноатининг ривожланиш босқичлари

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида озиқ-овқат саноати тармоқлари муҳим ўринни эгаллайди. Озиқ-овқат саноати тармоқлари корхоналарининг ривожланиш тенденциясини уч даврга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

I Давр. Мустақилликкача бўлган даврдаги озиқ-овқат саноати техникавий даражаси ҳолати. Мустақилликкача бўлган даврда республика иқтисодий-ижтимоий манфаатларини ҳисобга олмаслик, экспортга мўлжалланган стратегиянинг йўқлиги, яхлит технологик жараёнларнинг шаклланмаганлиги, мақсадга йўналтирилган фаолиятнинг мавжуд эмаслиги, паст техник даражада бўлишини олдиндан кўзланган йўналиш экани кузатилди. Технологик ускуналарнинг 90% собиқ иттифоқ корхоналарида тайёрланган бўлиб, экспортга йўналтирилган эмас, фақат унда маҳаллий аҳолини озуқа маҳсулотлари билан таъминлаб туриш сиёсати кўзда тутилган.

1987–1990 йилларда катта ҳажмдаги мева ва сабзавот сақлаш омборхоналари қурилиши кескин кўпайтирилганда ҳам, ҳудуддаги қайта ишлаш корхоналари фаолияти мавсумийлигини узайтириш эмас, балки Россиянинг Москва, Ленинград каби марказий шаҳарларини янги мева-сабзавотлар билан узлуксиз таъминлаш, яъни, минтақавий хомашё базаси сифатида фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш кўзда тутилган эди. Оз бўлсада, 1984–1987 йилларда Югославиядан келтирилган замонавий модул ускуналар ёрдамида бир сменада 2–3 тонна колбаса ишлаб чиқаришга мўлжалланган 17 та комплект ускуна чорвачилик маҳсулотлари мўл бўлган жойларга ўрнатилган. Ушбу ускуналар ҳам ҳозирги кунга келиб жисмонан ва маънавий эскирган. Республикамиз ҳудудида балиқни қайта

ишловчи энг йирик завод Мўйноқда жойлашган бўлиб, у асосан Орол денгизи ва океандан келтирилган, музлатилган балиқларни қайта ишлашга ихтисослашган эди. Ҳозирги кунда , завод ускуна–механизмлари эскирган, экологик муаммолар туфайли фаолияти тўхтатилган.

II Давр. Озиқ–овқат саноати тармоқлари техник даражасини бозор иқтисоди талабларига мослаштириш даври. 1992–2004 йиллар мобайнида ишлаб чиқаришнинг давлат томонидан қўллаб–қувватланиши натижасида, янги кичик ва хусусий корхоналар қурилиб, эски, унумдорлиги паст бўлган ускуналар ўрнига янги технологик ускуналар жорий этила бошланди.

Шу даврда нон ишлаб чиқариш саноати тармоқларининг янги техник ускуна, технология, кичик нон цехлари билан таъминланиши анча кўтарилди, сутни ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича Германиядан келтирилган кунига 5–10 т. сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлган, 7–8 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга мослашган кичик цехлар ишга туширилди. «Нестле–Ўзбекистон» болалар сутли озуқаси, сут, йогурт ишлаб чиқариш қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқларида кўплаб кичик қандолат цехлари ишга туширилди.

III Давр. 2004–2010 йиллар озиқ–овқат саноати тармоқлари техник даражасини юқори савияга кўтариш, маҳаллий хомашё ресурсларидан унумли фойдаланиш асосида рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотлар ва озуқавий қўшимчалар ишлаб чиқариш техник технологик имкониятлари заминини яратиш даври бўлди. Ушбу даврда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш қуйидаги йўналишларда шакллана бошлади. Аввалги I–II давр мобайнида озиқ–овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши, озуқавий қўшимчалар тақчиллиги, худудимизда ишлаб чиқарилаётган озиқ–овқат маҳсулотлари рақобатбардошлиги пастлиги оқибатида, бозорда Яқин Шарқ, Европа мамлакатларидан озуқа маҳсулотлари импорти салмоғи ошиб кетганлиги ҳисобига мамлакатимиз озиқ–овқат саноати тармоқлари муаммоларига эътиборни кучайтириш долзарб мавзуга айланиб ҳукумат қарорларида ўз аксини топди.

Учинчи босқичда ушбу муаммонинг амалий ечими икки йўналишда ҳал этилишга киришилган бўлиб, улар а) инвестиция ҳисобига замонавий техник-технологик қайта куроллашни ташкил этиш; б) озик-овқат саноати тармоқларида маҳаллий хомашё ва озуқавий қўшимча билан таъминот замонавий ишлаб чиқариш тизимини шакллантиришдан иборат бўлди.

Ҳозиргача давом этаётган тўртинчи босқич 2011 йилдан бошланган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1442-сонли қарори билан қабул қилинган 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастур ижроси билан боғлиқдир. Озик-овқат хавфсизлигини барқарор таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги ПҚ-1633-сонли қарорига асосан Озик-овқат саноати корхоналари уюшмаси ташкил қилинди. Уюшма таркибига Ёғ-мой корхоналари, гўшт, сут маҳсулотлари корхоналари, қандолат, салқин ичимликлар ишлаб чиқарадиган ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар кирди. Ушбу қарорга мувофиқ жойлардаги ҳокимият органларига уюшма корхоналари билан биргаликда гўшт-сут, мева-сабзавот ва узумни қайта ишлайдиган янги корхоналарни қуриш ҳамда мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича мақсадли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. Шундан келиб чиқиб, Озик-овқат саноати корхоналари уюшмасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланган:

-уюшма таркибидаги озик-овқат корхоналари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни иш фаолиятига бозор иқтисодиёти механизмларини жалб этиш;

-озик-овқат маҳсулотлари ички ва ташқи бозорини ўрғаниш, маркетинг изланишларни ташкил этиш;

-корхоналарни модернизациялаш ва техник жиҳозлаш, инвестицияларни жалб этиш;

-корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни стандартлаштиришга ёрдам бериш;

-ёғ-мой ва пахта тозалаш корхоналари ўртасидаги механизмни мукамаллаштириш, пахта ёғи чиқишини ва тайёр маҳсулотнинг ўрнатилган тартибда сотилишини таъминлаш;

- уюшма тармоғидаги корхоналарга ахборот кўмаги бериш, кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 18 февралдаги ПҚ-2481 сонли қарорига мувофиқ корпоратив бошқарувнинг жаҳон амалиётида қабул қилинган тамойиллари ва усулларига мувофиқ республика озиқ-овқат саноатини бошқариш самарали тизимини шакллантириш, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни кенг жалб этиш, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмларини ошириш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатдош бўлган сифатли маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида Озиқ –овқат саноати корхоналари уюшмаси тугатилиб, унинг ўрнига «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси ташкил этилди.

Бундан олдинроқ эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 2015 йил 27 октябрдаги ПФ-4761-сонли Фармониға мувофиқ чигитни қайта ишлаш ҳамда пахта ёғи ишлаб чиқаришни таъминлаш функциялари «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси зиммасига юклатилган ҳолда тегишли корхона ва тузилмалар Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси таркибидан чиқарилган эди. «Ўзбекозиқ-овқатхолдинг» холдинг компаниясининг устав капитали субиқ Уюшма таркибига кирувчи корхоналар устав жамғармаларидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни баланс (номинал) киймати ҳисобидан шакллантирилиши белгиланган. Унинг таркибига 176 та корхона киритилди. Компания тарки-

бига озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хусусий корхоналар уюшган аъзо мақомида кириши мумкин.

«Ўзбекозиковқатхолдинг» холдинг компанияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

-мева-сабзавот ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларини ўрганиш бўйича чуқур маркетинг тадқиқотлари ўтказиш ва бунинг асосида тармоқни ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

-юқори қўшилган қийматга эга, ички ва ташқи бозорларда харидоргир бўлган юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида тармоқ корхоналарида қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат хомашёсини янада чуқур қайта ишлаш замонавий технологик циклни ташкил этиш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, қайта ишлаш корхоналари, тайёрлаш ва сотиш ташкилотлари ўртасида бозор муносабатлари асосида, унинг тайёрланиши, сақланиши, янада чуқурроқ қайта ишланиши ва сотилишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат хомашёси ҳаракатининг замонавий логистикасини кенг жорий этиш;

-илғор хорижий технологиялар ва дизайндан фойдаланган ҳолда замонавий тарақдоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш;

-мева-сабзавот, гўшт-сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат хомашёсини қайта ишлаш бўйича юқори унумли замонавий инновация технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ушбу мақсадлар учун, авваламбор, стратегик хорижий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш;

-қайта ишланган мева-сабзавот, шунингдек бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг экспортини ташкиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини баҳолашнинг замонавий халқаро тизимини ишлаб чиқаришга жорий этиш;

-ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификациялаш бўйича ишларни ташкиллаштиришда тармоқ корхоналарига кўмаклашиш, тармоқ корхоналарига ахборот хизматлари кўрсатиш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

«Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси таркибида Озиқ-овқат саноати корхоналарини ривожлантириш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма даромадларини шакллантириш манбалари этиб куйидагилар белгиланган:

-холдинг компанияси таркибига кирувчи корхоналарнинг давлат улушлари бўйича ҳисобланадиган дивидендларининг 50 фоизи;

- холдинг компанияси таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар соф фойдасининг 0,5 фоизи миқдоридаги ажратмалар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тармоқда янги корхоналар ташкил этиш, амалдаги корхоналарни модернизациялаш ва реконструкция қилиш, шунингдек халқаро молия институтларидан ҳукуматлараро битимларга мувофиқ Ҳукуматнинг кафолати билан олинган кредитларга хизмат кўрсатишга йўналтирилади.

3.2. Озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш тенденциялари

Озиқ-овқат саноати корхоналари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сут, гўшт, мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш бўйича янги корхоналар қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга оширмоқдалар.

Озиқ-овқат саноатининг ривожлантирилиши оқибатида Ўзбекистон саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида озиқ-овқат саноати тармоқларининг улуши 2005 йилдаги 8,2%дан 2015 йилда 20,2% га ўсди. 2015 йилда озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол моллари таркибидаги улуши 43,1% ни ташкил этди⁴⁴.

Ўзбекистонда 2015 йилда озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги улуши 18,2% ни ташкил этди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ –овқат маҳсулотларининг 33,4% Озиқ-овқат саноати уюшмаси корхоналари, 14,5% «Ўздонмаҳсулот» компанияси, 8,9% «Ўзвиносаноат холдинг» компанияси, 43,2% хусусий корхоналар ва бошқалар томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

2003-2015 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш юқори суръатларда ўсди (3.2.1-жадвал).

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва йиллик ўсиш суръатлари⁴⁵.

3.2.1-жадвал

	2003й.	2005й.	2010й.	2011й.	2014й.	2015й.
Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми, амалдаги нархларда, миллиард сўм	926,6	1153,3	4010,1	5573,6	11389,4	19712,3
Ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида	104,2	107,9	110,2	116,4	108,3	117,3

Республикамизда 2003-2015 йилларда озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган гўшт ва гўшт

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами.-Т., 2013.-202-бет; Ўзбекистон хуудларининг йиллик статистик тўплами.-Т., 2014.-72, 75-бет; Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўлам. 2016 йил.-Т., 2016.-112, 114-бетлар.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами.-Т., 2013.-216-бет; Ўзбекистон хуудларининг йиллик статистик тўплами.-Т., 2014.-73-бет; Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўлам 2016 йил.- Т., 2016.-117, 126-бет маълумотлари асосида тузилган.

маҳсулотлари 169,6 минг тоннадан 283,3 минг тоннага, яъни 167,0% га, сут ва сут маҳсулотлари 255,9 минг тоннадан 464,5 минг тоннага ёки 181,5% га, мева- сабзавот консервалари 343 миллион шиша бирлигидан 641,1 мшб га ёки 186,9 % га, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш 218,5 минг тоннадан 223,1 минг тоннага ёки 102,1% га, шакар 248,1 минг тоннадан 500,4 минг тоннага ёки 201,6 % га, нон ва нон маҳсулотлари эса 170,3 % га кўпайди (3.2.2-жадвал).

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш⁴⁶.

3.2.2-жадвал

Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	2003й.	2005й.	2010й.	2015й.
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	Минг тонна	169,6	152,8	178,5	283,3
Сут ва сут маҳсулотлари	Минг тонна	255,9	250,6	307,2	464,5
Мева-сабзавот консервалари	Млн. шиша бирлиги	343,0	369,4	446,4	641,1
Ўсимлик ёғи	Минг тонна	218,5	261,7	244,2	223,1
Маргарин маҳсулотлари	Минг тонна	17,7	21,3	16,2	27,1
Шакар	Минг тонна	248,1	146,4	286,1	500,4
Ун	Минг тонна	1299,2	1576,2	1579,8	2062,3
Макарон маҳсулотлари	Минг тонна	54,4	50,8	57,4	125,7
Нон ва нон маҳсулотлари	Минг тонна	745,5	685,7	912,9	1269,9

Уюшмага корхоналар томонидан 2015 йилда мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида режадаги

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами.-Т.,2013.-218-бет; Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам 2016 йил.-Т., 2016.-126-127-бетлар маълумотлари асосида тузилган.

514 та лойиха ўрнига 545 та лойиха , шу жумладан, шу соҳада 310 та корхонани янги ташкил этиш, 245 та модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳалари амалга оширилди(3.2.3-жадвал).

**2015 йилда амалга оширилган лойиҳалар
(мева-сабзавот, гўшт ва сўт маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида)⁴⁷**

3.2.3-жадвал

№	Лойиҳа йўналишлари	Режа	Амалда
1	Лойиҳалар сони шундан:	327	333
2	Корхоналарни янги ташкил этиш лойиҳалари	154	158
3	Модернизация, реконструкция қилиш бўйича лойиҳалар	173	175
4	Яратилган янги иш ўринлари сони	3895	3933
5	Инвестиция ҳажми, млн долл.	47,52	48,07

Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси корхоналари томонидан рафинацияланган ёғ ишлаб чиқаришнинг 93%, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 0,1%, колбасанинг 5%, мева-сабзавот консерваларининг 73%, сариёғнинг 0,3%, пишлок ва бринзанинг 0,5% ни ишлаб чиқармоқда (3.2.4-жадвал).

Республикамизда 2015 йилда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ҳудудий дастурлар доирасида умумий қиймати 555 миллиард 832 миллион сўмлик 1529 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Бунинг натижасида 17327 та янги иш ўрни яратилди. Шу жумладан, Тошкент шаҳрида қиймати 95055 миллион сўмлик 156 та инвестицион лойиҳалар, шунга мос равишда Самарқанд вилоятида 93025 миллион

⁴⁷ Ўзбекистон озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси («Ўзозик-овқат холдинг» холдинг компанияси) маълумотлари

сўмлик 123 та, Хоразм вилоятида 74995 миллион сўмлик 116 та инвестицион лойиҳалар амалга оширилди⁴⁸.

Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси тизимидаги корхоналар томонидан республика аҳолисининг 2015 йилда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг қондирилиши⁴⁹.

3.2.4-жадвал.

Маҳсулотлар номи	Бир киши учун талаб этилаётган минимал норма, кг	Йиллик талаб, минг тонна	Қоплаш ресурси, тонна	Шу жумладан		Таъминлаш даражаси%		
				Уюшма тизимидаги корхоналар улуши тонна	Импорт, Тонна	жами	шу жумл., маҳаллий маҳсулот хисобига	Импорт хисобига
Рафинацияланган ёғ (тонна)	7,3	220338,8	304170	205670	98500	100	93,3	6,7
Хўжалик совуни (тонна)	1,7	51311,8	52120,0	52120,0	X	100	100	X
Атир совун (тонна)	0,7	21128,4	1104,0	1104,0		5,2	5,2	0,0
Маргарин маҳсулотлари (тонна)	1,5	45275,1	56797,0	35114,0	21683	100	80	20,1
Қандолат маҳсулотлари (тонна)	2,5	75458,5	29085,7	3383,0	25702,7	38,5	4,5	34,1

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси маълумотлари.

3.2.4-жадвалнинг давоми

Алкоголсиз ичимлик (минг дал)	0,0	x	39067,7	26932,0	X	x	X	X
Пиво (минг дал)	0,0	x	22740,2	17363,0	5377,2	x	x	X
Шакар (тонна)	19,4	585558,0	794569,0	356473,0	438096	100	61	39
Тамаки маҳсулотлар(млн дона)	0,0	x	10102,0	10102,0		x	x	X
Сут ва сут маҳсулотлари (тонна)	152,1	4592102,5	48621,2	33233,0	15388,2	1,06	0,72	0,34
Сариёғ (тонна)	8,2	247503,9	4741,0	632,0	4109	1,9	0,3	1,7
Пишлоқ ва бринза (тонна)	3,9	117715,3	1935,3	567	1368,3	1,6	0,5	1,2
Гўшт ва гўшт маҳсулоти (тонна)	38,5	1162060,9	10295,6	664,0	9631,6	0,9	0,1	0,8
Колбаса (тонн)	5,9	178082,1	8939,7	8937,0	2,7	5,0	5,0	0,0
Гўшт консервалари (МШБ)	X	x	1329,0	93,0	1236	x	X	x
Мева-сабзавот консерва, МШБ	0,050	322,70	5454,1	235,5	5218,6	73	73,0	1617,2

Мамлакатимизда гўшт, сут, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини қуриш ҳамда мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича мақсадли дастурига мувофиқ 2015 йилда 48,07 миллион АҚШ доллари эквивалентида инвестициялар йўналтирилиб, 333 та лойиҳалар амалга оширилди. Шундан 158 та инвестиция лойиҳалари асосида янги корхоналар ташкил этилди. 175 та инвестиция лойиҳалари асосида мавжуд қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари модернизация ва реконструкция қилинди⁵⁰.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

Республикамизда 2012-2015 йилларга мўлжалланган озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш, гўшт, сут, мева-сабзавот ҳамда узум маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини куриш ҳамда мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича мақсадли дастурининг амалга оширилиши оқибатида мева-сабзавотни қайта ишлаш улуши 2012 йилдаги 13,3% дан 2015 йилда 17,8 % га, шунга мос равишда гўштни қайта ишлаш улуши 6,9 % дан 12,0% га, сутни қайта ишлаш улуши 9,8%дан 14,1 %га ўсди. Таҳлил даврида мева-сабзавотни қайта ишлаш улуши Андижон вилоятида 2,1% дан 12,2% га, яъни 5,8 баробарга, Сурхондарё вилоятида 3,0% дан 10,4% га, яъни 3,4 баробарга, Фарғона вилоятида 4,8%дан 13,5% га, яъни 2,8 баробарга ошди. Гўштни қайта ишлаш улуши Хоразм вилоятида 3,2%дан 7,8%га,яъни 2,4 баробарга, Қашқадарё вилоятида 4,6% дан 10,9% га, Навоий вилоятида 3,6% дан 8,3% га ошди. Сутни қайта ишлаш улуши Хоразм вилоятида 3,7% дан 11,2% га, Сурхондарё вилоятида 6,7% дан 10,7% га ўсишга эришилди. Шунини айтиш лозимки, мева-сабзавотни қайта ишлаш бўйича энг юқори кўрсаткич Самарқанд вилоятида 30,2%ни, гўшт бўйича Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри биргаликда 27,6%ни, сут бўйича Наманган вилояти 22,7%ни ташкил этади⁵¹.

2015 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77800 тонна сифимга эга бўлган 114 та янги совитиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Мева-сабзавотларни ишлаб чиқариш ва уларни сақлашга қаратилган ҳажмининг ошиши, мазкур маҳсулотларни сақлаш учун махсус совутгичларни куриш ва сақлаш технологиясини такомиллаштиришга мустақкам замин яратди. Хусусан, 2016-йилда 93,1 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун 204 янги совитиш камераси ташкил этилди ҳамда 12,7 минг тонна

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

маҳсулотни сақлайдиган 26 совитиш камераси модернизация қилинди⁵².

Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат корхоналар уюшмаси корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш ва улар маҳсулотлари рақобатбардошлигини юксалтириш мақсадида 40 та корхонада ISO 9001 халқаро стандартига мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимлари ва 5 та корхонада ИСО 22000 стандартига мувофиқ бўлган Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизимлари жорий этилиб, сертификатлаштирилган. 2014 йил давомида яна 16 корхоналарда сифатни бошқариш тизимлари жорий этилиши, шулардан 2 та корхонада ИСО 9001 стандартига мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимлари ва 14 та корхонада ИСО 22000 стандартига мувофиқ бўлган Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизимлари жорий этилиб, сертификатланади⁵³.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қуйидаги камчилик ва муаммолар мавжуддир:

1. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш билан боғлиқ муаммолар. Улар жумласига кредит ажратиш муддатларининг ва маблағларни конвертация қилиш муддатларининг қечикиши, кредит фоизининг юқорилиги, лойиҳа ташаббускори ўз маблағининг етишмаслиги, кредит таъминоти, суғурта, гаров, кафолатнинг мавжуд эмаслиги каби муаммолар киради.

2. Лойиҳаларнинг моддий-техник базасини мустақкамлаш ва энергия ресурслари билан таъминлаш билан боғлиқ муаммолар. Улар лойиҳа ташаббускорларига ер участкаси ажратиш, бўш турган биё-иншоот ҳамда технологик ускуналар билан таъминлашдаги муаммо ва қийинчиликлар, электр, газ ва сув таъминотидаги узилишлардан иборатдир.

3. Лойиҳалар учун мутахассис кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, мутахассисларнинг

⁵²Ўзбекистон Республикасидан 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат корхоналари уюшмаси маълумотлари

махсус ҳуқуқий,техник ва иқтисодий билимларининг етарли эмаслиги билан боғлиқ муаммолар.

4.Лойиҳа ташаббускорларини ахборот ва маълумотлар билан таъминлашдаги муаммолар ва қийинчиликлар.

5.Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда қайта ишлаш корхоналарининг қувватларидан фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда. Масалан, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш қувватларининг 55% идан, гўшт ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш қувватларининг 30,5%, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш қувватининг 17%идан фойдаланилмоқда. Шунингдек, ёғ-мой саноатида хомашё базаси етишмайди.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш мамлакат аҳолисини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражасини оширишга, оқибатда озиқ-овқат хавфсизлигини барқарор равишда таъминлашга имкон яратади.

IV БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИСТИҚБОЛДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

4.1. Қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари

Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Бунинг учун аввало бор қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчиларнинг масъулиятини ошириш, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчиларнинг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш муносабатларини ислоҳ қилиш қуйидаги асосий қоидалардан келиб чиқади:

- қишлоқ хўжалигига тааллуқли энг аввало суғориладиган ерлар давлат мулки объекти ҳисобланади;
- товар ишлаб чиқариш, асосан, фермер хўжаликлари томонидан амалга оширилади, уларга ер участкалари узок муддатли ижарага берилади;
- майда товар ишлаб чиқаришни, мева-сабзавотчилик, узумчилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ихтисослашган, ажратилган ер участкаларини умрбод меросга қолдириш ҳуқуқига эга бўлган деҳқон хўжаликлари амалга оширади.

Ер участкаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқини, ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини, шунингдек, ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини, шу жумладан сервитутлар тўғрисидаги битимлар ва бу ҳуқуқларга доир бошқа чеклашларни давлат рўйхатига олиш туман (шаҳар) ер кадастри дафтарига тегишли маълумотларни киритиш орқали ер участкаси жойлашган ердаги

Худудий ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматлари томонидан «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонун асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар қиради:

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича худудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ер ресурсларидан белгиланган мақсадда, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

юримдик шахсларга қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун эгаллик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек, шундай ҳуқуқлардан «Ер кодекси»нинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш ва ҳ.к.⁵⁴.

Туманлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар қиради:

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, бу борада давлат назоратини амалга ошириш;

фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ерларни ижарага бериш;

ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

ерга бўлган ҳуқуқларни қонунга мувофиқ бекор қилиш ва ҳ.к.⁵⁵.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, иқтисодий ислохотларни тўғри амалга ошириш, ердан

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси», 5-модда.

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси», 6-модда.

ва бошқа асосий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан фермер ва деҳқон хўжалиklarининг фаолиятига боғлиқдир. Шу боисдан, Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси»нинг 8-моддасида қуйидагилар белгилаб қўйилган:

а) бизнес-режаларда тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерлардан оқилона фойдаланиш юзасидан аниқ тадбирларни назарда тутишлари;

б) зона шароити ва хўжаликнинг ихтисослашувига мувофиқ илмий асосланган алмашлаб экишни, деҳқончиликнинг энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан оқилона тизимларини жорий этишлари;

в) ҳайдаладиган ерлар асралиши ва кенгайтирилишини таъминлашлари;

г) мелиоратив жиҳатдан нобоп суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилишлари, пичанзор ва яйловларга сув чиқаришлари ҳамда уларнинг ҳолатини яхшилашлари;

д) хўжаликнинг бутун ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоғини ҳамда ундаги иншоотларни техникавий жиҳатдан соз ҳолатда сақлашлари;

е) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини суғориладиган ерларнинг шўр босиши ва захланишига, ерларнинг ва сув манбаларининг ифлосланиши ва зарарланишига йўл қўймайдиган усуллар билан амалга оширишлари;

ж) қишлоқ хўжалик экинлари ва дов-дарахтларни парвариш қилишнинг сув тежаладиган технологияларини, суғоришнинг илғор усулларини жорий этишлари шарт.

Аммо ҳамон ер қонунчилигининг бузилиш ҳолатлари юз бериб турмоқда. Жойларда ер ресурсларидан фойдаланувчилар томонидан Ер қонунчилиги бузилишининг қуйидаги турлари содир бўлмоқда:

- ер участкалари бўйича ноқонуний олди-сотди, совға қилиш, гаров, сохта тадбиркорлик, ўзбошимчалик билан айрибошлаш билан боғлиқ битимлар тузиш;

- ерлардан белгиланган мақсадларда фойдаланмаслик, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш;

- ерларни яроқсиз ҳолатга келтириш, уларни кимёвий ва радиоактив моддалар, чиқиндилар ва оқова сувлари билан ифлослантириш, экологик талабларни бажармаслик;

- ўзбошимчалик билан пичан ўриш ва чорва молларини боқиш, ёввойи ўтлар ва зараркунандаларга қарши кураш чораларини кўрсатмаслик, ерлардан хўжасизларча фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини пасайтириб юбориш, ерларнинг ҳолатини ёмонлаштириш ва ҳ.к.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ерга оид муносабатларни тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги экинларини тўғри жойлаштириш ҳамда ҳақиқий ҳолати бўйича мониторингини юритиш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш бугунги куннинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини ўз муддатларида сифатли экилиши, парваришланиши, агротехник тадбирларни бажарилиши, ёзги ва кузги шудгорлаш тадбирларини белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлашга эришиш муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу тадбирларни жойларда амалга оширилишини доимий равишда мониторингини юритиш мақсадида «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан тегишли тизим жорий қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли қарорининг 4-иловасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон фермерлар Кенгаши ва бошқа манфаатдор тузилмаларга биргаликда 2016 йилнинг биринчи ярим йиллигида қишлоқ хўжалиги ва аграр муносабатлар, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, фермер хўжаликлари билан тузилган ер участкаларининг узоқ муддатли ижара шартномалари ва контрактация-шартномаларининг сўзсиз ижросини таъминлаш юзасидан томонларнинг жавобгарлигини ошириш соҳасида қонунчилик базасини янада такомил-

лаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Давлат ер кадастрини юритиш талабларига риоя этмаслик, ерлардан хўжасизлик билан фойдаланганлик оқибатида тупроқ унумдорлигини пасайиши ва деградациялашувига олиб келган ҳолатлар бўйича мансабдор ва бошқа шахсларга нисбатан жазо чораларини кучайтиришга қаратилган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий суд ва Бош прокуратура ҳамкорлигида тегишли «Қонун лойиҳаси» ишлаб чиқилмоқда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Кодексининг 65,68,69-моддалари бўйича ер қонун бузилиш ҳолатлари бўйича жазо чораларини фуқароларга – энг кам иш ҳақининг 10 бараваригача; мансабдор шахсларга - энг кам иш ҳақининг 30 бараваригача жарималар белгиланиши назарда тутилмоқда⁵⁶.

Қишлоқ хўжалиги ерларидан унумли фойдаланиш мақсадида ҳокимликлар томонидан фермер ва деҳқон хўжаликларига тарқатилмаган ерларни аниқлаб, уларни ўз эгаларига тарқатиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун

- фермер хўжаликлари ёки бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига, юридик ва жисмоний шахсларга тарқатилмаслик сабабларини тегишли мутассадилар иштирокида таҳлил қилиш;

- тарқатилмасдан эгасиз турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага бериш бўйича кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда тегишли чора-тадбирлар белгилаш;

- ҳокимликларининг веб-сайтларида фермер хўжаликларни ташкил этиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумотлар базасини янгилаб бориш.

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси маълумотлари.

Фермер, деҳқон ва бошқа қишлоқ хўжалиги субъектлари томонидан ерлардан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича масъулиятларини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1) ер ресурсларидан мақсадли фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида ернинг тупроқ унумдорлигини ўстиришга эришган фермер, деҳқон хўжаликларини, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ер тўлови имтиёзларини жорий этиш, бунинг учун рағбатлантириш жамғармаларини ташкил қилиш ҳамда ернинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш тадбирларини амалга оширишлари учун хўжаликларни имтиёзли кредитлаш;

2) ердан самарасиз фойдаланиш сабаблари ва шароитларини бартараф қилиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш керак:

- ер бериш тизимини малакали кадрлар билан таъминлашни кучайтириш;

- ердан нотўғри фойдаланиш натижасида келтирилган зарарни ҳисоблашни илмий асослаш;

- ер мониторинги, назорати ва экспертизасининг ягона ҳуқуқий асосини яратиш;

3) ердан оқилона фойдаланиш талабларини бузишнинг олдини олиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- ердан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб қўйиш, чеклаш;

- хўжаликни қайта, ернинг тупроқ хусусиятига мос экинлар экишга қайта ихтисослаштириш;

- ерни яроқсиз ҳолга айлантирган, экин экмай қаровсиз қолдирган, зарарлантирган, тупроқ унумдорлигининг ҳаддан ташқари пасайиб кетишига йўл қўйган, қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳолатини ёмонлаштириш, ажратиб берилган ерлардан хўжасизларча ва самарасиз фойдаланиш, ерларни мўлжаллангандан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, амалдаги қонунларга зид равишда қабул қилинган қарорлар асосида ер майдонлари эгаллаб олиш каби қонунбузилишларни содир этган деҳқон ва фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхонаси раҳбарлари учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш.

Шундай экан, чинакам деҳқон ва фермер узоқ муддатга фойдаланиш учун олган ернинг амалда ҳақиқий хўжайинига айланиши керак, тузилган шартноманинг барча шартлари деҳқон томонидан ҳам, хўжалик ва маҳаллий ҳокимият томонидан ҳам сўзсиз бажарилиши зарур. Шартнома мажбуриятларини бузган томон, албатта, қонун олдида жавоб бериши шарт.

Фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, уларнинг ерлардан унумли фойдаланишлари мақсадида фермерларни қишлоқ хўжалигини юритишнинг замонавий усулларига ўргатиш, уларга янги технологиялар бўйича маълумотлар бериш, тупроқ экологиясини сақлаш, жаҳон стандартларига мос келувчи экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш, хўжаликни барқарор ривожлантиришни таъминлаш, умуман олганда, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва технологик соҳалар бўйича билим ва кўникмаларини янада ошириш, уларни керакли маълумотлар билан таъминлаш лозим бўлади.

Эндиликда қишлоқ хўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида фермер хўжаликлари ўзларига бириктирилган ерлар майдонларида ирригация ва мелиорация ишларини давом эттиришлари, ерлар унумдорлигини ошириш, энг яхши агротехнологияларни жорий этиш ишлари билан шуғулланишлари даркор. Шунингдек, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, хусусан замонавий фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган, кенг кўламли вазифаларни бажарадиган кўп тармоқли хўжаликларга айлантириш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан устувор вазифа этиб белгиланди.

Бунга мувофиқ, кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини янада кучлироқ қўллаб-қувватлаш, уларнинг ерлардан унумли фойдаланишларини рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Қишлоқ хўжалигида, фермер

ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, энг муҳими қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтириш, келгусида республикамиз қишлоқ хўжалигида мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш асосида мамлакатнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим манбалари ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини талаб даражасига етказиш, шу билан бирга, уларни етиштиришга сарфланаётган харажатларни камайтиришга эришиш лозим. Бунинг учун, барча қишлоқ хўжалик ерларидан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш ни таъминлаш учун ерларнинг мелиоратив ҳолатини муттасил яхшилаш чора-тадбирлари амалга оширилиши муҳим ҳисобланади. **Мелиорация** (лот. *melioration* – яхшилаш) – ернинг табиий шароитларини тубдан яхшилаб, деҳқончиликка мослаш ва ҳосилдорлигини оширишга қаратилган тадбирлар тизимидир.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттириш муҳим устувор вазифа қилиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов «Минг афсуски, биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, саноат билан бир каторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда»⁵⁷, - деб таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932 сонли «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا, 2008 йил 19 мартдаги ПҚ-817-сонли «2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг

⁵⁷ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011. 26-бет.

мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги мутахассислари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Вилоят ҳокимликлари билан биргаликда «Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008-2012 йилларда яхшилаш бўйича чора-тадбирлар» Дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Дастурда белгиланган мелиоратив ишларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан 748,6 млрд сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. «Узмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси ҳамда 49 та давлат унитар корхоналари ташкил этилди (қаранг:4.1.1-жадвал).

«2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг давлат дастури» асосида мелиоратив тадбирларга ажратилган маблағлар (млрд сўм)⁵⁸

4.1.1-жадвал

№	Тадбирлар номи	2008й	2009й	2010й	2011й	2012й	2008-2012й Жами
1	Реконструкция қилиш ва қуриш ишларига	22,4	54,5	63,8	81,6	85,2	307,5
2	Таъмирлаш ва тиклаш ишларига	38,6	48,1	59,2	77,0	90,6	313,5
3	Лизинг асосида мелиоратив техника етказиб беришга	29,3	25,4	27,2	20,0	25,7	127,6
	Жами	90,3	128,0	150,2	178,6	201,5	748,6

Жадвал маълумотлари маблағларнинг 41,9% реконструкция қилиш ва қуриш ишларига, 41,1%га яқини таъмирлаш ва

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

тиклаш ишларига, 17,0% лизинг асосида мелиоратив техника етказиб беришга йўналтирилганлигини кўрсатмоқда.

Дастур доирасида 3,56 минг км коллектор-дренаж тармоқлари, 143 дона мелиоратив насос станциялари, 797 дона вертикал дренаж қудуқларида реконструкция ва қуриш ишлари бажарилди. Тизимли равишда таъмирлаш-тиклаш ишлари

67205 км очик ва ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари, 5407 дона вертикал дренаж қудуқлари, 194 дона мелиоратив насос станциялари, 5426 та қувурли ўтиш жойларида амалга оширилди. «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси томонидан 2008-2012 йилларда 1450 та мелиоратив техникалар, шу жумладан, 600та экскаваторлар, 180 та бульдозерлар, 670 та бошқа техникалар етказиб берилди⁵⁹.

Ўзбекистонда ҳар йили 5,0 минг км магистрал каналлар, 16,0 минг км суғориш ва нов тармоқлари, 10 минг дона гидротехник иншоотлар ва гидропостлар тозаланади ва таъмирланади. Сўнгги йилларда 1,5 минг км каналлар, 400 йирик гидротехник иншоот, 200 насос станциялари, 386,0 минг га суғориладиган ерлар реконструкция қилинди. Каналлар ва гидротехник иншоотлар техник ҳолати яхшиланди. Сувни тезкор бошқариш ва истеъмолчиларга ўз вақтида кафолатли сув етказиб бериш имконияти яратилиб, суғориш тармоқларидаги техник ва фильтрацияга йўқолишлар камайтирилди⁶⁰.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1958-сонли қарорига асосан «2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар» давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилмоқда. Ушбу дастурга кўра 2013-2017 йиллар давлат Дастури доирасида 2333 км суғориш тармоғида ва 143 дона насос станциясида қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга ошириш белгиланган. Таъмирлаш-тиклаш ишлари эса 29258 км

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

суғориш тармоғида, 21146 дона гидротехникларда, 45549 дона гидротехник иншоотларда олиб борилади. Дастурда қуриш ва реконструкция қилиш ишларини 5109 км коллектор-дренаж тармоқларида, 35 дона мелиоратив насос станцияларида, 907 дона вертикал дренажларда амалга ошириш мўлжалланган. Шунингдек, 83589 км коллектор-дренаж тармоқларида, 3639 дона тик дренажларда, 126 дона мелиоратив насос станциясида таъмирлаш ва тиклаш ишларини бажариш белгиланган. Дастур доирасида 836 дона янги мелиоратив техникаларни, жумладан, 303 та экскаватор, 109 дона бульдозер ҳамда 424 дона бошқа техника ва механизмларни етказиб бериш режалаштирилган.

2013–2017 йилларда суғориладиган ерларни мелиоратив жиҳатдан яхшилаш чора-тадбирлари дастури ирригация иншоотлари комплексини қуриш ва реконструкция қилишни ҳамда янада замонавий, энергияни тежайдиган асбоб-ускуналар ўрнатишни назарда тутди. Бундан мақсад – 5 йил давомида 1 миллион 400 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишни таъминлашдан иборатдир. Сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ишларини давом эттириш, жумладан, боғлар ва узумзорларни томчилатиб суғориш тизимларини кенгайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса ҳар йили 1 миллиард кубометргача сувни тежаш имконини беради.

Мазкур давлат дастури доирасида 2013-2015 йилларда 2575 км очик коллекторлар; 487 км ёпик-ётиқ дренаж тармоқлари; 27 дона мелиоратив насос станцияси; 399 дона мелиоратив тик қудуқлар; 141 дона гидротехник иншоотларида қуриш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Шунингдек, таъмирлаш-тиклаш ишлари 36960 км очик коллекторлар; 1600 км ёпик-ётиқ дренаж тармоқлари; 52 дона мелиоратив насос станцияси; 1330 дона мелиоратив тик қудуқлар; 4700 дона гидротехник иншоотларида бажарилди. Дастур доирасида 2013-2015 йилларда 477 дона янги мелиоратив техникалари харид қилинди.

2013-2015 йилларда 890,2 км каналлар; 192,9 км лоток тармоқлари; 42 дона гидротехник иншоотлар; умумий қуввати 32,9 м³/сек насос станциялар; 48,3 км узунликда босимли қувурлар; 25,4 км қирғоқ ҳимоя ишлари; 325 млн.м³ сифимли сув омборлари қурилди ва реконструкция қилинди⁶¹.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини янада ошириш мақсадида 2013-2017-йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш давлат дастурини амалга ошириш доирасида 2016-йилда узунлиги 856,3 километрлик коллектор, 322,6 километр ёпик коллектор-дренаж тармоқлари, 233 вертикал дренаж қудуғи, 12 та мелиоратив насос станцияси, 357,4 километр канал, 70,8 километр суғориш лоток тизими барпо этилди ва реконструкция қилинди⁶².

2013-2015 йилларда амалга оширилган тадбирлар натижасида *ўрта ва кучли шўрланган* ер майдонлар 81,3 минг гектарга, *сизот сувлари сатҳи 2 метргача* бўлган майдонлар 127,3 минг гектарга қисқарди.

Ўзбекистонда 2008 йилдан буён мелиоратив тадбирларнинг бажарилиши натижасида 844,2 минг гектар суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати ва 545,3 минг гектар ер майдонларини сув таъминоти яхшиланди⁶³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

⁶² Ўзбекистон Республикасини 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

хўжалиги техникасидан фойдаланиш; юқори махсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ериклим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда ҳайвонот турларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш; глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи ҳалокатининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш белгиланган⁶⁴.

Республикада ердан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалигида яроқли ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда юзага келаётган асосий тўсиқлардан бири - ер майдонларининг шўрланиш даражасининг ортиб бориши ҳисобланади. Бунда суғориладиган майдонларда коллектор зовурлар тармоғини тўлиқ қайта қуриш, бошқа майдонларда эса коллектор-зовурлар тармоғини таъмирлаш ишларини амалга ошириш орқалигина ер майдонларига сарф қилинган маблағлар қайтимига эга бўлиш мумкин;

- ер майдонлари шўрланишига қарши курашда иккиламчи шўрланишнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу вазифани амалга ошириш учун фермер хўжаликларига тегишли бўлган ички хўжалик зовурлари, шунингдек, хўжаликлараро зовур тармоқларини тозалаш ишларини бажариш талаб этилади;

- қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишни таъминлашда шўр ювиш ишларининг сифати ва тупроқ таркиби, шўрланиш даражаси, ер майдонлари рельефини инobatга олган ҳолда амалга ошириш лозим;

- республика қишлоқ хўжалигида ерлари эрозияга мойил бўлган ҳудудлар кўплиги, эрозияга қарши тадбирлар

⁶⁴ «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»// Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. 2017 йил 7 февраль.

амалга оширилишини такозо этади. Шамол эрозиясига мойил бўлган ерларни рекультивация қилиш ва ихота дарахтзорларини барпо этиш - биринчи даражали ишлардан ҳисобланади. Бунда адир ерларда зинапоялар ташкил этиш, каналлар ва жарликлар ёқалаб дарахтзорлар барпо этиш шамол кучи юқори бўлган туманлар учун муҳим аҳамиятга эга. Енгил кумли таркибга эга бўлган тупроқли ерларда оралиқ экинлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

- янгидан ўзлаштирилаётган ерларда тупроқни маданий-лаштириш, унумдор чириндили қатлам ҳосил қилишга алоҳида аҳамият бериш лозим. Янги ўзлаштирилган ерларда дастлабки 5-6 йил мобайнида буюртма асосида режалаштириладиган кишлок хўжалиги экинлари эмас, тупроқ унумдорлигини оширувчи дуккакли экинлар экиш мақсадга мувофиқ;

- сув танқислиги сезилаётган ҳозирги даврда экинларни суғоришда янги технологияларни қўллаш хўжаликларга иқтисодий жиҳатдан самара келтириши билан биргаликда, сув эрозиясига қарши курашда ҳам катта самара беради. Бунда ер майдонларининг жойлашиш ўрни, рельефи, тупроқнинг механик таркибига боғлиқ равишда ўқариқларни белгилаш, суғориш меъёрларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга;

- сўнгги йилларда экин майдонларининг унумдорлиги пасайиб бораётганлигида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб бораётганлиги билан бир қаторда алмашлаб экиш тизимининг издан чиқиши ҳам сабаб бўлган. Айниқса, экин майдонлари таркибида беда экини майдонлари камайиб бориши, тупроқ табиий унумдорлигини экологик жиҳатдан ўта хавфсиз усуллар ёрдамида ошириш имкониятини кескин чеклаган.

Шу боисдан ҳам илмий асосланган алмашлаб экиш тизимини жорий этиш ўта долзарб масалалардан ҳисобланади. Айниқса, пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган кўплаб фермер хўжаликларида алмашлаб экиш тизими умуман кўзда тутилмасдан қолмоқда. Чунки, фермер ижарага олган ер майдонига тўлиқ ихтисослигида кўзда тутилган экин экилиши (давлат буюртмасига кирган кишлок хўжалиги экинлари) маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан доимий равишда назорат қилиниб борилмоқда.

Сувдан фойдаланувчи фермер ва деҳқон хўжалиklarининг сувдан фойдаланиш режаларида қуйидаги тадбирлар ўз аксини топмоғи лозим:

- қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун белгиланган суғориш режимларига риоя этиш ва суғориш усулларининг оптимал жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган лимит доирасида сувдан оқилона ва тежаб-тергаб фойдаланиш;

- суғориш тармоқлари ва экин майдонларида сувнинг исроф бўлишини (ерга шимилиб кетиши, буғланиши, белгиланган муддатдан ортиқ оқиши, ўқариклар ва эгатларни ювиб кетиш) максимал даражада камайтириш ва суғориш техникасини мукамаллаштириш;

- суғоришни механизациялаштириш ва суғоришнинг илғор усулларини қўллаш орқали тупроқнинг ҳосилдор зарраларини ювилиб кетишига йўл қўймаслик ва бошқалар.

Хўжалик юритишнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш амалий жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ер майдонларидан унумли фойдаланишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бунинг натижасида экин майдонларини кенгайтирмасдан, улардан интенсиф ва унумли фойдаланишга эришилади. Шу билан бирга, ер турларини оқилона, тўғри жойлаштириш натижасида тупроқ-иклим шароитларини, жойнинг рельефини, ишлаб чиқаришни иқтисодий рентабелли ташкил этиш талабларини ва бошқаларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Иқтисодий жиҳатдан асосланган ва ишлаб чиқариш нуктаи-назаридан, ердан ўта самарали фойдаланишга эришилади. Бу эса, ўз навбатида қишлоқ хўжалигида ер майдонларининг кўпайиши билан баробардир. Масалан, кўп йиллик мевали дарахтзорларни суғориладиган текислик майдонларидан тоғ олди ва тоғли минтақаларга кўчириш ҳисобига пахта мажмуасидаги ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари учун катта майдонлардаги суғориладиган ерларни бўшатиш мумкин бўлади; пахта мажмуасидаги экинларни кумли, тошли ва бошқа яроқсиз ерлардан анчагина унумдор ерларга кўчириш деҳқончилик маҳсулотлари миқдорларини ошириш имконини беради.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим йўли - бу пахта, шоли, сабзавот ва

бошқа мажмуалардаги илмий асосланган алмашлаб экишлар асосида экин майдонларининг таркибини такомиллаштиришдан иборатдир. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширади, чорвачиликни ривожлантириш учун мустаҳкам ем-хашак базасини яратади, тупроқ унумдорлигини оширади. Аммо эътироф этиш зарурки, кейинги йиллари ушбу масалага эътибор сусайди. Суғориладиган майдонларда қисман бўлса-да, тадбиқ қилиниб келинаётган алмашлаб экишлар издан чиқди. Тўғри, республикамиз аҳолисини дон ва дон маҳсулотлари билан тўлароқ таъминлаш, дон мустақиллигига эришиш учун 90-йиллардан кейин пахта майдонлари қисқариб, дон майдонлари кенгайди. Лекин қишлоқ аҳолиси томорқа ерларининг кенгайтирилиши, қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишни турли шакллари жорий этила бошланиши, хўжалик юритиш шакллариинг ўзгарганлиги, жумладан, ширкатлар, фермер хўжаликлари ташкил этилиши каби объектив ҳамда бошқа субъектив сабабларга кўра ушбу алмашлаб экишлар ҳам қишлоқ хўжалигига тўла жорий этилмади. Бундан ташқари, қатор хўжаликларда "бедасиз алмашлаб экиш"ни қўлланилиши тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетишига, вилт касаллигининг тарқалишига, пахта ҳосилдорлигининг камайишига, тола сифатининг бузилишига олиб келди.

Суғориладиган ерлар унумдорлигини тиклаш ва оширишнинг асосий йўлларида бири, юқорида таъкидланганидек, хўжаликларнинг ихтисосликларига қараб изчиллик билан алмашлаб экишни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги экинлари структурасини такомиллаштиришдан иборатдир.

Албатта, янги типдаги турли қишлоқ хўжалиги корхоналари майдонларида илмий асосланган алмашлаб экишни тўғри жорий этиш, уни амалга оширишни йўлга қўйишда, энг аввало, майдонларни ташкил этиш лойиҳаларини, яъни ички хўжалик ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Шу билан бир вақтда, шуни ҳам аниқ эътироф этиш зарурки, юқорида қайд қилинган қатор сабабларга кўра кўпчилик ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари катта ҳажмда зарурий ўзгаришлар киритишни талаб қилмоқда.

Шу сабабли ҳам республика "Ер ресурслари" Давлат кўмитаси, унинг вилоятлардаги бошқармалари, "Ўздаверлойиха" институти ва унинг вилоятлардаги бўлинмалари олдида хўжаликларнинг ихтисосликларига мос алмашлаб экишларни қўллаган ҳолда ўз мазмуни ва моҳияти бўйича янги типдаги майдонларни ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш каби катта вазифалар туради. Тупрок унумдорлигини тиклаш ва уни ошириш, ерларни шўрланишдан ёки қайта шўрланишидан қисман бўлса ҳам сақлаш давлат аҳамиятига молик масала деб қаралса, алмашлаб экишни жорий қилиш асосида майдонларни ташкил этиш лойиҳасини амалиётга тўла тадбиқ қилиш ҳам давлат томонидан қатъий назорат қилиниши зарур.

Суғориладиган ерлар самарадорлигини ошириш мақсадида, ноанъанавий, шўрга чидамли ер ёнғоқ, нўхат, кунгабоқар етиштириладиган майдонларни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, кузги дон ўрнига такрорий экинлар етиштиришни қатъий йўлга қўйиш зарур. Такрорий экин сифатида асосан соя, кунгабоқар, кунжут, дон ва силос учун маккажўхори етиштириш яхши самара беради. Шунингдек, тупрок унумдорлигини ошириш ва чорвачиликни мустаҳкам ем-хашак базаси билан таъминлаш учун оралиқ экинларини ҳам экишни йўлга қўйиш зарур.

Қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришни механизациялаштиришга, бунинг учун соҳада фаолият юритувчи хўжалик субъектларини қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизмлар билан таъминлашга боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ва тармокни янада ривожлантиришнинг яна бир йўналиши уни янги техника ва технологиялар билан қайта жиҳозлаш ҳисобланади. Чунки республика қишлоқ хўжалигида барча русумдаги тракторларнинг 47%, шу жумладан, чопиқ тракторларининг 38 фоиздан ортиги ва ер ҳайдайдиган тракторларнинг 43 фоизи 16 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатилмоқда. Улар белгиланган фойдаланиш муддатини аллақачон ўтиб бўлган. Тракторлар қуввати, иш

унуми ва ёқилғи истеъмол қилиш бўйича замонавий стандартларга жавоб бермайдиган эски техникалар ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, 2010-2013 йилларда 23181 та қишлоқ хўжалиги техникаси, шу жумладан, 18905 таси лизинг асосида, 3614 таси банк кредитлари, 660 таси эса хўжаликларнинг ўз маблағлари ҳисобидан харид қилинган (4.1.2-жадвал).

2010-2013-йилларда қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш⁶⁵.

4.1.2-жадвал

Харид қилиш шакли	2010 йил		2011 йил		2012 йил		2013 йил	
	Сони, дона	Сум-маси, млрд. сум	Сони, дона	Сум-маси, млрд. сум	Сони, дона	Сум-маси, млрд. сум	Сони, дона	Сум-маси, млрд. сум
Лизинг ҳисобидан	5612	129.3	4932	142.7	3690	134.2	4671	168.2
Банк кредитлари ҳисобидан	325	54	163	63.8	1263	72.4	1863	134.4
Ўз маблағлари ҳисобидан	239	2.1	48	2.9	255	4.1	120	10.2
Жами:	6176	185.4	5143	209.4	5208	210.7	6654	312.8

Эндиликда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги машина-созлиги ва тракторсозлик саноати корхоналарини, жумладан, Тошкент трактор заводи, Тошкент қишлоқ хўжалиги машина-созлиги заводи, Тошкент агрегат заводи, Ўзбек қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи ва бошқа корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш асосида қишлоқ хўжалиги техникалари ва механизмларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш давлат дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш лозим.

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув вазирлиги маълумотлари.

Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш унинг моддий-техника базасини ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга боғлиқдир.

Мамлакатимиз иқтисодиётимизни модернизация қилиш шароитида қишлоқ хўжалиги субъектларини, шу жумладан, фермер хўжаликларининг моддий таъминотини ва уларга хизмат кўрсатишни ривожлантириш куйидаги йўналишларда амалга оширилиши лозим бўлади:

- хар бир қишлоқ хўжалиги ҳудудига мос ва иқтисодий самарали бўлган механизация тизимини шакллантириш;

- ишлаб чиқариш бино ва иншоотлар қурилишига амалий ёрдам кўрсатиш, моддий-техника ресурсларини харид қилиш ва фойдаланишда имтиёзлар жорий қилиш хизмат кўрсатиш ва таъминот йўналишидаги корхона ҳамда ташкилотларни самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш ҳамда янада ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун моддий-техника ресурслари бозорини шакллантириш ва барқарор ривожлантириш лозим бўлади.

Асосий турдаги моддий-техника ресурсларини ишлаб чиқариш ва таъминлашга ихтисослашган корхоналарнинг монопол ҳолатига барҳам бериш мақсадида уларга турдош ва рақобатбардош бўлган тармоқларни фермер хўжаликларига яқин ва қулай жойларда ташкил этиш ва ривожлантириш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан фермерларга кўрсатилаётган хизмат ва етказиб берилаётган маҳсулотларнинг нархлари ўртасидаги мутаносибликка эришиш, моддий ресурслар бозорида ҳақиқий талаб ва таклиф муносабатларини шакллантириш айрим турдаги моддий ресурсларни ўзимизда ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги моддий-техника ресурсларига бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида ва сифатли қондиришга интилувчи фермерларга кредит, лизинг ва ипотека муносабатларини такомиллаштириш.

Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш унга хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг ривожланиш даражасига ҳам боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигига хизмат

кўрсатувчи инфратузилма субъектлари фаолиятида кейинги йилларда ижобий тенденциялар юз бермоқда.

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатадиган инфратузилма субъектлари фаолиятида камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қўйидагилардан иборат:

- инфратузилма субъектлари ва фермер хўжаликлари ўртасида шартномаларни аниқ бир тизим асосида тузилмаслиги натижасида томонлар ўртасида ўз мажбуриятларини бажарилишига масъулиятсизлик билан қаралиши;

- инфратузилма субъектларида сарф-харажатлар устидан доимий мониторинг олиб борилмаслиги (туманлар микёсида фермер хўжаликлари кесимида);

- инфратузилма субъектларида кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар бўйича аниқ ҳисоб-китобни юритилмаслиги натижасида дебитор ва кредитор қарздорликнинг мавжудлиги;

- инфратузилма субъектлари раҳбарлари томонидан дебитор ва кредитор қарздорликларни камайтириш борасида аниқ тадбирларни (инкассага қўйиш, олдиндан пул туширилишини талаб қилиш ва бошқалар) етарли даражада амалга оширилмаслиги;

- инфратузилма субъектлари раҳбарлари ва бош мутахассисларнинг касбий малакасини ошириш, захира кадрларни тайёрлаш борасида аниқ тадбирлар ишлаб чиқилмаганлиги;

- жойларда инфратузилма субъектларининг самарали фаолият кўрсатишига (зарур бино-иншоотлар билан таъминлаш, бошланғич молиявий ёрдам кўрсатиш, кадрлар билан таъминлаш ва бошқалар) маҳаллий ҳокимиятлар томонидан амалий ёрдамнинг кўрсатилмаслиги.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

- фермер хўжаликларини таъминот, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш соҳаларидаги хўжалик субъектлари билан шартномавий муносабатларни вазирликнинг 2008 йил 15 сентябрдаги 155-сонли буйруғи асосида тизимли ташкил этилишини таъминлаш;

- муқобил машина-трактор паркларини самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида мах-

сус чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни бажарилишига амалий ёрдам кўрсатиш;

- туман марказлари ва қишлоқ хуудларида фаолият кўрсатаётган ресурс марказларининг ишларини кучайтириш мақсадида уларни замонавий оргтехника, етук кадр ва тегишли маълумотлар билан таъминлашга амалий ёрдам кўрсатиш;

- қишлоқда бозор инфратузилмаси субъектлари – «маслаҳат-ахборот» марказлари, суғурта, маркетинг, молиявий уюшмалар ва жамғармаларни ташкил этиш ҳамда бошланғич фаолиятларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш;

- қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликларида давлат хариди учун пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштириш юзасидан барча ҳисоб-китобларни моддий сарф-харажатлар мониторингини юритиш тартибига мувофиқ олиб борилишини таъминлаш;

- қишлоқ хуудларидаги инфратузилма объектларида меҳнат қилаётган ишчи-мутахассислар, шунингдек коллежларда таълим олаётган талабалар учун уларнинг касбий малакасини ошириш мақсадида қисқа муддатли кўргазмали ўқув семинарларини доимий ўтказиб борилишини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатиш.

4.2. Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш истикболлари

Ўзбекистоннинг суғориладиган минтақаларида қишлоқ хўжалик озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг йил сайин ошириб бориши, биринчи навбатда, у ерда мавжуд бўлган ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга узвий боғлиқдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш қатор омиллар мажмуаси билан аниқланади, қайсики, булар ичида тупроқ унумдорлигини ошириш ва экинлар структурасини яхшилаш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланган. Бу борадаги стратегик вазифалардан бири пахта майдонларини босқичма-босқич қисқартириб бориш эвазига унинг ўрнида озиқ-овқат экинлари майдонларини кенгайтириб боришдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, яқин ўтган йиллар мобайнида пахта майдонларини қисқартириш юзасидан маълум чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги фармонларига мувофиқ 2009 йил ҳосилидан бошлаб 75,8 минг гектар пахта майдони қисқартирилиб, унинг ўрнида озик-овқат экинлари экилиши белгилаб берилган бўлса, 2012 йил ҳосилидан бошлаб яна 30,1 минг гектарга қисқартирилди. Худди шу йилдан бошлаб 3 та туман, яъни Асака, Жомбой ва Янгийўл туманларида пахта тўлик чиқариб ташланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 29 декабрида қабул қилинган «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли қарорига мувофиқ пахта майдонларини 2016 йил ҳосилидан бошлаб 5 йил давомида 170,5 минг гектарга, пахта хомашёси етиштириш миқдори эса 350 минг тоннага камайиб боради (қаранг:4.2.1-жадвал)⁶⁶.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов «Бу жараёнда, албатта, аввало, мамлакатимиз бўйича пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 26,1 центнерни ташкил этиб турган бир пайтда ҳосилдорлиги 12-15 центнердан ошмайдиган паст бонитетли ерларни пахтадан бўшатишга эътибор қаратилади. Асосан шўрланган, шунингдек, пахта етиштиришга яроқсиз бўлган тоғолди ерларига ғўза экилмайди. Бундай қарорга келишимизнинг яна бир сабаби борки, у ҳам бўлса, сўнгги йилларда жаҳон бозорида пахта толасининг нархи ва унга бўлган талабнинг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқдир»⁶⁷, -деб таъкидлаган.

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 29 декабрида қабул қилинган «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли қарори.

⁶⁷ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир: Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуллари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. – Т.: «Ўзбекистон», 2016 – 38-бет.

Республикада 2016-2020 йилларда пахта экин майдонлари ва маҳсулот етиштириш

ҳажмларини оптималлаштириш кўрсаткичлари

4.2.1-жадвал

Худудлар	Жами		Шу жумладан йиллар бўйича									
	мақбуллаштириш		2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил	
	Майдон, минг га	Ҳажми, м.тн	Майдон, минг га	Ҳажми, м.тн	Майдон, минг га	Ҳажми, м.тн	Майдон, минг га	Ҳажми, м.тн	Майдон, минг га	Ҳажми, м.тн	Майдон, минг га	Ҳажми, м.тн
Қорақалпоғистон Республикаси	7,0	10,0	1,2	1,8	1,4	2,0	1,4	2,0	1,5	2,1	1,5	2,1
Андижон	11,2	30,0	2,0	5,4	2,2	6,0	2,2	6,0	2,4	6,3	2,4	6,3
Бухоро	10,0	31,0	1,8	5,6	2,0	6,2	2,0	6,2	2,1	6,5	2,1	6,5
Жиззах	22,5	35,0	4,1	6,4	4,4	7,0	4,4	7,0	4,8	7,3	4,8	7,3
Қашқадарё	18,4	27,0	1,2	4,0	1,7	5,4	3,7	5,4	1,9	5,7	1,9	5,7
Навоий	3,4	8,0	0,6	1,4	0,7	1,6	0,7	1,6	0,7	1,7	0,7	1,7
Наманган	10,1	27,0	1,7	4,8	2,0	5,4	2,0	5,4	2,2	5,7	2,2	5,7
Самарқанд	16,2	31,0	2,8	5,6	3,2	6,2	3,2	6,2	3,5	6,5	3,5	6,5
Сурхондарё	14,3	35,0	2,5	6,7	2,9	7,0	2,9	7,0	3,0	7,4	3,0	7,4
Сирдарё	22,7	33,0	4,3	6,0	4,5	6,6	4,5	6,6	4,7	6,9	4,7	6,9
Тошкент	13,4	30,0	2,4	5,4	2,7	6,0	2,7	6,0	2,8	6,3	2,8	6,3
Фарғона	12,5	33,0	2,3	6,0	2,5	6,6	2,5	6,6	2,6	6,9	2,6	6,9
Хоразм	8,8	28,0	1,6	3,6	1,8	4,0	1,8	4,0	1,8	4,2	1,8	4,2
Жами	170,5	350,0	30,5	63,0	34,0	70,0	34,0	70,0	36,0	73,5	36,0	73,5

**Ўзбекистон Республикаси бўйича 2016-2020 йилларда
бошоқли дон экин майдонлари ҳажмини
оптималлаштириш кўрсаткичлари⁶⁸**

4.2.2-жадвал

Худудлар	Жами оптималла штирилган майдон, минг га	Шу жумладан йиллар бўйича			
		2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Андижон вилояти	4,0	0,8	1,2	1,2	0,8
Бухоро вилояти	5,0	1,0	1,5	1,5	1,0
Жиззах вилояти	5,0	1,0	1,5	1,5	1,0
Қашқадарё вилояти	4,0	0,8	1,2	1,2	0,8
Наманган вилояти	5,0	1,0	1,5	1,5	1,0
Самарқанд вилояти	6,0	1,2	1,8	1,8	1,2
Сурхондарё вилояти	5,0	1,0	1,5	1,5	1,0
Сирдарё вилояти	5,0	1,0	1,5	1,5	1,0
Тошкент вилояти	6,0	1,2	1,8	1,8	1,2
Фарғона вилояти	5,0	1,0	1,5	1,5	1,0
Жами	50,0	10,0	15,0	15,0	10,0

Пахта ва бошоқли дон экинларидан бўшайдиган суғориладиган ерларда, аввало, сабзавот ва картошка, шулар қаторида озуқа экинлари, ёғ-мой олинадиган ва бошқа ўсимликлар экилади ва узумзорлар барпо этилади (қаранг: 4.2.3-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2016-2020 йиллар давомида жами пахта ва ғалла ҳисобига камайтириладиган 220,5 минг гектар экин майдонларининг 36 минг гектарида (16,3%) картошка, 91 минг гектарида (41,2%) сабзавотлар, 18 минг гектарида (8,1%) интенсив боғлар, 50,3 минг гектарида (22,8%) озуқа экинлари, 14 минг гектарида (6,3%) мойли экинлар ва 11,2 минг гектарида (5%) бошқа озик-овқат экинлари жойлаштирилади.

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йилнинг 29 декабрида қабул қилинган «2016-2020 йилларда кишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли қарорига илова.

**Ўзбекистон бўйича 2020 йилда экин майдонларини
оптималлаштиришнинг якуний прогноз кўрсаткичлари
(минг гектар)⁶⁹**

4.2.3-жадвал

Худудлар	Жами опти- мал- лаша диган май- дон- лар, минг га	Шу жумладан экинлар бўйича		Оптималлашадиган экин майдонларида жойлаштириладиган экин турлари					
		пах- та	Сув ли гал- ла	Кар- тош- ка	Саб- за- вот- лар	Ин- тен- сив боғ- лар	Озу- қа экин- лар	Мой- экин- лар	Бош- қа экин- лар
Қорақалпо- ғистон Рес- публикаси	7,0	7,0		1,5	2,2	0,5	0,7	0,9	1,2
Андижон	15,2	11,2	4,0	2,8	6,4	1,6	2,6	1,1	0,7
Бухоро	15,0	10,0	5,0	2,4	7,1	1,2	3,1	0,8	0,4
Жиззах	27,5	22,5	5,0	4,0	11,0	1,5	7,8	1,6	1,6
Қашқадарё	22,4	18,4	4,0	2,3	9,7	1,8	5,1	1,8	1,7
Навоий	3,4	3,4		0,5	1,4		1,0	0,5	
Наманган	15,1	10,1	5,0	3,0	5,8	1,6	2,1	0,8	0,8
Самарқанд	22,2	16,2	6,0	4,2	8,3	2,0	6,3	0,7	0,7
Сурхондарё	19,3	14,3	5,0	3,0	8,7	1,8	4,0	1,2	0,6
Сирдарё	27,7	22,7	5,0	3,8	10,1	1,6	8,8	2,1	1,3
Тошкент	19,4	13,4	6,0	4,0	7,5	2,3	4,0	1,0	0,6
Фаргона	17,5	12,5	5,0	4,1	7,0	1,8	3,3	0,6	0,7
Хоразм	8,8	8,8		0,4	4,8	0,3	1,5	0,9	0,9
Жами	220,5	170,5	50,0	36,0	91,0	18,0	50,3	14,0	11,2

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йилнинг 29 декабрида қабул қилинган «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли қарорига илова.

Экин майдонларини оптималлаштирилиши ва замонавий агротехнологияларнинг жорий этилиши натижасида 2020 йилда бошоқли дон етиштиришни 16,4 фоизга ошириб, унинг ҳажмини 8 миллион 500 минг тоннага етказиш, картошка етиштиришни 35 фоизга, сабзавотни 30 фоизга, мева ва узумни 21,5 фоиз, гўшт етиштиришни 26,2 фоизга, сутни 47,3 фоиз, тухумни 74,5 фоизга кўпайтириш, балиқ етиштиришни 2,5 мартага ошириш кўзда тутилмоқда. Айни пайтда ана шу турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини сезиларли даражада ўстириш ҳам режалаштирилган.

Бунда 2016-2020 йиллар мобайнида пахта экиладиган майдонлар 2015 йилдаги 1285,5 минг гектардан, 2020 йилга бориб 1115 минг гектарга камайгани ҳолда ҳосилдорлик гектарига 26,1 центнердан 26,9 центнерга ортади. Бошоқли ғалла экинлари 2015 йилдаги 1329,5 минг гектардан 2020 йилга келиб 1279 минг гектарга камаяди, ҳосилдорлик эса гектарига 54,9 центнердан 66,4 центнерга, яъни 121 фоизга ортади (қаранг:4.2.4-жадвал). Пахта ва бошоқли дон экинлари оптималлашадиган майдонларга жойлаштириш белгиланган сабзавот, картошка, мойли ва озуқабоп экинларни экиш, янги боғ ва тоқзорларни барпо қилишни ҳар бир фермер хўжалиги бўйича назоратга олинади.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2016-2020 йилларда картошка, сабзавотлар, полиз, мевалар, узум ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари бўйича ҳам нафақат экин майдонлари балки уларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам ортиши кўзда тутилган. Бундай кўрсаткичларга ишлаб чиқаришга интенсив ва ресурстежовчи замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳамда ишчи-ҳодимлар меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади.

**2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги экинлари
майдонлари, ҳосилдорлиги ва маҳсулот миқдорининг
прогноз кўрсаткичлари⁷⁰**

4.2.4-жадвал

Қиш- лок хўжали- ги экин- лари	2015й. (амал- да)	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2020 йилда 2015 йилга нисба- тан, +/-
Майдон, минг гектар							
Пахта	1285,5	1255,0	1221,0	1187,0	1151,0	1115,0	-170,5
Бугдой	1329,5	1329,5	1319,5	1304,5	1289,5	1279,5	-50,0
Кар- тошка	80,3	85,3	92,5	100,5	108,8	116,3	36,0
Сабза- вот	192,0	204,5	222,7	243,0	264,0	283,0	91,0
Полиз	261,9	264,4	268,0	272,0	276,1	279,9	18,0
Озука экин- лари	309,1	316,1	326,1	337,3	348,9	359,4	50,3
Мойли экинлар	14,3	16,2	19,0	22,1	25,4	28,3	14,0
Токзор- лар	144,0	145,5	147,8	150,3	152,9	155,2	11,2
Ҳосилдорлик							
Пахта	26,1	26,2	26,3	26,5	26,7	26,9	0,8
Бугдой	54,9	60,9	62,5	63,6	65,1	66,4	11,5
Картошка	218,9	224,3	226,0	227,5	229,0	230,5	11,6
Сабза- вот	277,1	286,1	288,5	290,0	292,0	294,0	16,9
Полиз	123,9	126,4	129,4	132,9	136,6	140,4	16,5
Озука экин- лари	225,0	228,0	231,0	234,0	237,0	240,0	15,0

⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йилнинг 29 декабрида қабул қилинган «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонля қарорига илова.

4.2.4-жадвалнинг давоми

Мойли экинлар	17,0	18,0	19,0	20,0	21,0	22,0	5,0
Токзорлар	126,7	127,9	129,9	132,1	134,6	137,1	10,4
Ялпи ҳосил, минг тонна							
Пахта	3350	3287	3217	3147	3047	3000	-350,0
Бугдой	7305	8100	8250	8300	8400	8500	1195
Картошка	2670	2833	3010	3200	3411	3601	931,0
Сабзавот	9923	10458	11031	11651	12314	12925	3002,2
Полиз	2731	2874	2982	3109	3244	3380	648,6
Озуқа экинлари	18725	18976	19303	19662	20039	20396	1670,6
Мойли экинлар	98	110	125	132	145	160	62
Токзорлар	1556	1601	1651	1707	1769	1830	273,9

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича қуйидаги вазифалар белгиланган:

-таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш;

-пахта ва бошокли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олиналари

диган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узум-зорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш;

-фермер хўжаликлар, энг аввало, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологиялар асосида асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини тармоқларини янада кенгайтириш⁷¹.

Таъкидлаш керакки, ҳали ҳамон жаҳон молиявий-иқтисодий инкироз давом этаётган ҳамда аҳоли сонининг ўсиши билан озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ошиб бораётган ҳозирги шароитда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг оптималлаштирилиши ва соҳада маҳсулотлар таркибининг диверсификациялашиб бориши мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигини истиқболли ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мулкий муносабатлар ва хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш;

⁷¹ «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»// Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. 1-илова.

- қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш;

-замонавий агротехнологияларни ўрганиш ва амалда жорий этиш билан ўта жиддий шуғулланиш, селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш;

- қишлоқ жойларда сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалигида молия-кредит, солиқ ва суғурта тизимини такомиллаштириш;

- аграр фанини ривожлантириш ва илм-фан ютуқларини, илғор хорижий тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;

- қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромадларини ошириш.

4.3. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш истиқболлари

Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини янада жадал суръатларда кўпайтириш қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни ҳамда озиқ-овқат саноатини модернизация қилиш асосида қайта ишлаш кўламлигини кенгайтиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилд 4 март «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги ПФ-470-сонли Фармони қабул қилинди. Унга кўра Халқаро бозорда харидоргир бўлган сублимация, вакуумли кадоклаш, чуқур музлатиш ва мева-сабзавотларни замонавий қайта ишлаш усулларининг бошқа технологияларини кенг ўзлаштириш йўли билан озиқ-овқат саноатининг ишлаб чиқариш потенциалини кенгайтириш устувор вазифа қилиб белгиланган. Мазкур,

Фармон билан тасдиқланган дастурга кўра Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасига 2015-2019 йилларда янгидан бошланадиган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 355,9 млн доллар эквивалентида инвестициялар киритиш мўлжалланган. Ушбу инвестицияларнинг 142,4 млн доллари эквивалентида ўз маблағлари, 183,8 млн доллар тижорат банки кредитлари, 30,8 млн доллари хорижий инвестициялар ташкил этади (4.3.1-жадвал).

**Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасида
2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация
қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича инвестиция
лоyiҳаларининг асосий кўрсаткичлари
(млн. доллар эквивалентида)¹**

4.3.1-жадвал

Лойиҳалар номи	Умумий қиймати	Ўз маблағлари	Тижорат банки кредитлари	Хорижий инвестиция ва кредитлар
Янгидан бошланадиган инвестиция лойиҳалари, жами	356,9	142,4	183,8	30,8
шу жумладан:				
Янги қурилиш	123,8	28,2	64,9	30,8
Модернизация ва реконструкция	233,1	114,1	118,9	
Хорижий инвестиция ва	53,5			46,5

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилда 4 март «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги ПФ-470- сонли Фармонида 2-илова, 3-илова асосида муаллиф томонидан тузилди.

4.3.1-жадвалнинг давоми

кредитларни жалб этиш ҳисобига амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар, жами				
Шу жумладан:				
Янги қурилиш	53,5			46,5

2015-2019 йилларга мўлжалланган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича янгидан бошланадиган инвестиция лойиҳалари асосида янги қурилишларга жами 123,8 млн доллар, шу жумладан, 28,2 млн доллар ўз маблағлари, 64,9 млн доллар тижорат банклари кредитлари ва 30,8 млн доллар хорижий инвестиция ва кредитлари жалб этиш мўлжалланган. Хорижий инвестиция ва кредитларни жалб этиш ҳисобига амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар асосида янги қурилишларга жами 53,5 млн доллар, шу жумладан, 46,5 млн доллар хорижий инвестиция ва кредитлар жалб этиш прогнозлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли қарорининг қабул қилинганлиги катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистонда 2016-2020 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва ташиниш бўйича 17 та логистика марказларини ташкил этиш режалаштирилган. Шу даврда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида 2020 йилда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш улушини 22,2% га, гўштни қайта ишлаш улушини 18% га, сутни қайта ишлаш улушини 18,3% га етказиш мўлжалланмоқда. Бунинг натижасида 2019 йилда 2014 йилга нисбатан мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариш ҳажми 2,1 баробарга, мева шарбатлари 2,2 мартага, сут ва сут

маҳсулотлари 1,9 мартага, қуритилган мевалар, колбаса маҳсулотлари 1,7 мартага, гўштли консервалар 1,6 мартага кўп ишлаб чиқаришга эришилади. Шунингдек, тайёр мева-сабзавот консерваларини, қуритилган мевалар ва мева шарбатларини экспорт қилиш ҳажми 2,1 баробардан зиёдга оширилади¹ (қаранг: 4.3.1-чизма).



4.3.1-чизма. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш истиқболлари².

Истиқболда замонавий технологиялар асосида пахта толасини ва мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилда 6,6 марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини эса 5,7 карра ошириш имконини беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

² Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

Эндиликда озик-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, қайта ишлаш корхоналарини куриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлигини ошириш учун:

-озик-овқат саноати корхоналарини ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни янада такомиллаштириш; замонавий технологик ускуналарни лизинг асосида харид қилиш орқали тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш;

-лойиҳаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш;

-иктисодий олий ўқув юртларида Инвестицияларни лойиҳалаш бўйича иктисодчи-мутахассис кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш;

-инвестиция лойиҳаларининг ташаббускорларини ахборот-коммуникацион технологияларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш, лойиҳалар бажарилишини мониторинггини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражасини ошириш ва тармоқнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат асосида чуқур қайта ишлашга йўналтирилган корхоналар тармоғини, шунингдек, уларни саклашга ихтисослашган совутиш камералари, уларни саралаш ва қадоқлаш пунктлари ҳамда ташиш билан шугулланувчи махсус транспорт-коммуникация тармоғини кенгайтириш;

- қайта ишлаш саноатини модернизациялаш, техник ва технологик янгिलाш, илм-фаннинг ютуқлари ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жадал қўллаш. Бунда материал ва энергия сифимини пасайтириш, ресурс тежовчи кам чиқимли технологияларга, юкори унумдорликка эга бўлган минитехнологияларга устуворлик бериш;

- ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар ассортименти ва сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш мажмуалари, холдинглар, кластерлар ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини кенгайтириш.

Озик-овқат саноати корхоналарида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни яхшилаш ва унинг самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

1. Инвестиция лойиҳаларига хизмат кўрсатувчи тижорат банклари лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек маблағларни конвертация қилишнинг аниқ жадвалларини ишлаб чиқиши ва амалга оширишини ташкил қилиш.

2. Замонавий технологик ускуналарни лизинг асосида харид қилиш орқали тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш.

3. Суғурта компаниялари томонидан лойиҳа ташаббускорларига ажратиладиган кредитларни суғурталаш.

Лойиҳаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва энергия ресурслари билан таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак бўлади:

1. Инвестиция лойиҳаларида ишлаб чиқариш инфратузилмаси (ер майдони, бўш турган бино-иншоотлар, табиий газ ва электр энергияси таъминоти) ни шакллантириш, хомашё ресурслари билан таъминлашда ваколатли идоралар вакиллари таркибида экспертларнинг ҳал қилув ишчи гуруҳини ташкил этиш.

2. Инвестиция лойиҳаларини замонавий технологик ускуналар билан таъминлашда ҳамда лойиҳа олди ҳужжатлари ва бизнес-режаларни тайёрлашда бозор инфратузилмаси ташкилотлари (лизинг компаниялари, Савдо-саноат палатаси, ТИАИС вазирлиги ва бошқалар) фаолиятини такомиллаштириш.

Лойиҳалар учун мутахассис кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун эса қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан мутахассисларни жалб қилган ҳолда тизимли равишда жойларда амалий семинарлар ташкил этиш.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиялари бўйича Озик-овқат саноати корхоналари уюшмаси қошида Ўқув Маркази ташкил этиш.

3. Турли фондлар ва молия институтлари томонидан грантлар ажратил.

4. Лойиҳа ташаббускорларини хориж давлатларида малакасини ошириш ишларини амалиётга кенг тадбиқ этиш.

Лойиҳа ташаббускорларини ахборот ва маълумотлар билан таъминлаш учун:

- бозор инфратузилмаси ташкилотлари ҳамкорлигида алоҳида ИНТРАНЕТ тизимини жорий қилиш ва уни ҳуқуқий, иқтисодий маълумотлар билан бойитиб бориш;

- ички ва ташқи бозор талаб ва таклифларини ўз ичига олган маркетинг маълумотларини даврий равишда тадбиркорларга етказиб бориш;

- ОАВ да тажрибали тадбиркорлар фаолиятини кенг ёритиш, улар билан амалий мулоқотлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини узлуксиз сифатли озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, чет мамлакатларга бу борада қарам бўлиб қолмаслик ҳамда турдош товар-маҳсулотлар импортида, бозордаги салбий баланс юзага келиши, яъни *товар интервенцияси* олдини олиш мақсадида миллий озик-овқат саноатини янада жадал ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун озик-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва диверсификациялаш, замонавий техника ва технологиялар билан қайта қуроллантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим бўлади.

Озик-овқат саноати тармоқларида ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва диверсификациялаш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

- ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар ассортименти ва сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш;

- кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш мажмуалари, холдинглар, кластерлар ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини кенгайтириш.

Озиқ-овқат саноати корхоналарида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни яхшилаш ва унинг самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

1. Инвестиция лойиҳаларига хизмат кўрсатувчи тижорат банклари лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек маблағларни конвертация қилишнинг аниқ жадвалларини ишлаб чиқиши ва амалга оширишини ташкил қилиш.

2. Замоनावий технологик ускуналарни лизинг асосида харид қилиш орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш.

3. Суғурта компаниялари томонидан лойиҳа ташаббускорларига ажратиладиган кредитларни суғурталаш.

Лойиҳаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва энергия ресурслари билан таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак бўлади:

1. Инвестиция лойиҳаларида ишлаб чиқариш инфратузилмаси (ер майдони, бўш турган бино-иншоотлар, табиий газ ва электр энергияси таъминоти) ни шакллантириш, хомашё ресурслари билан таъминлашда ваколатли идоралар вакиллари таркибида экспертларнинг ҳал қилув ишчи гуруҳини ташкил этиш.

2. Инвестиция лойиҳаларини замоनावий технологик ускуналар билан таъминлашда ҳамда лойиҳа олди ҳужжатлари ва бизнес-режаларни тайёрлашда бозор инфратузилмаси ташкилотлари (лизинг компаниялари, Савдо-саноат палатаси, ТИАИС вазирлиги ва бошқалар) фаолиятини такомиллаштириш.

Лойиҳалар учун мутахассис кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун эса қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан мутахассисларни жалб қилган ҳолда тизимли равишда жойларда амалий семинарлар ташкил этиш.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиялари бўйича Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси қошида Ўқув Маркази ташкил этиш.

3. Турли фондлар ва молия институтлари томонидан грантлар ажратиш.

4. Лойиҳа ташаббускорларини хориж давлатларида малакасини ошириш ишларини амалиётга кенг тадбиқ этиш.

Лойиҳа ташаббускорларини ахборот ва маълумотлар билан таъминлаш учун:

- бозор инфратузилмаси ташкилотлари ҳамкорлигида алоҳида ИНТРАНЕТ тизимини жорий қилиш ва уни ҳукукий, иқтисодий маълумотлар билан бойитиб бориш;

- ички ва ташқи бозор талаб ва таклифларини ўз ичига олган маркетинг маълумотларини даврий равишда тадбиркорларга етказиб бориш;

- ОАВ да тажрибали тадбиркорлар фаолиятини кенг ёритиш, улар билан амалий мулоқотлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини узлуксиз сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, чет мамлакатларга бу борада қарам бўлиб қолмаслик ҳамда турдош товар-маҳсулотлар импортида, бозордаги салбий баланс юзага келиши, яъни *товар интервенцияси* олдини олиш мақсадида миллий озиқ-овқат саноатини янада жадал ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва диверсификациялаш, замонавий техника ва технологиялар билан қайта қуроллантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим бўлади.

Озиқ-овқат саноати тармоқларида ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва диверсификациялаш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

– озуқавий кўшимча бирликларга бўлган талабни маҳаллий ресурс ва имкониятлар ҳисобига қондиришга эришиш;

– арзон, қулай ва технологик эгилувчан, техник жиҳозларни яратиш машинасозлик–конструкторлик бўлимларини шакллантириш;

– тармоқларга керакли бутловчи, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш имкониятини шакллантириш;

– ички ва ташқи бозорда маҳсулот рақобатбардошлик кўрсаткичини яхшиловчи, табиий соф маҳсулот технологик ечимлар тизимини яратиш;

– импорт ўрнини босувчи сифатли хомашё бирликларини маҳаллий имконият асосида шакллантириш;

– қадоқлаш идиши, материалларни корхоналарда маҳсулот турига қараб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

– энергетик ресурслар сарф–харажатини тежаш тизимини шакллантириш.

Мамлакатимизга кириб келган ахборот технологиялари компьютер, интернет, факс, уяли алоқа тизимларидан, иқтисодий маълумотларнинг оператив илғор ахборот алмашинув тизимидан унумли фойдаланиш тармоқ диверсификациясини маълум даражада тезлаштирувчи омиллардан биридир. Чунки, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибий сифати тез бузилувчан товарлар бўлиб, бир–бири билан боғлиқ тармоқлар тезкор ахборот алмашинуви маҳсулот сифат бузилиши ва исроф бўлиши олдини олишга тўлиқ имконият яратади. Мамлакатимиз аҳолисини қишки ва баҳорги мавсумларда ҳам озиқ–овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида мева–сабзавот маҳсулотларини узоқ муддат сақлаш технологиясини яратиш ва ривожлантириш учун қуйидаги устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– мева–сабзавот маҳсулотларини узоқ муддат сақлаш технологияларини такомиллаштириш асосида қайта ишлаш мавсумийлигини узайтириш;

– фермерлар томонидан етиштириладиган ҳосилнинг транспортабеллиги, такрорий қайта ишлашга қулай ва янгилигича савдода рақобатбардош селекцион нав турларини яратиш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан йилнинг бошқа мавсумларида ҳам савдо таъминот мувозанатида сақлаш, савдо–таъминот тизимида юқори ахборот технология усулларини кўллаш³.

Бошланғич босқичда фермерлар билан озиқ–овқат саноати тармоқлари ва кундалик савдо тармоқлари орасидаги иқтисодий, молиявий тўловлар мувозанатини шакллантириш мақсадида, амалий механизмлар яратиш:

–сифат кўрсаткичлари тез бузилувчан хўл мева полиз маҳсулотларини мавсумда ва мавсумдан кейин янгилигича экспортга божхона, транспорт масалалари тезкор ҳуқуқий, молиявий, амалий имкониятлар ечими тизимини шакллантириш;

–етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тури, ҳажми, сифат кўрсаткичлари бўйича информацион маълумотларни қабул қилувчи ва савдо ва такрорий ишлаб чиқарувчи, экспорт қилувчиларга оралиқ юқори технологик алоқа маълумот банки тизимини шакллантириш;

–республика ички ва ташқи бозори талаб ва таклифи буюртмаларини шакллантирувчи ҳуқуқий кафолатга эга тезкор алоқа технологик банк маълумот тизимини шакллантириш;

–ихтисослашган савдога мослашган супермаркет, деҳқон бозори, чакана савдо, сақлаш, қайта ишлаш тармоқлари ва фермер хўжаликлар орасида тезкор ахборот алоқа маълумот тизимини шакллантириш;

–МДҲ ва бошқа импортёр давлатлар талабига эквивалент экспортёрларни, етиштирувчи ва қайта ишловчиларни шартномавий боғловчи маълумот банки тизимини шакллантириш;

–қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нобуд бўлишини олдини олувчи омборхоналарнинг сақлаш ҳажмини 3,0–3,8 млн тоннага етказиш асосида, ишлаб чиқариш мавсумийлигини 6–7 ойга узайтириш;

–вилоятларда сақлаш, қайта ишлаш, савдо тизимини кенгайтириш ҳисобига кўшимча иш жойлари яратиш;

³ Талаб ва таклиф, истеъмолчи, қайта ишловчи, экспорт қилувчилар орасида иқтисодий уйғунлик маълумотлар интернет алоқалари тизимини шакллантириш.

-агротехника тизими, соҳалараро уйғунлашув жараёнини мувофиқлаштирувчи марказ ишини фаоллаштириш.

Иқтисодийнинг глобаллашуви шароитида инвестицион лойиҳалар, шартномаларни халқаро қонунлар талаби асосида қафолатли суғурта, хавфсизлик имкониятларини яратиш долзарб масалалардан бири бўлиб, истеъмол товарлари ва хизматлар, ишлаб чиқариш омиллари, кўчмас мулк, молия, ахборот бозорида замонавий бозор иқтисодиёти сиёсати маълумоти турғунлиги замон талаби асосида ривожланишига имкон яратади.

Маҳаллий хомашё бозоридаги нархлар эркинлиги товар маҳсулотлар ишлаб чиқаришда иқтисодий кўрсаткичларга тўғридан-тўғри таъсир этувчи омилдир. Бундай ҳолат ҳудудий таъсир доираси қуйидаги кўринишларда намоён бўлиши мумкин:

– нархларнинг ички бозор биржа рақобатида сунъий равишда ошиб кетиши;

– хомашёни тайёр маҳсулот эмас, балки асосий салмоғи хом ашё кўринишида сотилиши.

Бундай хомашё, маҳсулот турларига олтин, мис, нефт, газ, пахта толаси, ипак, оғир ва енгил металл рудалари, каноп, ғалла, гуруч, тамаки, ҳўл мева, сабзавот, доривор-зиравор ўсимликлар ва бошқа хомашё ёки ярим тайёр, товар хомашёлар кириши мумкин.

Бундай ҳолатларда жаҳон бозорига маълум товар маҳсулотларининг сотилиши, экспортёр иқтисодий-молиявий кўрсаткичлари салоҳиятининг пасайиши, танқисликларни юзага келтириши мумкин. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида озиқ-овқат саноати тармоқларини маҳаллийлаштириш асосида, табиий соф, рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш долзарб аҳамиятга эгадир.

4.4. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш йўллари

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган. Ушбу қонунга мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотининг сифати — озиқ-овқат маҳсулотининг истеъмол хоссаларини белгилаб берадиган ва унинг одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлигини таъминлайдиган мезонлар мажмуини, озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги эса озиқ-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария, фитосанитария нормалари ва қоидаларига мослигини ифодалайди.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Бош давлат ветеринария бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа органлар томонидан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви куйидагиларни ўз ичига олади:

давлат томонидан нормалаш;

озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш;

озиқ-овқат маҳсулотини сертификатлаш;

давлат назорати ва текшируви;

озиқ-овқат маҳсулотининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини режалаштириш⁴.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаш озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига, уни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш шарт-шароитларига қўйиладиган талабларни ўз ичига оладиган санитария, ветеринария, фитосанитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини, давлат стандартларини, техникавий шартларни белгилаш йўли билан амалга оширилади. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидалар давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади ва улар озиқ-овқат маҳсулоти муомаласи соҳасида иш олиб бораётган юридик ҳамда жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги ушбу Қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган давлат назорати органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида назорат қилинади ва текширилади. Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар белгиланган нормалар ва қоидаларга риоя этилиши устидан ишлаб чиқариш назоратини таъминлайдилар. Ишлаб чиқариш назоратини амалга ошириш тартиби озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидаларга, норматив ҳамда технология ҳужжатлари талабларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар бажарадиган ишлар ва хизматларнинг хусусиятларини ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади ҳамда тегишли давлат назорати органлари билан келишилади.

Ишлаб чиқариш назоратини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар нормалар ва қоидаларнинг талаблари бузилганлиги аниқланган тақдирда ишларни амалга оширишни ва хизматлар кўрсатишни аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйишлари шарт бўлади. Шунингдек, жамоат бирлашмалари қонун ҳужжатларига мувофиқ озиқ-

овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга доир нормалар ва қоидалар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасига мувофиқ яроқлилиқ муддати ўтган, сифатсизлиги белги бериб турган, таққослаш ва ишлаб чиқарувчисини аниқлаш мумкин бўлмаган, шунингдек давлат санитария ва (ёки) ветеринария назорати органлари томонидан гигиена ва (ёки) ветеринария экспертизаси ва сертификатлаш синовлари натижалари бўйича овқатга ишлатиш учун яроқсиз деб топилган озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан олиб ташланади, у белгиланган мақсадда ишлатилмаслиги ҳамда қайта ишланиши ёки йўқ қилиб ташланилади.

Озиқ-овқат маҳсулотини қайта ишлаш ёки йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартлари учун эгаси томонидан тегишли давлат назорати органлари билан келишиб олинади. Озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланиш (уни қайта ишлаш) ёки йўқ қилиб ташлаш унинг эгаси томонидан ёки маҳсулот эгаси шу ишларни бажаришни шартнома бўйича топширадиган ташкилотлар томонидан комиссия иштирокида амалга оширилади. Комиссия таркибига давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг, давлат назорати органларининг, солиқ органларининг ва жамоатчиликнинг вакиллари киради.

Озиқ-овқат маҳсулоти ҳайвонларга ем сифатида ишлатилгунича ёки йўқ қилиб ташлагунича алоҳида жойда (резервуарда), алоҳида ҳисобда, миқдорини, ишлатиш (қайта ишлаш) ёки йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда сақланиши керак бўлади. Бундай маҳсулотнинг бут сақланиши учун унинг эгаси жавобгар бўлади.

Озиқ-овқат маҳсулотини экспертиза қилиш, йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартларини белгилаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва йўқ қилиб ташлаш билан боғлиқ харажатларни унинг эгаси тўлайди. Озиқ-овқат маҳсулотининг эгаси давлат санитария ва (ёки) ветеринария назорати органларига маҳсулотдан фойдаланилганлиги ёки у йўқ қилиб ташланганлиги ҳақида далолатнома тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулоти ушбу Қонунда кўрсатилган нормалар ва қоидаларнинг талабларига мувофиқ бўлиши шарт. Четдан олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулотини етказиб берувчи уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ишлаб чиқарувчининг ва экспорт қилувчи мамлакат махсус вакил қилган органнинг ушбу маҳсулот хавфсиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларини, тегишли экспертиза ўтказиш зарур бўлганида эса озиқ-овқат маҳсулотининг намуналарини тақдим этади. Четдан олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулоти, технологиялар ва усқуналар қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий сертификатланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлигининг нормалар ва қоидаларига мослиги давлат назорати органлари томонидан божхона органлари билан биргаликда белгиланган тартибда аниқланади.

Республика озиқ-овқат саноати тармоқларининг импорт озуқавий хомашё захираларига бўлган талабидан маълумки, ҳозирги кунда қандолатчилик, яхна ширин ичимликлар, хамиртуруш патокаси, пиво хомашёси, консерва, сутли, гўштили маҳсулотлар озуқавий кўшимчалар таъминотида танқислик сезилмоқда, шу туфайли маҳсулотда импорт қилинаётган турдош маҳсулотларга нисбатан рақобатбардошлик савияси паст бўлмоқда. 1997-2015 йиллар мобайнида озиқ-овқат саноати тармоқларида кўшма корхоналар сони ортди, сунъий озуқавий кўшимча хомашёларни четдан кириши оқибатида бир қатор озиқ-овқат маҳсулотлари тури кўпайибгина қолмай, уларни рақобатбардошлик, кўрсаткичлари ҳам сезиларли даражада ўзгара бошлади, лекин афсуски, уларнинг ижтимоий ҳимоя ва истеъмол хавфсизлиги масаласи шу кунгача талаб даражасида эмас.

Юқорида зикр этилган камчиликларнинг юзага келиш сабаблари қуйидагилардан иборат:

- табиий соф озуқа маҳсулотлари хариди учун эркин молиявий маблағларнинг етишмаслиги (эркин валюта);
- сифатли бирламчи озуқавий кўшимчалар захираларининг етишмаслиги;

- божхона тизимида озукавий кўшимча, озука маҳсулотлари истеъмол хавфсизлигини аниқлаш лабораторияларида малакали мутахассис ва замонавий текшириш техник анжомларнинг етишмаслиги;

- маҳсулот дизайннинг талаб даражасига етказиш устида илмий-амалий изланишлар сустилиги;

- экологик соф маҳсулот талаб ва таклифга нисбатан технологик эгилувчанликнинг пастлиги;

- меҳнат ресурсларида ишлаб чиқариш маданияти савияси пастлиги;

- маҳсулот савдосида маркетинг амалиёти савияси пастлиги.

Ҳалқаро «Гринпис» ташкилоти озиқ-овқат маҳсулотлари таҳлилий натижаларида келтирган истеъмол хавфсизлигини огоҳлантирувчи маълумотларига кўра дунёга машхур «Кока-кола» ва «Сникерс» компанияларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари инсон саломатлигига зарарли таркиби экологик ифлосланган озука маҳсулотлари эканлиги ҳақида маълумот беради; АҚШда шу кунга қадар генетик ифлослаган маҳсулотлар маркировкасида истеъмолчига маҳсулот генетик ифлосланганлиги, инсон саломатлигига қай даражада зарарли эканлиги ҳақида маълумот берилмайди. Ушбу ҳолатда «Гринпис» ташкилоти АҚШлик истеъмолчилар учун ягона, қайси маҳсулотлар генетик ифлосланган таркибида ГМ - ингредиентлари бўлган маҳсулотлари истеъмолидан сақланиш кераклиги ҳақида ҳалқни огоҳлантирувчи ва маълумот етказиб турувчи ташкилотдир.

Европанинг кўпчилик давлатлари озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ГМ - ингредиентлардан воз кечилган. Япония, Австралия, Италия, Британия давлатларида таркибида ГМ - ингредиентлар бўлган маҳсулотларни албатта маркировкасида маълумот бўлиши қонуний қатъий мажбурият даражасига етказилган.

Ишлаб чиқараётган озука маҳсулотлари таркибида ГМ - ингредиент озукавий кўшимчалар бўлган куйидаги машхур компаниялар рўйхатини келтириш мумкин. «Coco-Cola» (Coco-Cola, Sphit, Fanta яхна ичимликлари), «Pepsi co» (Pepsi ва 7 UP

ичимликлари), Nestle (Nestle, шоколадли Nestle) ичимлиги, болалар озуқаси Abbot Labs, Similas, Mars, гуручли Uncle Bens, курук нонушта Kellogg's, суюқ овқат Campbell, Knorr, Lipton, печенье Parmalat, Hellman's, Hershey's, компания дориворлари салатга Cadbury (шоколади Fruit & Nut), Mars (шоколадли маҳсулотлар; M&M's, Snickers, Twix, Milky Way).

Англияда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги комиссияси болалар истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини экспертизадан ўтказилганда, экспертиза натижасида инсон учун хайратланарли салбий маълумотлар очилган. Текширувга олинган ўнта озуқа маҳсулотдан тўққизтаси ахлатга ташлаб юборадиган маҳсулот эканлиги аниқланган, буни инглизчасига – «джанк» дейилади. Текширилган озуқа маҳсулотларнинг 3/1 қисми маркировка талабларига жавоб бермаган, маҳсулотнинг озуқавий қийматини ва қувватини аниқлаб бўлмаган. Қолган 3/2 қисмида 7% инсон саломатлигига унчалик зарарли бўлмаган маҳсулотлар аниқланган. 77 ни таркиби эса зарарли моддалар билан нормадан ортиқ тўлдириб ташлангани аниқланган. Афсуски, шундай ахлатга айланган озуқа маҳсулотлар чегарадан ўтиб Ўзбекистон савдо пештахталарида бемалол сотилмоқда. Мисол учун, «Тутти-Фрутти» (Финларни «Лиф» фирмаси), мевали ширинликлар деб номланувчи маҳсулотлар. Таркиби текширилганда ҳўл мевага яқин бирор бир нарса топилмаган. Таркибида фақат шакар, глюкоза, желатин, крахмал, сунъий озуқа кислоталари, воск, таъм берувчилар ва уч турдаги озуқа бўёғи аниқланган⁵.

Желе сифат ширин чувалчанглар «Джелли Вормс» (Испания маҳсулоти) ушбу маҳсулот болалар учун фойдали деб маҳсулот рекламасида ваъда берилади. «таркибида холестерини йўқ», «таркиби мева шарбати». Ушбу айтилган маҳсулотлар конфетларда бор албатта. Лекин уларнинг таркибидаги хиссаси жуда кам микдорда, улар инсон организмига бошқа сунъий кимёвий кўшимча ва бўёқлар билан кириб келади. Энг хавфлиси – Е 102 (тартразин). Гап шундаки, уни истеъмол

⁵ Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари.

килган баъзи инсонларда бронхиал астмани кўзгатувчи хавфи бор.

Қайд этилган камчиликлардан холи бўлмаган таблетка – конфеталарнинг савдода кўп тарқалган тури Австрия «Пец»лари бўлиб, оғзи очилганда битта-битта тушадиган пластмасса идишларга қадоқланган. «Ожерелья конфетлари» (Candy Neckiace), «Ван Мелле» фирмаси (резинкага ўхшаш узукча) ва «Любимые щенки» (Precious Puppies) Ирланд фирмаси Хитой филиали «Топс» (миниатюрная косточка и как приложение – собачка, картонная конура и наклейка), шимадиган леденцийлари ўйинчоқлари билан «Чупа-Чупс» алохида ажралиб туради. Таркиби жуда содда-шакар ва сунъий озуқавий кўшимчалар. Қадоқлаш этикеткасида кўрсатилган таркибида ҳўл мева аралашмалари умуман йўқ. Ажабланарлиси, шундайин ёлгон реклама уюштирилганки, у истеъмолчини доғда қолдиради.

Бу ерда гап фақат шакар тўғрисида эмас, балки маҳсулот таркибидаги инсон саломатлигига зарарли сунъий ингредиентлар оширилиб юборилганлигидадир. Шунинг учун қайд этилган маҳсулотлар харид этилганда этикеткасидаги ёзувлар мазмуни билан диққат билан танишиб чиқиш лозим бўлади.

Шундай маҳсулотларни истеъмол қилиш керакки, таркиби табиий ҳўл мева, цитрус озуқавий кўшимчалардан иборат бўлсин. Хозирги кунда таркиби мавҳум маҳсулотлар хариди ва истеъмолига эҳтиёткорлик билан ёндошмоқлик зарур. Ширинликлар ранги – ҳам сифат, ҳам кимёвий моддалар кўрсаткичлари ҳақида маълумотга эга. Сунъий ранг берувчи аралашмалар қўшилган ширинликлар истеъмоли секин аста организмда йиғилиб, келажакда атросклероз, қанд диабет, кариес, гипертония, модда алмашинуви танқислиги касалликларини келиб чиқишига сабаб бўлади. Ушбу муаммоларни келтириб чиқарувча асосий сабабчиси Е – индексли соғлиққа зарарли сунъий кўшимчаларнинг маҳсулот таркибидаги иштирокидир.

Сақлаш муддати узайтирилган торт маҳсулотлари ҳам соғлиққа зарарлидир. Сақланиш муддати 120 соат кўрсатилган торт маҳсулотларини харид қилиш хавфлидир. Мосгоринспекция ўтказган текширувларнинг 70%да улар инсон саломат-

лигига зарарли экани аниқланган. Шу каби маҳсулотларни сақланиш муддатини узайтириш учун сорбин кислотаси кўшилиши ҳоллари аниқланган. Лекин уни қўлланилиши таркибида шакар 60 % дан ортиқ сливочний кремларни тайёрлашга рухсат берилган. Тортларда эса шакар моддаси 40%дан иштирок этиши маълум. Шу сабабли тортларни сақлаш муддатини белгиланган 36 соат эмас, 120 соатга узайтирилиши маҳсулотни табиийки, биологик таркибий бузилишига сабаб бўлади.

Болалар бўтқаси озуқасини ишлаб чиқарувчи АҚШ нинг «Нестль» компанияси кўп йиллар мобайнида Европа давлатлари учун таркибида GM маҳсулоти бўлган, маҳсулотлари GM маркировкасидан бош тортиб келган. Ниҳоят 1999 йилдан таркибида GM бўлган маҳсулотларни маҳсулот маркировкасида кўрсатилиши қатъийлиги ҳақидаги истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш қонуни талабига «Нестль» компанияси шартномага имзо чеккан. Маҳсулот истеъмол хавфсизлигини таъминлашда ушбу чекловни ҳар бир давлат ўз зиммасига олиши муҳимдир⁶.

Ер юзида жуда кам санокли давлатлар ўз қонунлари асосида маҳсулотларни ген инженерияси асосида етиштиришни тақиқлаб қўйишган. Истеъмолчи ҳуқуқи асослари шаклланмаган кўпгина ривожланаётган давлатлар шу сабабли тажриба синов майдонларига айланиб қолиши мумкин. Германиянинг Экология федерал хизмати 20 та ривожланаётган давлатларда истеъмол хавфсизлиги бўйича ўтказилган тадқиқотлари шуни кўрсатдики, фақат Мексика, Бразилия, Косте Рика и Филиппинда ген инженериясидан фойдаланиш норматив ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

Халқаро «Гринпис» ташкилотининг тадқиқотларидан бири шуни кўрсатдики, «Ривожланаётган давлатлардаги транс генетик усулда етиштириб олинган ҳосилалар» ривожланаётган давлатларда очлик, касаллик, камбағалликни енгишга сезиларли кескин фойда келтиролмапти.

Расман трансген озиқ-овқат маҳсулотларининг фақат бир-неча турларини савдосига рухсат берилган. Булар картошка ва

⁶ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари.

соя. Лекин бозордаги маълум тур ва ассортимент структура-сида, барча такрорий ишланган озуқа маҳсулотларидан ташқи кўринишидан трансген маҳсулотлар иштирокини фарқлаш қийин бўлган озуқа маҳсулотлари таркиби сирлилигича (аноним) қолмоқда. Жумладан, колбаса, шоколад, болалар озуқаси ва музқаймоқ хомашёси қурук сутлар бўлиб уларни тайёрлашда баъзида трансген етиштирилган соя унидан фойдаланилган. Баъзи озуқа маҳсулотлари маълум давлатлар чегарасидан норасмий йўллар билан ҳам кириб келмоқда. Бундай трансген маҳсулотларни етиштириш бир томондан қулай, ўсимлик касаликка деярли чалинмайди, аммо инсон организмга салбий таъсири мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Ўсимлик етиштиришда уни чанглатишда гени модификациялашган ўсимлик биологик таркиби зарарқуранда ва куртларни кириб юбориши тўғрисида асосли фактлар деярли йўқ. Лекин шундай ўсимликларни чанглатган асалари ошқозонида мутацион бактериялар пайдо бўлгани ҳақида асосли маълумотлар етарли даражада келтирилган. Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмоли хавфсиз рақобатбардош турларини такрорий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун хомашё сифати ва озуқавий қўшимчалар табиий софлигини таъминлаш ниҳоятда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол хавфсизлигини таъминлаш йўналишида «Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси», «Ёғ-мой», «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси», «Ўздонмаҳсулот» уюшмалари, «Узумсаноат» холдинг компанияси, «Ўзгўштсаноат» АК, ЎзР.ФА «Ўсимлик экспериментал биологияси ва генетикаси институти», «Ўзбекистон Республикаси Стандартлаштириш қўмитаси», «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси» ҳудудий бўлинмалари фаолиятини уйғунлаштирган ҳолда ягона озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол хавфсизлигини таъминлаш норматив ҳуқуқий, техник, иқтисодий, молиявий биотехнологик амалий механизмини такомиллаштириш муҳимдир. Озиқ-овқат истеъмоли хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Республика озуқа заҳиралари ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда табиий соф рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш истеъмол талаби мувозанатига эришиш.

2. Табиий соф озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун, табиий соф ассортимент туркумдаги озуқавий қўшимчалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

3. Турдош озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқавий қўшимчаларни мамлакатимизга расмий ва норасмий кириб келишини ҳуқуқий нормативлар билан қатъий тартибга солиш.

4. Қисқа давр мобайнида сунъий озуқавий қўшимчалар: қандолатчиликда;

- сунъий ҳид, таъм ва ранг берувчилар, патока, крахмал, ингредиентлар ва бошқалар;

- яхна ичимликлар ишлаб чиқаришда сунъий таъм, ҳид ва ранг берувчи концентратлар (кока-кола, фанта, фиеста, пепси-кола, оранж, лимон, папая, кива, ананас, олма, нок, малина, олхўри, олча) ва бошқалар;

- колбаса, сосиска, дудланган гўшт, балик ва сабзавот консервалари ишлаб чиқаришда сунъий зиравор аралашма хажи бойитувчи қўшимчалар (соя уни, крахмал), таъми, турли озуқа ва сирка кислоталари қўлланилишини ҳуқуқий меъёрлар асосида тақиқлашга эришиш.

Озиқ-овқат иқтисодий-ижтимоий хавфсизлигини таъминлашга концептуал ёндашув эса, қуйидаги амалиётларга боғлиқ:

- маҳаллий ресурсларини жалб этган ҳолда, импорт ўрнини босувчи табиий соф маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- импорт ўрнини босувчи маҳаллий хомашёдан истеъмоли хавфсиз табиий соф озуқавий хомашёларни ишлаб чиқариш стратегиясини ривожлантириш асосида, сунъий озуқавий хомашёлар импортини камайтириш;

- божхона тизими ва озиқ-овқат саноати тармоқларида малакали ишчи-хизматчиларни тайёрлаш экспериментал ўқув базаларини яратиш;

- озиқ-овқат саноати тармоқлари билан узвий боғлиқ бўлган бошқа соҳаларни мутаносиб ривожлантиришни йўлга қўйиш.

Аграр соҳа ва озиқ-овқат саноати тармоқлари билан бевосита боғлиқ импорт ўрнини босувчи истеъмоли хавфсиз рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш стратегиясини шакллантириш учун куйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- яхна ичимликлар ишлаб чиқариш учун мавжуд ресурслардан табиий концентратлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

- қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга зарур озуқавий қўшимчаларни етиштириш ва қайта ишлашни ташкил этиш;

- гўштли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зиравор аралашмалар тайёрлашни ташкил этиш;

- нон ишлаб чиқариш учун маҳаллий хомашё, узум чиқиндисидан, ҳамиртуруш патока меласасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

- боғдорчилик маҳсулотлари мева-узумдан қандолатчилик учун керакли озуқавий қўшимча хомашёси пектин, патока, витаминлар, эссенциялар, таъм-ҳид берувчилар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда мамлакатда қабул қилинган истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш қонунчилигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистонда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизми яратилган. Истеъмолчилар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг танлаш эркинликларини рўёбга чиқариш учун 1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунида уларнинг ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирларининг ҳуқуқий асослари яратилган. Ушбу қонунга мувофиқ истеъмолчилар куйидаги асосий ҳуқуқларга эга:

- товар(иш, хизмат) ҳақида, шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;

- товар(иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;

- товар(иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши, ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсонли бўлган товар (иш, хизмат),

шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг гайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши;

- бузилган ҳуқуқлари бузилмаслигини ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш;

- истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш. Истеъмолчиларнинг ушбу асосий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқарувчи, ижрочи, сотувчилар савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари белгиланган. Бу қоидаларга риоя қилиш улар учун мажбурийдир. Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишда истеъмолининг соғлиғига зиён етказилган айбдор савдо ташкилоти, ишлаб чиқарувчи субъектлар унга етказилган зиён учун тегишли компенсация тўлаши ҳамда бошқа жазога тортилиши қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Ўзстандарт агентлиги ва унинг ҳудудий органлари ҳам муҳим роль ўйнайдилар. Ўзстандарт органлари истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қўйидаги ваколатларга эга:

- товар(иш, хизмат)ларни мажбурий сертификатлаш қоидалари ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бузилса;

- ўзларининг кўрсатмаларини ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) бажаришдан бўйин товласа, ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаса;

- норматив ҳужжат талабларига жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчиларга зарар етказилса, жарималар солишга ҳақлидир.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун улар маълум нодавлат уюшма, жамиятларга бирлашишлари ҳам мумкин. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ваколатли давлат органлари билан жамоатчилик биргаликда фаолият юритсалар ижобий натижаларга эришиш мумкин⁷.

⁷ Қаранг: Абулқосимов Х., Имамов У., Назаров О. Ривожланаётган бозор иқтисодиетида рақобат ва истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш. Т.: Akademiya, 2012. - 80-82-бетлар.

Озиқ-овқат товарларининг турига боғлиқ равишда устига ёпиштириладиган ёрликда ,стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқ куйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кирадиган ингредиентларнинг номлари, шу жумладан, озиқ-овқатга солинадиган қўшимча масалликлар;

- озиқлик қиймати (маҳсулотнинг калориялиги, оқсиллар, ёғ, углеводлар, витаминлар, микроэлементлар мавжудлиги), оғирлиги ва метрик birlikлардаги ҳажми тўғрисидаги маълумотлар;

- қўлланиладиган соҳаси (болалар, даволаш-профилактика, озиқ-овқат маҳсулотлари ва парҳез таомлар ва бошқалар учун);

- тайёрланган санаси;

- сақлаш шартлари;

- касалликларнинг айрим турларида истеъмол қилиш ноҳоизлиги;

- тамаки маҳсулотларидаги чекишнинг соғлиқ учун зарарлиги тўғрисида огоҳлантирувчи ёзув бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунига биноан - белгиланган муддат давомида озиқ-овқат маҳсулотини сақлаш, ташиш, реализация қилиш чоғида хавфсизлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилган тақдирда у фойдаланишга яроқли бўлиб туради, бу муддат тамом бўлганидан кейин эса маҳсулот одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун муддати ўтган маҳсулотларни сотиш ман қилинади. Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиги ёки молмулкига етказилган зарар, агар у норматив ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроқлилиқ) муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида юзага келган бўлса, қопланиши лозим. Товар учун тўланган пул суммасини харидорга қайтаришда сотувчи товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланилганлиги, унинг товар кўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товарнинг қиймати пасайган суммани харидордан ушлаб қолишга ҳақли эмас.

Ушбу қоидалар, мулкчилик шаклларида ва идоравий мансублигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумий овқатланиш соҳасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларга тегишли ва уларнинг ишларини асосий талабларга кўра тартибга солиди. Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларининг, 8-бандига кўра умумий овқатланиш субъекти истеъмолчиларга ўзининг тўлиқ номи, иш режими, тавсия этиладиган маҳсулотлар, товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар тўғрисидаги зарур ва ишончли маълумотларни кўргазмали ва қулай шаклда етказиши шарт, маълумотларда тўғри танлаш имкониятини таъминлайдиган камиди қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- маҳсулотлар ва товарлар рўйхати;
- умумий овқатланиш маҳсулотларининг тайёр таомлари порцияларининг умумий вазни (ҳажми), тавсия этилаётган ичимлик бутилкасининг сиғими ва унинг порциялари ҳажми тўғрисидаги маълумотлар;
- хизматлар рўйхати ва уларни кўрсатиш шартлари;
- хизматлар нархи ва уларни тўлаш шартлари¹.

Мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларининг устуворлиги туғрисидаги Конституциявий қоида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг асосий тамойилига айланиши лозим. У истеъмолчилар иштирок этадиган барча ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунларда ва қонун ости ҳужжатларида ўз ифодасини топиши лозим. Шунингдек, бу тамойил барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ўзаро уйғунликдаги фаолияти натижасида ҳаётга татбиқ этилиши мумкин. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг айрим қоидаларида ўзаро номувофиқлик мавжуд. Бу эса, айти пайтда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ягона тартибда йўлга қўйишга тўсқинлик қилиши баробарида айрим ҳолларда

¹ Савдо хизмати ва умумий овқатланиш соҳаларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Т.: 2005. 48-бет.

истеъмолчи манфаатларига путур етказилишига сабаб бўлиши мумкин.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг самарадорлигини янада ошириш борасидаги ишларнинг дастлабки босқичи бу соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзаро уйғунликни ва мантиқий боғланишни таъминлашдан иборат бўлиши лозимдир. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексидаги тегишли моддаларни ва "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунни қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Бундан ташқари, истеъмолчилар ҳуқуқларини бузувчи айрим хатти-ҳаракатлар учун жавобгарликни белгиловчи нормаларни ҳам қабул қилиш лозим бўлади.

Аҳолининг озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кишилар соғлиғи ва ҳаётига хавф туғдирувчи маҳсулотларни мамлакатга ноқонуний йўллар билан мамлакатимизга киритилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси давлат божхона кўмитаси ташкил этилган бўлиб, унинг фаолияти йилдан-йилга ривожлантирилиб борилмоқда. Мустақил Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланган божхона сиёсатида кейинги вақтда жиддий ўзгаришлар юз бермоқда, айти улар уни ривожлантиришнинг асосий стратегик йўналишлари, ҳуқуқий, ташкилий, моддий-техника асослари барпо этилишини белгилайди. Мамлакатимизда божхона иши жаҳон ҳамжамятида юз бераётган интеграция жараёнларини ҳисобга олган ҳолда ривожланмоқда. Булар эса савдони глобаллаштириш, чегара орқали олиб ўтилаётган юк ҳажмларининг анчагина кўпайиши, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланишида олға қараб кўйилган қадамлардир. Табиийки, ушбу омиллар бутун дунёда савдо-иқтисодий муносабатлар устидан назоратнинг дастаги сифатида божхона ролининг ошишига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу сабабли ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қулай амалий муҳитни яратиш, тадбиркорлар билан ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги амалий алгоритмини куриш республика божхона хизматининг муҳим стратегик

вазифаларидан бири ҳисобланади. Бошқача айтганда, ташқи савдони ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш ана шундай вазифадир.

Бутун жаҳон божхона ташкилотининг CEN (Customs enforcement network) халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш тармоғи дунёдаги божхона маъмуриятларини ўзаро ягона ҳуқуқни муҳофаза қилиш тармоғига бирлаштирувчи ахборот-таҳлилий ва коммуникация тизими ҳисобланади. У вазифаларнинг кенг доирасини бажара оладиган, узлуксиз кира олинadиган самарали, пухта ҳимояланган тизим фаолият юритиши учун замонавий технологиялар билан қайта жиҳозлаш лозим.

Шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2008 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишнинг кейинги чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-823-сонли қарори билан ЕвроОсиё иқтисодий ҳамжамияти томонидан қабул қилинган Уйғунлашган Тизимнинг 2007 йил январь варианты асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 10 хонали товарлар номенклатураси амалга киритилди⁸⁰. Шу муносабат билан республика иқтисодий манфаатлари ва хавфсизлигини таъминлаш учун миллий товарлар номенклатурасини ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш лозим бўлади.

Жаҳон савдосининг ривожланиши шароитида турли мамлакатлар божхона тизимини бирхиллаштириш, ўзаро ҳамкорликнинг самарали шаклларини, божхоналар амалиётига жорий этиш учун назоратнинг бир хилдаги усулларини яратишга доир ишни жадаллаштиришга ундайди. Ушбу жараёнда шу жумладан, дунёдаги божхона кадрларини тайёрлаш ва ўқитишнинг узвий тизимини шакллантиришга йўналтирилган халқаро божхона ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда уларни контрабанда қилишга қарши курашиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Озиқ-овқат контрабандасига қарши курашни янада кучайтириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади;

⁸⁰ Қаранг: Абулқосимов Ҳ.П., Фармонов Қ.З., Содиқов А.Х. Божхона ва иқтисодий хавфсизлик. Т.: « Iqtisod-Moliya», 2009. - 55-бет.

- контрабанда товарларини аниқлаш ва барча ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг келиб чиқиш сабабларини илмий таҳлил этиш, ҳуқуқбузарлик шароитини бартараф қилувчи механизмлар ишлаб чиқиш;

- контрабанда ва божхона қоидаларининг бузилишига қарши кураш ишларини такомиллаштириш, бу товарларнинг ноқонуний кириб келиши ва ички ҳудудда сотилишининг олдини олиш борасида контрабандага қарши мақсадли тадбирлар ўтказиш;

- бевосита чегара ҳудудларида ташки иқтисодий фаолият иштирокчилари ва жисмоний шахслар иштирокида контрабанда предметлари ва божхона қонунчилигига доир янгиликлар ва ўзгаришлар бўйича давра суҳбатлари, тушунтириш ишлари ва семинарлар ташкил этиш.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майда қабул қилинган 154-сонли "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги ва 2002 йил 20 августдаги 295-сонли "Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истъмоладан товарларни олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида импорт маҳсулотлари устидан назорат кучайтирилди. Ушбу қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида сертификатлаш идоралари ва уларнинг синов лабораторияларини талаб даражаларига мувофиқлигини ҳам мунтазам текшириб бориш лозим бўлади.

Сертификатлаштириш тизимининг инфратузилмасини тузиш учун бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича идораларни ва синов лабораторияларни аккредитлашга доир ишларни бажариш кучайтирилиши лозим. Яна бир муҳим йўналиш аккредитланган идоралар ва синов лабораториялари устидан инспекцион назоратни кучайтириш ҳисобланади. Эндиликда барча вилоятларда Ўзстандарт агентлигининг ҳудудий бошқармаларида иқтисодчи олимлар, консалтинг фирмалар "Сифат тизимини жорий этиш" бўлимлари бирга-

ликда сифат менежменти тизимини жорий этишга биргаликда тайёргарлик ишларини амалга оширишлари лозим бўлади.

Давлат метрологик назоратини кучайтириш, аҳоли ҳаёти ва соғлиғини, савдо операцияларини бажарилишини ва истеъмолчилар билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш, маҳсулот сифатини баҳолаш ва текшириш, ёқилғи-энергетик манбаларини назорат қилиш ва ҳисоб-китоб қилишда фойдаланаётган ўлчаш воситаларининг ҳолатини ва қўлланилишини таҳлил қилишга йўналтирилган.

ХУЛОСА

Миллий хавфсизлик фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари, шунингдек, миллий қадрият ва ҳаёт тарзининг кенг кўламдаги, турли-туман ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганликни ифодалайди. Миллий хавфсизлик фуқаролар, яъни шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлади. Мамлакатнинг миллий хавфсизлиги унинг миллий манфаатини турли сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, экологик, ғоявий, инфорацион ва бошқа омиллар ҳамда таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлади. Шу боисдан миллий хавфсизлик таркиби мураккаб тузилишга эга бўлиб, сиёсий, ҳарбий-мудофаа, ғоявий, иқтисодий, экологик, инфорацион хавфсизликларни ўз ичига олади.

Миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми, уни таъминлашнинг энг муҳим шарти ёки омили, кўрсаткичи иқтисодий хавфсизликдир. «Иқтисодий хавфсизлик» тушунчаси энг умумий тарзда мамлакатнинг моддий ва номоддий, қайта тикланадиган ва тикланмайдиган иқтисодий салоҳиятини ифодалайди. Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи, мустақил таъминлашга қодирлигини ифодалайди. Шунингдек, озиқ-овқат импортига ўта боғлиқликдан халос бўлганлигини англатади. Таъкидлаш жоизки, озиқ-овқат хавфсизлиги фақат ички ўзини ўзи тўлиқ озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш билан чекланмайди. Бунинг учун озиқ-овқат импорти ҳам эътиборга олинади.

Дунё мамлакатлари аҳолисининг озиқ-овқат билан ўзини ўзи таъминлаш коэффициентининг пасайишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши;
- аҳоли сонининг ўсиши;
- аҳоли жон бошига истеъмолнинг ўсиши;
- турли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларнинг номутаносиблиги. Бунинг натижасида ҳосилдорлик даражаси, баъзи маҳсулот турлари ҳажми камайиши юз беради;

- урбанизация жараёнларининг жадаллашуви туфайли ерларнинг бир қисми саноат объектлари, уй-жойлар, йўллар курилишига банд этилади. Бунинг оқибатида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган экин майдонлари қисқариб боради. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми етарли даражада юқори суръатларда ўсмаслиги;

- ишланадиган ер майдонларидан фойдаланиш коэффициентининг пасайиб бориши;

- ишчи кучининг етишмаслиги;

- мамлакатга четдан арзон нархларда озиқ-овқат маҳсулотларининг киритилиши;

- айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлиги ўсиш суръатларининг пасайиши;

- қишлоқ хўжалигида кимёвий ўғит ва моддаларнинг ҳаддан ташқари кўп ишлатилиши ҳамда ирригация ва мелиорация ишларининг етарли даражада, ўз вақтида бажарилмаслиги, агротехника қондаларига етарли даражада эътибор берилмаганлиги туфайли ерлар сифатининг ёмонлашиб, ер унумдорлигининг пасайиши.

Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги сиёсатида, асосан, ўзининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ички сотиш бозорларини ривожлантиришга, қисман, чет эллардан озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш асосида аҳолини озиқ-овқатга бўлган мақбул даражадаги эҳтиёжини кондириш кўзда тутилади. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш сиёсати ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси ҳамда уларни импорт қилиш даражаларини оқилона уйғунлаштириш, мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг кафолатланган имкониятларини яратиш, бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга қодирлиги муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу сиёсат даврий равишда янгиланиб турадиган озиқ-овқат захирасини яратишга ҳам қаратилган бўлади.

Ўзбекистон Республикасида озиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда қишлоқ хўжалигида амалга оширилган аграр ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар, яъни

пахта экин майдонларининг камайтирилиб, сабзавот, картошка, сабзавот, полиз экин ерларининг ва боғлар, узумзорларнинг кенгайтирилиши, чорвачиликнинг ривожлантирилиши, озиқ-овқат саноати корхоналарида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва озиқ-овқат заҳираларини янада кўпайтириш мақсадида куйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган:

1. Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат хавфсизлигини ишончли тарзда, барқарор таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун куйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

-қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда илғор технологияларни қўллаш ҳамда сувдан фойдаланувчиларнинг масъулиятини янада ошириш орқали сув ресурсларидан самарали фойдаланиш;

-қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини доимий мониторинг қилиб бориш, ердан мақсадсиз ва хўжасизларча фойдаланиш ҳолатларига нисбатан кескин чоралар кўриш ҳамда ерлардан ёмон фойдаланиш оқибатида уни яроқсиз ҳолатга келтирган субъектларга нисбатан қатъий чоралар кўриш мақсадга мувофиқдир.

2. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида республика қишлоқ хўжалигида таркибий тузилишини ўзгартириш учун куйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- қишлоқ хўжалиги озиқавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга нест-нобуд қилмасдан етказиб бериш борасида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва уни амалда қўллаш лозим бўлади;

- қишлоқ хўжалиги экинлари навларини республика минтақалари ва худудларининг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда оқилона жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш;

- зараркунандалар ва касалликка чидамли, тезпишар ва юқори ҳосилдор қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғлари билан таъминлаш;

-қишлоқ хўжалиги экинларини алмашлаб экишнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш;

- минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, зараркунандаларга қарши биологик воситалардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш.

3. Хўжалик юретишнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш амалий жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ер майдонларидан унумли фойдаланишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бунинг натижасида экин майдонларини кенгайтирмасдан, улардан интенсив ва унумли фойдаланишга эришилади.

4. Қишлоқ хўжалиги ер турларини оқилона, тўғри жойлаштириш натижасида тупроқ-иқлим шароитларини, жойнинг рельефини, ишлаб чиқаришни иқтисодий рентабелли ташкил этиш талабларини ва бошқаларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Иқтисодий жиҳатдан асосланган ва ишлаб чиқариш нуқтаи-назаридан, ердан ўта самарали фойдаланишга эришилади. Бу эса, ўз навбатида қишлоқ хўжалигида ер майдонларининг кўпайиши билан баробардир.

5. Республика озик-овқат саноатини янада ривожлантириш мақсадида қуйидагиларни доимий равишда амалга ошириш лозим бўлади:

-мева-сабзавот ҳамда бошқа озик-овқат маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларини ўрганиш бўйича чуқур маркетинг тадқиқотлари ўтказиш ва бунинг асосида тармоқни ўрта ва узок муддатли истиқболда ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

-юқори қўшилган қийматга эга, ички ва ташқи бозорларда харидоргир бўлган юқори сифатли озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида тармоқ корхоналарида қишлоқ хўжалиги озик-овқат хомашёсини янада чуқур қайта ишлаш замонавий технологик циклни ташкил этиш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, қайта ишлаш корхоналари, тайёрлаш ва сотиш ташкилотлари

ўртасида бозор муносабатлари асосида, унинг тайёрланиши, сақланиши, янада чуқурроқ қайта ишланиши ва сотилишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат хомашёси ҳаракатининг замонавий логистикасини кенг жорий этиш;

-илғор хорижий технологиялар ва дизайндан фойдаланган ҳолда замонавий тара-қадоклаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш;

-мева-сабзавот, гўшт-сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат хомашёсини қайта ишлаш бўйича юқори унумли замонавий инновация технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ушбу мақсадлар учун, авваламбор, стратегик хорижий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш;

-қайта ишланган мева-сабзавот, шунингдек бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг экспортини ташкиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини баҳолашнинг замонавий халқаро тизимини ишлаб чиқаришга жорий этиш;

-ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификациялаш бўйича ишларни ташкиллаштиришда тармоқ корхоналарига кўмаклашиш, тармоқ корхоналарига ахборот хизматлари кўрсатиш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

6. Озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, қайта ишлаш корхоналарини куриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлигини ошириш учун:

-озиқ-овқат саноати корхоналарини ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни янада такомиллаштириш; замонавий технологик ускуналарни лизинг асосида харид қилиш орқали тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш;

-лойиҳаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш;

-иктисодий олий ўқув юртларида Инвестицияларни лойиҳалаш бўйича иктисодчи-мутахассис кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш;

-инвестиция лойиҳаларининг ташаббускорларини ахборот-коммуникацион технологияларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш, лойиҳалар бажарилишини мониторингини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

7. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражасини ошириш ва тармоқнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш учун куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат асосида чуқур қайта ишлашга йўналтирилган корхоналар тармоғини, шунингдек, уларни сақлашга ихтисослашган совитиш камералари, уларни саралаш ва қадоқлаш пунктлари ҳамда ташиш билан шуғулланувчи махсус транспорт-коммуникация тармоғини кенгайтириш;

- қайта ишлаш саноатини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, илм-фаннинг ютуқлари ва илгор технологияларни ишлаб чиқаришга жадал кўллаш. Бунда материал ва энергия сифимини пасайтириш, ресурс тежовчи кам чиқимли технологияларга, юқори унумдорликка эга бўлган минитехнологияларга устуворлик бериш;

- ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар ассортименти ва сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошликни ошириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш мажмуалари, холдинглар, кластерлар ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини кенгайтириш.

Глоссарий¹

Аграр муносабатлар – ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

Аграр сиёсат – давлатнинг аграр муносабатлар (қишлоқ хўжалиги) соҳасидаги фаолияти бўлиб, у аграр масалаларни, қишлоқ хўжалигини, ерга бўлган мулкчилик муносабатларини ва ҳоказоларни ривожлантириш йўллари ҳақидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган сиёсатнинг бир тури.

Агробизнес – тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳалардаги намоён бўлиш шакли.

Агросаноат интеграцияси – қишлоқ хўжалиги билан унга хизмат қилувчи ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланиши ҳамда уларнинг узвий бирикиш жараёнидир.

Агросаноат инфратузилмаси – бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи соҳалар.

Агросаноат мажмуаси – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ хўжалик тармоқларининг бирлиги. *Агросаноат мажмуасини* истеъмолчиларнинг талабини қондириш имкониятига эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида иктисодиётнинг айрим ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қайта ишлаш ҳамда сотиш билан шуғулланувчи соҳаларнинг иктисодий уйғунлашуви ташкил этади.

Баланс, мувозанат – муттасил ўзгариб турувчи ҳодиса ёки тушунчанинг нисбатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. Иктисодиёт соҳалари, моддий, тармоқлараро тўлов, қиймат, меҳнат ресурслари, ёқилғи-энергетика, фойда, асосий фондлар, ташки савдо, тўлов, аҳоли пул даромадлари ва харажатлари ва бошқа баланслар мавжуд.

¹ Солиев А, Усмонов А, Жўраев Н. Тадбиркор йўлдоши. – Т., Университет, 1994; Ўлмасов А, Тўхлиев Н. Бозор иктисодиёти. Қисқача лугат-маълумотнома. – Т., Қомуслар бош тахририяти, 1991; Справочник делового человека. – Т., Фонд дизайна Узбекистана, 1992; «Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М., Из-во РАГС, 2001, Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 1-6 Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат нашриёти. 2002-2005йй. Язык бизнеса. Под ред. В. Чжена. – Т., 1996 асосида тузилган.

Банк – кредит-молия муассасаси бўлиб, вақтинча бўш пул воситаларини бир жойга тўплаш, корхоналарга ва умуман пулга мухтожларга маълум ҳақ (фоиз) эвазига қарз бериш, пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш, турли қимматбаҳо қоғозлар чиқариш, олтин ва чет эл валюталари билан боғлиқ муаммоларни бажариш ва бошқалар билан шуғулланади.

Банкротлик (итал. bancrotto - айнан синган курси) – синиш; фуқаро, корхона, фирма ёки банкнинг маблағ етишмаслигидан ўз мажбуриятлари бўйича қарзларни тўлашга қурби етмаслиги.

Бож, бож пули – (араб. ўлпон, солиқ) – божхона назорати остида давлат томонидан мамлакат чегарасидан олиб ўтиладиган импорт товарлар, мол-мулк ва қимматбаҳо буюмлардан ундириладиган пул йиғимлари. У билвосита солиқ бўлиб, унинг мол чиқариш, мол киритиш ва мамлакат ҳудуди орқали ташиб ўтказиш учун (транзит) ундириладиган турлари мавжуд.

Божхона – чегара орқали ўтказиладиган жами юкларни назорат қиладиган давлат муассасаси. У бож назоратини ўрнатиш ва белгиланган бож тўловларини ушлаб қолиш билан шуғулланади. Б. муассасалари ташқи савдода мамлакат манфаати таъминланишини назорат қилади, божхона харажатларини бажаради ҳамда божхона қоидалари бузилишига ва контрабандага қарши кураш олиб боради. Божхоналар денгиз ва дарё портларида, темир йўл станциялари ва автомобиль йўлларининг чегара пунктларида, халқаро аэропортларда ва йирик шаҳарларда жойлашади.

Божхона тарифи – мамлакатга киритилаётган импорт моллар ва баъзи қолларда экспортга чиқарилаётган моллардан ушланиши лозим бўлган бож тўловларининг системалаштирилган рўйхати (номи). Б.Т. мол классификаторлари асосида ташкил топади. Молларни гуруҳларга, гуруҳлар ичида кичик гуруҳларга (маълум бир хил белгилари бўйича белгиланиши мол классификацияси дейилади. Ҳозирги вақтда халқаро савдо алоқаларида энг кўп қўлланиладиган мол классификаторларида улар кенг кўламда системалаштирилган ва кадрлаштирилгандир.

Божхона йигими – молларни божхона омборида сақланганлиги, божхона ҳужжатларининг расмийлаштирилганлиги ва унинг бир неча нусхада тайёрлаб берилганлиги учун ундириладиган пул йигимлари.

Бож иттифоқи – икки ёки бир неча давлатларнинг божлар бўйича ўзаро чегараларини бекор қилиш ва ягона бож тарифи жорий этиш юзасидан ўзаро келишуви.

Бозор интервенцияси – миллий ёки регионал бозорга ташқаридан суқилиб кириш ва уни тобе этиш. Хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ўз товарлари билан муайян мамлакат ёки ҳудуд бозорини ҳимоя қиладиган тўсиқларни бартараф этиб, бозорга кириб олади ва шу ердаги товар ишлаб чиқарувчилар билан рақобат қилади. Бунинг учун улар ҳар хил воситалардан фойдаланадилар: демпинг экспорт (ички бозорлардан ҳам паст баҳоларда экспорт) ишлатиш, юқори бож тўловларига ҳам рози бўлиш, бозори чаккон ерларда корхоналар қуриб, товар чиқариш, импорт қилувчи мамлакат ёки ҳудудга моддий ёрдам кўрсатиш, сиёсий тазйиқ ўтказиш ва бошқалар.

Бозор муҳофазаси – миллий бозорнинг ёки айрим товарлар бозорининг, давлатнинг экспорт-импортини тартибга солувчи тадбирлар воситасида ҳимоя қилиниши. Б.М. четдан товар келтиришни чеклаш, таъқиқлаш ёки бож тўловини ошириш орқали амалга оширилади.

Бойкот (инг. boycott) – норозилик билдириш учун бирон-бир иқтисодий фаолиятни амалга оширишдан бош тортиш. Иқтисодий алоқа қилувчи томонларнинг манфаати ўзаро зид келиб қолганда уларнинг бири бойкот эълон қилади, келишилган шартномани бажариш тўхтатилади. Савдо-сотик ишларида бойкот товарларни етказиб туришдан бош тортиш, олдин белгиланган нархдан воз кечиш кўринишларида юз беради.

Болаларбоп озиқ-овқат маҳсулотлари — болалар организмнинг (уч ёшгача) физиологик хусусиятларига жавоб берадиган махсус озиқ-овқат маҳсулотлари.

Давлат бюджети – давлат даромадлари ва харажатларининг пул билан ифодаланадиган йиллик ҳисоби, мажмуи.

Давлат қарзи – давлатнинг ўз фуқаролари, банклар, корхона ва ташкилотлар, хорижий мамлакатлардан қарзи. Давлат ўз харажатларини даромади билан қоплай олмай қарз олади, қарз ҳисобидан ўз бюджетининг камомadini вақтинча қоплайди. Давлат заёмлар чиқариб, уларни аҳолига, корхона ва ташкилотларга сотади. Улар давлат қарзининг гувоҳномаси бўлади.

Давлатнинг иқтисодий вазифалари иқтисодий тизимнинг амал қилишига шарт-шароит яратиш ва иқтисодиётни тартибга солиш, иқтисодий юксалиши, халқ турмуш даражасининг ўсишини ва турмуш шароитларининг яхшиланишини таъминлашга қаратилган маъмурий, ҳуқуқий ва иқтисодий чора-тадбирлар мажмуасидан иборат.

Ер ресурслари – янги ерларнинг очилиши, суғориш, янги техник такомиллашувлар туфайли кўпайиши мумкин. Ер ресурслари таклифининг кўпайиши ерга бўлган сарфларнинг камайишига олиб келади ва шу орқали маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни пасайтиради. Ирригация қурилмалари шаҳобчаларининг кенгайиши, интенсив деҳқончиликни қўллаш туфайли ер ресурсларининг камайиши қарама-қарши натижага олиб келади.

Жаҳон бозори – халқаро меҳнат тақсимоти орқали бир-бирига боғланган мамлакатлар ўртасидаги барқарор олди-сотди муносабатлари.

Импорт (лот. *importo* – киритаман) – ички бозорда сотиш учун чет эллардан келтирилган товар ва хизматлар.

Инвестиция (лот. кийинтирмақ) – ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига капитал киритиш (қўйиш). Молиявий инвестиция, акция, облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш; реал инвестиция мамлакат ичкарасида ва чет элларда ишлаб чиқаришга капитал киритиш (қўйиш), шунингдек, ёш мустақил давлатларга қарз ва субсидиялар бериш шаклларида амалга оширилади.

Инфляция (лот. *inflatio* – шишиш, кўчиш, кўтарилиш) – пулнинг қадрсизланиши; муомаладаги пул массасининг

товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши.

Ишсизлик – аҳоли иқтисодий фаол қисмининг ўзига иш топа олмасдан қолиши. Меҳнатга лаёқатли бўлиб, ишлашни хоҳлаган, лекин иш билан таъминланмаган ишчи кучи.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш мақсади - ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий тизимни мустақкамлаш ва уни ўзгартириб турувчи шароитга мослаштиришга қаратилади.

Иқтисодий жиноятлар – миллий иқтисодиётга, унинг тармоқлари ёки соҳаларига, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда фуқароларга зиён етказадиган ёинки зиён етказиши мумкин бўлган, жиноят қонунида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир. Бундай жиноятларнинг содир этилиши натижасида жамият, давлат, хўжалик субъектларига, айрим фуқароларга моддий зиён етказилади, жамиятнинг иқтисодий негизларига тажовуз қилинади. Уларга: 1) ўзгалар мулкани талон-торож қилиш; 2) ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар; 3) иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар; 4) хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар киради.

Иқтисодий ислохотлар – хўжалик юритиш тизимида, иқтисодиётни бошқаришда, иқтисодий сиёсатни амалга ошириш йўллари ва усулларида йирик қайта қуришлар, ўзгартиришлар, иқтисодий тизимни такомиллаштириш ёки эски тизимлардан янгисига ўтиш мақсадида амалга оширилади. Ислохотлар иқтисодий тизимнинг самарадорлиги қониқарсиз бўлган, иқтисодий инқироз ва тангликлар юз берган, кишиларнинг эҳтиёжларини етарли даражада қондирмаган ҳолларда, мамлакат ўз тараққиётида бошқа мамлакатлардан орқада қолган шароитларда ўтказилади. Иқтисодий ислохотлар ларзаларсиз, аниқ мақсадлар кўзланган ҳолда, парламент қабул қилган қонунларга биноан ва давлат раҳбарлигида амалга оширилади.

Иқтисодий манфаатлар – иқтисодий фаолият иштирокчилари (субъектлари)нинг ўзлари томонидан англанган ва уларни фаолиятга ундовчи ҳаётий эҳтиёжлари, иқтисодий

фаолиятни ҳаракатлантирувчи куч. Амал қилиш даражасига кўра якка шахс, гуруҳий ёки корпоратив, миллий ёки умумдавлат микёсидаги иқтисодий манфаатлар мавжуд.

Иқтисодий сиёсат – мамлакат мақсадлари, вазифалари, манфаатларига мувофиқ ҳолда иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга муайян йўналиш бериш, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш соҳасидаги давлат, ҳукумат фаолиятининг бош йўналиши, тадбирлари тизими. И.С. аграр, таркибий, инвестиция, молия-кредит, ижтимоий, ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техника, солиқ, бюджет соҳаларидаги сиёсатни ўз ичига олади.

Иқтисодий хавфсизлик – миллий иқтисодиёт мустақиллигининг, унинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги, доимо янгилашнишга ва ўз-ўзидан такомиллашиб боришга қодирлигини таъминловчи шарт-шароитлар ва омиллар йиғиндисидир. И.Х.иқтисодиёт ва ҳокимият институтларининг шундай ҳолатики, бундай ҳолатда мамлакат миллий манфаатларининг кафолатли ҳимоя қилинганлиги, мамлакат иқтисодий ривожланишининг ижтимоий йўналтирилганлиги, ички ва ташқи жараёнларининг энг ноқулай шароитларида ҳам мудофаа салоҳияти етарли даражада таъминланган бўлади.

Ички иқтисодий хавфсизлик – табиий, техникавий, иқтисодий, инфратузилмавий, ижтимоий, микро ва макро иқтисодий ривожланишнинг ҳамда турли беқарорликни, тангликни келтириб чиқарувчи ички ва ташқи таҳдидлар таъсирдан ҳимоя қилувчи ички иммунитетлар билан боғлиқдир.

Иқтисодий таҳдид – жамият, давлат ва уларнинг субъектлари алоҳида шахснинг нормал ҳаёт фаолиятига, улар манфаатларини рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи, уларга зиён, зарар-заҳмат келтирувчи, хавф-хатар туғдирувчи омиллар, шарт-шароитлар ва воқеликларни ифодалайди.

Иқтисодий шпионаж – рақибга зарба бериш, рақобат курашида энгиш, хўжалик фаолиятида ўзиб кетиш мақсадида тижорат сири ҳисобланган маълумотларни яширинча тўплашга қаратилган хуфёна фаолият.

Иқтисодий қонунбузарлик – хўжалик юритиш амалиётида белгиланган ва қарор топган қонун-қоидалар ва мезонларга зид ҳатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

Контрабанда (итал. *contrabando*) – давлат чегарасидан моллар, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа нарсаларни қонунга хилоф (яширинча) усулларда ўтказиш, шунингдек, таъқиқланган молларни олиб ўтиш учун ноқонуний ҳаракатлар қилиш.

Коррупция – мамлакат иқтисодий ресурсларига, давлат мулкани тақсимлаш жараёнларида унинг бир қисмига эга бўлиш мақсадида уюшган жиноий гуруҳнинг шахсий бойлик орттириш мақсадларини ва уруғ-аймоқларининг манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўювчи давлат хизмати амалдорларини ўз домига илинтириб, улардан фойдаланиши ва улар билан бирикиб, қўшилиб кетишидир.

Лицензия (лот. *licentia* – эркинлик, ҳуқуқ) – техникавий, иқтисодий, илмий янгиликлар эгасини уларни ишлатиш учун берадиган рухсати; давлат ёки корхона, ташкилотлари томонидан бирон-бир иқтисодий фаолиятни бажаришга розилик бериш; ихтироларга, техник янгиликларга, ишлаб чиқариш тажрибаси, ишлаб чиқариш сирлари, тижорат ахборотларидан маълум вақтгача фойдаланиш учун берилади. Лицензия ташқи савдо, корхона очиш, қазилма бойликлардан фойдаланиш учун ҳам давлат томонидан берилади.

Наркобизнес – соф наркотик моддалар ва таркибида шундай моддалар бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш орқали даромад топиш.

Озиқ-овқатлар — озиқ-овқат хомашёсидан тайёрланган ҳамда натурал ёки қайта ишланган ҳолида истеъмол қилинадиган маҳсулотлар.

Озиқ-овқат маҳсулоти — озиқ-овқат хомашёси, (шу жумладан этил спирти), озиқ-овқатлар (шу жумладан алкоғолли ичимликлар) ва уларнинг таркибий қисмлари, озиқ-овқат хомашёси ва озиқ-овқатларга тегиб турадиган моддалар, материаллар, ёрдамчи ва қадоқлаш материаллари ҳамда улардан тайёрланган буюмлар бирга.

Озиқ-овқат маҳсулоти муомаласи — озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта

ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан боғлиқ фаолият.

Озиқ-овқат маҳсулотини реализация қилиш — озиқ-овқат маҳсулотини маълум шартлар билан сотиш, етказиб бериш ва топширишнинг бошқа шакллари.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати — озиқ-овқат маҳсулотининг истеъмол хоссаларини белгилаб берадиган ва унинг одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлигини таъминлайдиган мезонлар мажмуи.

Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги — озиқ-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария, фитосанитария нормалари ва қоидаларига мослиги.

Озиқ-овқат хомашёси — озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ўсимлик, ҳайвонот, микробиология, шунингдек минераллар объектлари, сув.

Озиқ-овқатларни ҳамда озиқ-овқат хомашёсини таққослаш — озиқ-овқатлар ҳамда озиқ-овқат хомашёси аниқ турдаги ва номдаги маҳсулотга доир норматив ва (ёки) техникавий ҳужжатда белгилаб қўйилган муҳим мезонларга мос келишини аниқлаш.

Озиқ-овқат маҳсулотининг яроқлилик муддати (фойдаланиш муддати) — бу муддат давомида озиқ-овқат маҳсулотини сақлаш, ташиш, реализация қилиш чоғида хавфсизлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилган тақдирда у фойдаланишга яроқли бўлиб туради, бу муддат тамом бўлганидан кейин эса маҳсулот одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлиб қолиши мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотини қалбакилаштириш — озиқ-овқат хомашёсининг ҳамда озиқ-овқатларнинг хоссалари ва мезонларини атайлаб ўзгартириш ёки уларни алмаштириб қўйиш.

Озиқ-овқат хавфсизлиги — миллий ва глобал эҳтиёжларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти. Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи, мустақил таъминлашга қодирлигини ифодалайди. Шунингдек, озиқ-овқат импортга ўта боғлиқликдан халос бўлганлигини англатади.

Таъкидлаш жоизки, озиқ-овқат хавфсизлиги фақат ички ўзини ўзи тўлиқ озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш билан чекланмайди. Бунинг учун озиқ-овқат импорти ҳам эътиборга олинади. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги сиёсатида, асосан, ўзининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ички сотиш бозорларини ривожлантиришга, қисман, чет эллардан озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш асосида аҳолини озиқ-овқатга бўлган мақбул даражадаги эҳтиёжини қондириш кўзда тутилади. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш сиёсати ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси ҳамда уларни импорт қилиш даражаларини оқилона уйғунлаштириш, мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг кафолатланган имкониятларини яратиш, бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга қодирлиги муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу сиёсат даврий равишда янгиланиб турадиган озиқ-овқат захирасини яратишга ҳам қаратилган бўлади.

Озиқ-овқат кўшимчалари — озиқ-овқатларга белгиланган хоссаларни бахш этиш ва (ёки) уларни сақлаб қолиш мақсадида атайлаб қўшиладиган табиий ҳолдаги ёки синтез қилинган моддалар, бирикмалар.

Преференциал (имтиёзли) бож тўлови – ривожланаётган мамлакатлардан келтирилган импорт молларига қўйиладиган бож тўлови. Божхона тарифларига қайд қилинадиган бож тўловлари қуйидаги уч кўринишда бўлади: 1) Адвалер бож тўлови – молнинг баҳосига нисбатан фоизда белгиланадиган ва ундириб олиннадиган бож пули; 2) Специфик (ўзига хос) бож тўлови – молнинг оғирлиги, ҳажми ёки донасидан маълум бир сумма кўринишида ундириладиган бож пули; 3) Аралаш бож тўлови – моллардан бир вақтнинг ўзида ҳам адвалер ҳам специфик бож тўлови кўринишида ундириладиган бож тўлови.

Протекционизм (фран. protectionnisme, лот. protectio – ҳимоя) – давлатнинг миллий иқтисодиётининг чет эл рақобатидан ички бозорни чет эл товарларининг кириб келишидан ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий сиёсати. Протекционизм экспортни рағбатлантириш, импортни чеклаш,

импорт молларидан бож ҳақларини ошириш ва шунга ўхшаш бошқа тадбирларда ўз ифодасини топади.

Рақобат, конкуренция – бозор субъектларини иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги фойда ва кўпроқ нафликка эга бўлиш, ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашни англатади.

Рақобатчилик қобилияти, рақобатга бардошлилик (**конкурентоспособность**) – товар (мол)нинг бозордаги шунга ўхшаш товар (мол)ларга нисбатан барча сифат ва иқтисодий кўрсаткичларини таққословчи тавсифи. Агар товар (мол)нинг иқтисодий кўрсаткичлар бўйича устунлиги сезилса, унинг рақобатчилик қобилияти юқори бўлади. Унинг рақобатчилик қобилияти уни ишлаб чиқарган корхона ва мамлакатнинг нуфузини, обрў-эътиборини билдиради, уларга бозорнинг ишончини оширади. Бу қобилият қанчалик юқори бўлса, мол шунчалик кўп ва тез сотилади, ишлаб чиқарувчи (сотувчи) шунчалик кўп фойда кўради.

Сервитут – ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи. Сервитут қуйидаги мақсадларга мумкин: ўзганинг ер участкасидан пиёда ёки транспортда ўтиш, дренаж ишлари ўтказиш, электр узатиш, алоқа линиялари, трубопроводлар ўтказиш, экинзор ва молларни суғориш учун сув олиш, молларни ҳайдаб ўтиш ва табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли ишлар қилиш мумкин.

Сув мониторинги – сув мониторинги, шу жумладан ер ости сувлари мониторинги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, уларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш учун сувларнинг ҳолати устидан олиб бориладиган кузатув тизимидан иборатдир.

Ташқи иқтисодий соҳада хавфсизлик – мамлакатнинг жаҳон бозорларидаги рақобатга бардошлилиги, миллий валютанинг барқарорлиги, давлатнинг молиявий аҳволининг барқарорлиги билан тавсифланади.

Тижорат сир – ишлаб чиқариш ва савдо-сотикнинг бевосита иштирокчиларигагина маълум бўлган ва бошқаларга эълон қилинмайдиган маълумотлар. Янги техника-технология, ишлаб чиқаришни янгичасига ташкил этиш, янги материал-

ларни қўллаш, бошқаларда бўлмаган, ҳаётий цикли узун бўлган товарларни ўзлаштириш сир тугилади.

Товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги — товарни истеъмол қилиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилишнинг, шунингдек, иш ёки хизмат натижаларидан фойдаланишнинг одатдаги шароитларида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ва атроф-муҳитга зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ хавф хатарнинг йўқлиги.

Хўжалик фаолияти соҳасидаги иқтисодий жиноятлар — сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш этил спиртли, алкаголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш, қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошқор қилиш ёки ундан фойдаланиш, рақобатчилиқни обрўсизлантириш кабилардан иборат.

Хавфсизлик — ҳар қандай хавф-хатардан ўзини ҳимояланган деб ҳисобловчи инсон руҳининг хотиржам ҳолати; инсоният ҳаётининг турли соҳаларида вужудга келадиган хавф-хатар, таҳдидлардан ҳимояланганлик, кафолатланган.

Хавф-хатар — жамият, давлат, хўжалик субъекти, шахс ҳаёт фаолиятига, ривожланишга таҳдид солувчи потенциал ёки реал куч, омил, шарт-шароит, вазият.

Хуфёна (яширин) иқтисодиёт — давлат статистика органларида ҳисобга олинмаган, ғайриқонуний ва иқтисодий фаолиятга тескари бўлган ҳаракатлар йиғиндиси.

Чайқовчилик — турли молларни арзон олиб, қиммат сотиш билан даромад топишни кўзлайдиган фаолият, ман этилган тижорат иши; хуфёна иқтисодиётнинг бир қисми. Чайқовчилик объекти тақчил (дефицит) товарлардир.

Чегара олди савдоси — давлат чегараларидаги махсус жойларда мамлакатлар ўртасида ташкил қилинган ўзаро олди-берди савдоси; савдо ва тўлов битимлари, йиллик протоколлар асосида қўшни давлатлар чегара олди музофотларининг савдо ташкилотлари ва фирмалари томонидан амалга ошириладиган халқаро товар айрибошлаш тури.

Энг юқори бож тўлови – ўзаро савдо шартномалари ва келишувлари бўлмаган мамлакат молларига қўйиладиган бож тўлови.

Энг паст бож тўлови – ўзаро савдо шартномалари ва келишувлари асосида узок йиллардан буён савдо-сотик қилиб келаётган мамлакатлар молларига қўйиладиган бож пули.

Экспорт (инг. export, лот. exportare – четга чиқариш) – товарлар, хизматлар ва капитални, ишчи кучини мамлакат ташқарисига чиқариш.

Экспорт потенциали (салоҳияти) – чет элга товар ишлаб чиқариб сотиш имконияти; корхоналар, тармоқлар ва айрим мамлакатларнинг хорижга товар чиқариб, чет эл бозорида рақобат қила билиш қобилиятини, шу ҳисобига валюта тўплай олиши, даромад ола билишини англатади.

Қишлоқ хўжалик ерлари (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар) - қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерларга ажралади. Шунингдек, бунга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланадиган ёки шу мақсадга мўлжаллаб, қишлоқ хўжалиги корхоналари, ташкилотлари, муассасалари, фермер хўжаликлари ва фуқароларга ажратиб берилган ерлар киради. Қишлоқ хўжалиги ер турлари қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар бўлиб, уларнинг таркибига экин ерлари, кўп йиллик дарахтзорлар, бўз ерлар, пичанзор ва яйловлар эгалланган ерлар киради. Экин ерлари суғориладиган ва лалми ерларга бўлинади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради. Лалмикор ерларда қишлоқ хўжалик экинларини ўстириш фақат тупроқ қатламларидаги ёгинлар ҳисобига йиғилган намлик эвазига етиштирилишини ҳисобга олиб, йиллик ёгин миқдори ўртача 200 мм дан ошадиган ерлардагина лалмикор экинлар жойлаштирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Қонулар ва бошқа ҳуқуқий, сиёсий, расмий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. —Т., Ўзбекистон, 2016.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2003 йил 24 январь.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, 2003 йил 20 июнь.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2005 йил 14 июнь.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2007 йил 29 октябрь.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғориладиган ерларни 2008-2012 йилларда мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги 2008 йил 19 мартдаги ПҚ-817-сонли қарори.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1958-сонли қарори.

1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 29 декабрида қабул қилинган «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли қарори.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли Фармони.

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони.

II. Китоб ва рисолалар

2.1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т., Ўзбекистон, 1995.

2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т, Ўзбекистон, 1997.

2.3. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи. – Т.: Ўзбекистон, 1998.

2.4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т., Ўзбекистон, 1999.

2.5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. -Т, Ўзбекистон, 2000.

2.6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т., Ўзбекистон, 2005.

2.7. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.- Т., Ўзбекистон, 2010.

2.8. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т., Ўзбекистон, 2011.

2.9. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., Ўзбекистон, 2011.

2.10. Каримов И.А. «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзuida халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи.//Халқ сўзи, 2014 йил 7 июнь.

2.11. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади: Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза.- Т.: Ўзбекистон, 2014.

2.12. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир: Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза.- Т.: «Ўзбекистон», 2015.

2.13. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир: Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза.- Т.: «Ўзбекистон», 2016.

2.14. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак: Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим

устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. –Т.:»Ўзбекистон», 2017.

2.15. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамыз: Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи.//Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь.

2.16. Абулқасимов Х.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма.- Т.: Akademiya, 2012.

2.17. Абулқосимов Ҳ.П., Фармонов Қ.З., Содиков А.Х. Божхона ва иқтисодий хавфсизлик.Т.:» Iqtisod-Moliya», 2009.

2.18. Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўллари. Рисола. - Т.,»Fan va texnologiya», 2015.

2.19. Абулқосимов Ҳ.П., Турсунхўжаев М.Л., Хусанов Д.Н. Қишлоқ хўжалиги ерларидан унумли фойдаланиш – мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш омили. Монография. - Т.: «Turon-iqbol», 2016, 160 бет

2.20. Вечканов Г.С. Экономическая безопасность.- СПб: Изд. «Вектор», 2007.

2.21. Гордиенко Д.В. Основы экономической безопасности государства. Курс лекций: учеб-метод. Пособие.- М.: финанск и статистика; ИНФРА-М., 2009.

2.22. Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность. – Ростов на Дону: Феникс, 2007.

2.23. Общая теория национальной безопасности. Учебник. - М., РАГС, 2003.

2.24. Пахрутдинов Г.П.И. Таҳдид - ҳалокатли куч (мақола ва маърузалар тўплами). - Т., Академия, 2001.

2.25. Экономика и организация безопасности хозяйствующих субъектов, 2-е изд – СПб.: Питер, 2004.

2.26. Қобилов Ш.Р. Миллий хавфсизликнинг иқтисодий муаммолари. –Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2006;

2.27. Қобилов Ш.Р. Глобаллашув ва хавфсизлик. –Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2006.

2.28. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМИ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. –Т.: Иқтисодиёт нашриёти, 2010.

III. Журнал ва газеталар, илмий тўпламлардаги мақолалар ва тезислар

3.1. Абулқосимов Ҳ.П., Алимова Н.Т. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг айрим масалалари. // Миллий Иқтисодиётни модернизациялашнинг назарий ва амалий жиҳатлари (илмий мақолалар тўплами), «Иқтисод ва молия» журнаliga илова № 4(8), 2014, 59-64- бет.

3.2. Абулқосимов Ҳ.П., Алимова Н.Т. Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотларининг импорт хавфсизлигини таъминлаш йўллари. // «XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами, 2015 йил 24 март.-Т., 2015. 58-64-бетлар.

3.3. Абулқосимов Ҳ.П., Алимова Н.Т. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалигининг ролини ошириш. // «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини инновацион ривожлантириш» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 1-қисм., 2015 йил 17-18 апрель.- Гулистон, 2015.- 253-256-бетлар.

3.4. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш омиллари. // Ж.Иқтисод ва молия, 2015й. 8-сон. 44-51-бетлар.

3.5. Абулқосимов Ҳ.П. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг айрим масалалари. // Ўзбекистон иқтисодиётини институционал ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар, ечимлар» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар ва маърузалар тезислари тўплами. 1-қисм. 2016 йил 12 март.-Т.: Fan va texnologiya, 2016.- 32-35-бетлар.

3.6. Абулқосимов Ҳ.П. Озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг айрим масалалари. //»Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда солиқ сиёсатининг ўрни» мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. 2016 йил 22 апрель -. Солиқ академияси, Тошкент, 2016. -185-188-бетлар.

3.7. Абулқосимов Ҳ.П. Саноат тармоқларини модернизациялашнинг асосий йўналишлари. //»Иқтисодий барқарорликка эришишда модернизациялаш ва иқтисодий мутаносибликларни таъминлаш муаммолари» республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари.27 апрель 2016й. 1-қисм.-Т.,2016. 25-27-бетлар.

3.8. Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С., Мамарахимов Б.Э., Шарипов К.Б. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш истиқболлари. // Ж. Ученый XXI века • 2016 • № 5-4 (18). - С. 77-83.

3.9.Абулқосимов Ҳ.П., Тожибоева Д. Қишлоқ хўжалиги ривож-озиқ-овқат хавфсизлиги гарови.// Ж.Иқтисод ва молия// Экономика и финансы, 2016 йил, 10-сон, 20-26-бетлар.

3.10.Абулқосимов Ҳ.П., Тажжибаева Д. Защита прав собственности- залог эффективного использования ресурсов сельского хозяйства и экономической безопасности. // Проблемы прогнозирования и государственного регулирования социально-экономического развития: материалыXVII Международной научной конференции (Минск, 20-21 октября 2016 года). В3т. Т.2/ редкол. А. В. Червяков { и другие}. – Минск: НИЭИ М-ва экономики Рес.Белорусь, 2016. – С.205-207.

3.11.Абулқосимов Ҳ.П., Саидахмедова Н.И. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш хусусиятлари.// «Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари» Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар ва маърузалар тўплами. (2016 йил 15 декабрь) – Т.: ТДИУ, 2016.-8-10-бетлар.

3.12. Абулқосимов Ҳ.П., Саидахмедова Н.И. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг айрим масалалари.// Ж.Иқтисод

ва молия// Экономика и финансы, 2017 йил, 1-сон, 12-19-бетлар.

3.13. Дронов Р. Подходы к обеспечению экономической безопасности // Экономист №2, 2001.

3.14. Исажонов А.А. Конкурентоспособность национальной экономики: мировой опыт и современные тенденции развития // Экономический вестник Узбекистана, 1999, №6.

3.15. Исажонов А.А. Иқтисодий хавфсизликнинг ташқи жиҳатлари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 1999. 12-сон.

3.16. Маглакелидзе Т. Экономическая и экологическая безопасность: взаимосвязь и влияние на экономический рост. // Экономист, №6, 2002.

3.17. Макроэкономические и региональные аспекты моделирования устойчивого экономического роста. форум экономистов Узбекистана: [материалы], 14 декабря 2010г, Ташкент/ под ред. д.э.н. А.М.Садыкова; Ин-т прогнозирования и макроэкономических исследований, Программа Развития ООН.

3.18. Прохожев А., Корнилов М. О проблеме критериев оценок экономической безопасности // Общество и экономика, № 4-5, 2003.

3.19. Расулов Т.С.

3.20. Сенчагов В.К. Экономическая безопасность как основа обеспечения национальной безопасности России // Вопросы экономики, №8, 2001г.

3.21. Посткризисного развития: (на примере Узбекистана): Междунар. науч.- прокт. конф.: [материалы], 12 апр.2010.-Т.: Узбекистан, 2010. Ч. I и II.

3.22. Жонихонов М., Рахмонов С. Озиқ-овқат дастури: мамлакат тараққиёти, иқтисодиёт барқарорлиги ва фаровонликнинг мустаҳкам асоси. // Халқ сўзи, 2014 йил 7 июнь.

IV. Статистик тўплам ва манбалар

4.1. Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ 2003 йил - Т., СИСМ, 2004.

4.2. Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ 2004 йил - Т., СИСМ, 2005.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги статистик ахборотномаси. Т., 2011.

4.3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий- ижтимоий та- раққиётнинг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асо- сий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўл- жалланган прогнозлари: статистик тўплам. Т.: Ўзбекистон, 2011.

4.4. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги статистик ахборотномаси.-Т., 2014.

4.5. Ўзбекистон иқтисодиёти: ахборот-таҳлилий бюллетень. 2011 йил.-Т., ИТМ, 2012.

4.6. Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги. Статистик тўплам 2016 йил.-тошкент, 2016.

4.7. Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам 2016 йил. – Тошкент, 2016.

4.8. Экономика Узбекистана: информационно-аналити- ческий бюллетень за 2012 год.-Т., ЦЭИ, 2013.

4.9. Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари //Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

4.10. Ўзбекистон Республикасини 2016-йилда ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида/ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ҳисоботи.

4.5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

4.6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари.

4.7. Ўзбекистон республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги маълумотлари.

4.8. Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси маълумотлари.

5. Интернет сайтлари

5.1. «Ўзбекистон иқтисодиёти» ахборот ва таҳлилий шарҳининг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги электрон нусхаси куйидаги веб-саҳифада берилган: www.cer.uz.

5.2. <http://www.uzland.uz>.

5.3. www.economyta-culty.uz. – Экономика Узбекистана

5.4. <http://www.imf.org>.

5.5. <http://www.bank.uz>.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари.....	6
1.1. Иқтисодий хавфсизлик тушунчасининг моҳияти ва шакллари.....	6
1.2. Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчасининг моҳияти ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.....	14
II боб. Ўзбекистонда аграр сиёсат ва қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ривожланиш тенденциялари.....	22
2.1. Ўзбекистон Республикасининг аграр сиёсати ва уни амалга ошириш йўналишлари.....	22
2.2. Қишлоқ хўжалиги ер майдонлари таркибининг ўзгариш тенденциялари.....	27
2.3. Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш тенденциялари.....	40
III боб. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти ва роли.....	54
3.1. Озиқ-овқат саноатининг ривожланиш босқичлари.....	54
3.2. Озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши тенденциялари.....	59
IV боб. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг истиқболдаги устувор йўналишлари.....	68
4.1. Қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш йўллари.....	68
4.2. Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш истиқболлари.....	88
4.3. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш истиқболлари.....	97
4.4. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш йўллари.....	107
Хулоса.....	125
Глоссарий.....	131
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	143

**АБУЛҚОСИМОВ ҲАСАН ПИРНАЗАРОВИЧ,
РАСУЛОВ ТЎЛҚИН САТТАРОВИЧ**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ
ЖИҲАТЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2017

Мухаррир: Ф.Исмоилова
Тех. муҳаррир: Ф.Тешабоев
Мусаввир: Д.Азизов
Мусахҳиҳа: Н.Ҳасанова
Компьютерда
саҳифаловчи: Ш.Мирқосимова

**E-mail: tipografiyacent@mail.ru Тел: 245-57-63, 245-61-61.
Нашр.лиц. АЛ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди: 12.09.2017.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 9,0. Нашр босма табағи 9,5.
Тиражи 500. Буюртма №147.**

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.**